

III-87

**З.И.МУНАВВАРОВ**

**ХАЛҚАР О МУНОСАБАТЛАРГА КИРИШ**



027  
м - 87

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

З.И.МУНАВВАРОВ

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРГА  
КИРИШ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
томонидан 5121100 – Халқаро муносабатлар бакалавриат таълим  
йўналииши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия  
этилган



ТОШКЕНТ – 2019  
"НАВРЎЗ" НАШРИЁТИ

КВК: 86.2(ЗЎ36)

М 21

УО'К: 451.25.14.(22)

З.И.МУНАВВАРОВ. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРГА КИРИШ.  
Ўқув кўлланма. – Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 2019. 224 бет.

ISBN 978-9943-565-65-4

Тузувчи-муаллиф:

З.И.МУНАВВАРОВ, сиёсий фанлар доктори, профессор

Масъул мухаррир:

З.С.ПЎЛАТХЎЖАЕВ, истеъфодаги Фавкулодда ва Муҳтор Элчи

Такризчилар:

М.МУҲАММАДСИДДИҚОВ, сиёсий фанлар доктори, доцент

А.МУМИНОВ, юридик фанлар номзоди, доцент

Ўқув кўлланма халқаро муносабатларга кириш фанининг умумий масалаларини ёритишга багишиланган. Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг халқаро муносабатлар таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган ушбу нашр мазкур илмий йўналишнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш босқичлари, унинг тарихий асослари, обьекти ва субъекти, халқаро муносабатлар билан боғлик илмий категориялар, уларнинг умумий қонуниятлари, уларга оид асосий тушунча ва атамаларни камраб олгандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг  
2019 йил 2 ноябрдаги 1023 –сонли буйргуга асосан 5121100 –Халқаро  
муносабатлар бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун ўқув  
кўлланма сифатида нашрга тавсия этилган.

Рўйхатга олиш рақами 1023-004

© З.И.Мунавваров

© Ўзбекистон халқаро ислом академияси

© «Наврўз» нашриёти, 2019

ISBN 978-9943-565-65-4

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>4</b>
<b>Биринчи мавзу. Халқаро сиёсий тадқиқотлар доирасидаги халқаро муносабатлар илмий йўналиши ва фанининг шаклланиши.....</b>	<b>7</b>
<b>Иккинчи мавзу. Вестфалия моделига асосланган халқаро муносабатлар тамойилларининг шаклланиши.....</b>	<b>23</b>
<b>Учинчи мавзу. Вестфалия модели доирасидаги халқаро муносабатлар тизимлари: “Европа концерти”.....</b>	<b>34</b>
<b>Тўртинчи мавзу. Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг XX асрдаги эволюцияси: назарий ёндашувлар.....</b>	<b>41</b>
<b>Бешинчи мавзу. Глобаллашув шароитида (XX аср охири- XXI аср бошлари) жаҳон тараккиётидаги ўзини намоён этаётган янги тамойиллар.....</b>	<b>60</b>
<b>Олтинчи мавзу. Халқаро муносабатларнинг XX аср иккинчи ярмидаги эволюцияси хусусиятлари.....</b>	<b>72</b>
<b>Еттингичи мавзу. Танқидий фикрлаш, таҳлилий кўнижмалар ва экспертлик билимларини эгаллаш халқаро муносабатлар туб моҳиятини идрок этишнинг қалити сифатида.....</b>	<b>83</b>
<b>Саккизинчи мавзу. Халқаро муносабатлар бўйича тадқиқотларни амалга ошириш методологиясига кириш.....</b>	<b>92</b>
<b>Тўқкизинчи мавзу. Халқаро муносабатлар бўйича тадқиқотлар йўналишини аниқлаш масаласи.....</b>	<b>100</b>
<b>Ўнинчи мавзу. Халқаро муносабатларга оид муаммолар бўйича презентациялар тайёрлаш.....</b>	<b>106</b>
<b>Ўн биринчи мавзу. Матъумотларнинг глобаллашуви шароитида халқаро муносабатлар эволюциясида ўзини намоён этаётган янги тамойиллар.....</b>	<b>111</b>
<b>Глоссарий.....</b>	<b>119</b>
<b>Тавсия этилган адабиётлар.....</b>	<b>127</b>
<b>Илова № 1. Инсон хукуклари умумжаҳон декларацияси</b>	<b>131</b>
<b>Илова № 2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми</b>	<b>139</b>
<b>Илова № 3. Устав ООН по вопросам образования, науки и культуры</b>	<b>170</b>
<b>Илова № 4. Declaration of Independence</b>	<b>187</b>
<b>Илова № 5. Декларация независимости США</b>	<b>192</b>
<b>Илова № 6. ميثاق منظمة التعاون الإسلامي</b>	<b>197</b>
<b>Илова № 7. جامعة الدول العربية</b>	<b>206</b>
<b>Илова № 8. Каирская декларация о правах человека в исламе</b>	<b>216</b>

---

## КИРИШ

Халқаро муносабатларга кириш пропедевтик табиатга эга, яъни муайян илмий йўналиш бўйича содда ва сиқик, лекин тизимли тарзда баён этилган дастлабки курсдан иборат бўлиб, халқаро муносабатлар таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган фандир. Ушбу предмет халқаро муносабатлар илмий йўналишининг пайдо бўлиши ва шаклланиш босқичлари, унинг асослари, обьекти ва субъекти, халқаро муносабатлар билан боғлиқ илмий категориялар, халқаро муносабатларнинг умумий қонуниятлари, уларга оид асосий тушунча ва атамаларни ўрганишининг бирламчи босқичини ўзида мужассам этади. Шунингдек, у дунёда кечётган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, хукукий, дипломатик, илмий ва бошқа соҳалардаги муносабатлар ва алоқаларнинг йигиндисини ўзида мужассам этган воқеликка бағишлиланган илмий йўналиш ва олий ўкув юртларида ўрганиладиган маҳсус фаннинг илк босқичини ташкил қиласди.

Баён этилганлардан аёнлашадики, халқаро муносабатларга кириш фани олий ўкув юрти дастурининг биринчи босқичи таркибига киради. Чунки эндиғина олий ўкув юртига кирган талаба учун таҳсил давомида нималарни ўрганиши, олинган билимлар унинг келажақдаги фаолиятида қандай аскотишини билиб олиш принципиал аҳамиятга эгадир.

Шунга кўра, ушбу ўкув кўлланма халқаро муносабатларнинг нима эканлиги, улар қачон пайдо бўлгани ва қандай эволюцияни бошдан кечиргани, жумладан, халқаро ҳаётни тартибга солишининг Вестфалия моделидан бошлаб (1648 й.) бугунги жаҳон сиёсати шакллангунга қадар бўлган ўзгаришлар ҳақидаги илмий асосланган тасаввурни шакллантиришни кўзлайди.

Кўлланмада инсоният ҳаётида сиёсат ва сиёсий соҳанинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг эволюцияси, жумладан, давлатнинг сиёсий институт сифатида шаклланиши, ички ва ташки сиёсатнинг ўзаро

боғлиқлиги, миллий манбаат, “халқаро муносабатлар” тушун-  
часининг тор ва кенгайтирилган маънолари, халқаро муносабат-  
ларни ўрганишга оид ёндашувлар, ушбу йўналишнинг етакчи  
мактаблари, халқаро конфликтлар ва уларни бартараф этишининг  
анъанавий усуллари, урушлар ва уларнинг турлари, халқаро  
ҳамкорлик ва интеграциялашув жараёнлари, халқаро фаолиятни  
амалга ошириш усуллари ва технологиялари, дипломатия, унинг  
тарихи, унга оид усулларнинг эволюцияси, XX аср охири-XXI аср  
бошларида дунё сиёсий тузилмасининг ўзгариши, жаҳон сиёсати-  
нинг иқтисодий сегменти, халқаро муносабатлар бўйича адабиётлар  
ва хужжатлар билан ишлаш қоидалари ҳамда бошқа дастлабки  
билимлар баён этилган. Шунингдек, унда Ўзбекистон  
Республикасининг ташки фаолияти, миллий манбаатлари,  
хавфсизлигига таҳдид солаётган хатарлар, етакчи давлатлар билан  
муносабатларига алоҳида эътибор берилган.

Кўлланма, биринчи навбатда, Ўзбекистон халқаро ислом  
академиясининг халқаро муносабатлар йўналиши талабалари учун  
мўлжаллангани учун унда мусулмон дунёси, айниқса, Яқин Шарқ ва  
Марказий Осиё минтақаларининг замонавий халқаро муносабатлар  
тизимидағи ўрни кенгрок ёритилган. Шунингдек, мамлакатимиз-  
нинг яқин ўтмиши табиатидан келиб чишиб, халқаро муносабат-  
ларнинг постсовет ҳудуддаги эволюциясига ҳам эътибор қаратилган.

Баён этилганлардан ташқари, кўлланмадан халқаро муносабат-  
лар бўйича мутахассиснинг бўлажак фаолиятида кўлланиши назарда  
тутилган айрим касбий-амалий кўникмаларни шаклланти-ришга  
қаратилган татбикий моҳиятли мавзулар ҳам ўрин олган.

Ушбу ўқув кўлланма “Халқаро муносабатлар”, “Сиёсат-  
шунослик” ва “Минтақашунослик” ихтисосликлари бўйича таълим  
олаётган биринчи босқич талабалари учун мўлжалланган бўлиб,  
ундан талабаларда жаҳон сиёсатига оид жараёнлар ва воқеликни  
таҳлил қилиш, қиёслаш ва баҳолаш, халқаро муносабатлар ва жаҳон  
сиёсатини ўрганиш бўйича турли назарий мактаблар ва сиёсий  
анъаналарни танқидий баҳолаш, жаҳон сиёсатининг муайян муам-  
молари таҳлили асосида олинган назарий билимларни амалиётда

кўллаш, жаҳон сиёсати акторлари фаолияти самарадорлигини қиёслаш ва баҳолаш, жаҳон сиёсатида турли шаклларда иштирок этиш имкониятлари ва уларнинг максадга мувофиқлигини хисобга олиш, олинган билимлардан курс ишлари ва малакавий битирув ишлари жаҳаёнинда фойдаланиш маҳорати ва кўникмаларини шакллантиришдан иборатdir.

Мазкур курс умуман таништирув моҳиятига эга бўлса-да, унда замонавий халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг асосий назарий ва амалий муаммолари, халқаро муносабатларнинг инсон ҳаётининг бошқа соҳалари билан алоқадорлиги масалалари ўз аксини топгандир. Ушбу ўқув курсини ўрганиш талабаларда илмий-сиёсий моҳиятли адабиётлар, хужжатлар ва бошқа материалларни излаб топиш ва улар билан ишлаш учун зарур билимларнинг шаклланиши билан яқунланиши назарда тутилади.

Халқаро муносабатлар бўйича мутахассис бир неча хорижий тилларни билиши зарур. Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг халқаро муносабатлар таълим йўналишида таҳсил олаётган талабаларга араб, инглиз ва рус каби хорижий тилларни чукур билиш мажбурияти юкланган. Шундан келиб чиқиб, кўлланма таркибига илова шаклида киритилган айрим матнлар рус, инглиз ва араб тилларида берилмоқда.

## **Биринчи мавзу. Халқаро сиёсий тадқиқотлар доирасидаги халқаро муносабатлар илмий йўналиши ва фанининг шаклланиши**

### **Режа:**

1. “Халқаро муносабатлар” тушунчасининг пайдо бўлиши, унинг ривожланиш босқичлари, бугунги мазмуни ва моҳиятини инфода этувчи таърифлар.

2. XMни ўрганувчи фанларнинг кўлами: уларнинг ҳар бири ўрганадиган XMнинг тегишли қирралари.

3. XMни ўрганишнинг асосий тамойиллари аҳамиятини очиб берадиган тарихий мисоллар бўйича бир саҳифадан иборат эссе (иншо) тайёрлаш.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** халқаро муносабатлар, информацион жараёнлар, сиёсий воқеалар, сайловлар, давлат, бизнес, эволюция, назария, амалиёт, фан, концепция, дискурс, парадигма.

“Халқаро муносабатлар” деган тушунчанинг моҳиятини нима ташкил этади деган савол ушбу соҳа вакиллари учун принципиал аҳамият касб этади. Бир қарашда “халқаро муносабатлар” тушунчаси оддий одамлардан йирок, тор доирадаги ва муайян ижтимоий гурухларнинг, масалан, давлат раҳбарлари, йирик сиёсатчилар, дипломатлар ва ҳоказолар масъулияти деган фикр пайдо бўлиши мумкин.

Савол: ҳакиқатда ҳам шундайми?

Қачонлардир, балки, шундай бўлгандир. Бироқ бугунги информацион жараёнлар шароитида ҳаётнинг байналмилаллашуви мисли кўрилмаган даражалар касб этмоқда. Информацион технологиялар мамлакатлар, халқлар ва одамларни бир-бирига шундай яқинлаштириб кўйдики, бу халқаро муносабатлар мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. Шунинг учун ҳам, гарчи давлат раҳбарлари, айрим тор ижтимоий гурухлар, масалан, дипломатлар, халқаро муносабатларда етакчи роль ўйнашда давом этаётган бўлсалар-да, оддий фуқаролар ҳам уларда фаол иштирок этмоқдалар дейишга барча асослар бор. Улар ҳар куни чет элларда тайёрланган маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланадилар, хорижий фильмларни кўрадилар, чет эллардан келаётган ахборотлардан бохабар бўладилар ва ҳиз.

Биз ХМда бошқа күренишларда ҳам иштирок этамиз. Масалан, деярли барча фуқаролар ўз мамлакатларидағи сиёсий жараёнларда иштирок этадилар: давлат раҳбарлари ва парламент аъзоларини сайлайдилар ҳамда, шу орқали, ҳукумат томонидан танланадиган ташқи сиёсат йўнанишларини белгилашда билвосита иштирок этадилар. Референдумларда фуқаролар ўз давлатларининг у ёки бу халқаро ташкилотларда иштирок этиши ёки акси учун овоз берадилар. Шу орқали нафакат ўз мамлакатлари истиқболи, балки халқаро ҳамжамият тараккиётiga ҳам муайян таъсир кўрсатадилар. Охирги йилларда Украинада кечәётган жараёнлар бунинг ёрқин мисолидир.

Бугунги шароитларда расмий (давлат) мансабларига алоқаси бўлмаган алоҳида шахслар халқаро муносабатлар ва бутун-бутун минтақалар ривожига катта таъсир ўтказмоқдалар (Тэд Тернер<sup>1</sup>, Жорж Сорос<sup>2</sup>, Фатхулла Гулен<sup>3</sup> ва ҳз.).

Айрим маълумотларга кўра, Сорос томонидан “очиқ жамият” ни куриш учун сарфланаётган маблағларнинг ҳажми АҚШ давлатининг дунё бўйлаб “демократия” ўрнатишга йўллаётган маблағларидан кам эмас.

Яна бир мисол: американлик медимагнат Тэд Тернер томонидан БМТ фаолиятини қўллаб-куватлаш учун ажратилган 1 млрд доллар ушбу ташкилотни американча тузилмага айлантиришга қаратилган ислоҳотлардан сақлаб колди.

Оддий одамлар ҳам ХМга шу даражада таъсир қила оладими?

1997 йилдаги Нобель мукофотининг тинчлик учун номинацияси совриндори американлик Жоди Уильямснинг<sup>4</sup> пиёдаларга

<sup>1</sup> Роберт Эдвард Тёрнер III, 1941 й.т., американлик бизнесмен, 24 соатлик янгиликлар канали CNNинг асосчиси, актриса Джейн Фонданинг сабиқ зри. Миллиардер, Forbes та кўра, 2015 й. унга тегишли бойлик \$2,2 млрдни ташкил этган.

<sup>2</sup> Жорж Сорос (88 ёнда), американлик (келиб чиқиши бўйича венгриялик) трейдер (кимматли коғозлар билан савдо кивлувчи), молнича, инвестор, филантроп (мухтожларга хайрия килиш билан шугууланувчи). Хайрияning энг кадимий кўриниши садақа бериш ва бечоралрга ёрдам бериш бўлган (одатга, чerkov, маскид ва бошқа диний муассасалар атрофида). Сорос ўзини “очиқ жамият” тарафдори ва «бозор фундаментализм» душмани сифатида кўрсатишга интилади. «Сорос фонд» номи билан машҳур хайрия ташкилотлари тизмининг асосчиси.

<sup>3</sup> Фетхулла Гюлен, 27 апрел 1941 й.т., турк ёзувчиси ва диний арбоби, сабиқ имом-хатиб. «Хизмет» ижтимоий ҳаракатининг асосчиси. Ёзувчилар ва журналистлар фонди-нинг фахрий раиси. Ҳозирда АҚШда иктиёрий мухожириатда яшайди. 2008 й. дунёдаги энг нуфузли зиёли сифатида тан олинган (Prospect и Foreign Policy журналлари ўтказган сўровлар натижаси бўйича).

<sup>4</sup> 1950 й.т., американлик фаол жамоат арбоби ва ўқитувчи; Пиёдаларга карши миналарни таъқиқлаши халқаро ҳаракати асосчиси, Нобель мукофотининг 1997 йилдаги тинчлик учун

қарши миналарни ишлаб чиқаришни таъқиқлашга қаратилган халқаро кампанияси... Фақат электрон почта ёрдамида 55 давлатдаги 1000дан (!) ортиқ ташкилотнинг мазкур масала бўйича фаолияти мувофиқлаштирилгани туфайли бир йилнинг ўзида бундай миналарни ишлаб чиқарадиган 5 энг йирик давлатнинг – Буюк Британия, Франция, Россия, АҚШ ва ХХР позициялари ўзгарганини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин Демак, бугунги ХМга миллион-лаб алоҳида шахслар мунтазам равишида ўз таъсирини ўтказиб туради.

Иккинчи жиҳатдан, ХМ ҳам одамларнинг ҳаётига ҳар кун ўз таъсирини ўтказиб туради. Масалан, нефть маҳсулотлари нархининг ўзгариши барчанинг ҳаётини ўзгартиради. У ёки бу мамлакатга боришини режалаштираётган киши учун виза масаласи алоҳида аҳамият касб этади (АҚШ мисолида буни тушунтириш мумкин! Ўзбекистонда бу соҳадаги ўзгаришлар, масалан, хорижий инвестицияларни кўпайтириш, туризмни ривожлантириш ва бошқаларга кўмаклашмоқда). Мамлакат худудларида (масалан, Ўзбекистон учун Афғонистон: экстремизм, терроризм, наркотрафик, диний таассуб ва ҳизби.) “қизгин” нуқталарнинг бор-йўклиги нафақат ҳарбий хизматга мажбур ёшларни, балки уларнинг отонаси ва қариндошларини, қролаверса, бутун-бутун жамиятларни ҳам ташвишга солади ва ҳизби.

Айтилганлардан “ХМ” тушунчасининг серкірралиги ва мураккаблиги аён бўлади. Бундан ХМ назариясини билишнинг бениҳоя юксак аҳамияти келиб чиқади.

### Назария нима?

Кенг маънода назария – бу муайн воелик моҳиятини тушунтириш ёки тафсирлашга (талқин этиш, таҳлил этиш, кўриб чиқишига) қаратилган қарашлар, тасавурлар, гоялар ва бошқаларнинг йиғиндисидир. Торроқ маънода эса, назария – бу илмий асосланган билимларнинг юксак ривожланган даражаси бўлиб, у ўзининг обьекти бўлган масалага тааллуқли қонуниятлар, ўзига хосликлар ва бошқа жиҳатлар ҳакида тўлиқ тасаввур ҳосил

---

номинацияси совриндори. 1984 й. Жон Хопкинс университетининг Халқаро тадқиқотлар мактаби томонидан ХМ магистри уйони берилган. 1992 й. Пиёдаларга қарши миналарни таъқиқлаш халқаро ҳаракатига (International Campaign to Ban Landmines) раҳбарлик кила бошлаган. Ҳаракат ва шахсан Уильямснинг сайд-ҳаракатлари натижасида Пиёдаларга қарши миналарни ишлаб чиқариш ва кўллашга ҳакидаги конвенция имзоланган (бирор ўшандада айрим давлатлар, жумладан, Россия, ХХР ва АҚШ уни имзолашдан бош тортган).

қилишга, шунингдек, кейинги тадқиқотлар учун асос сияатида хизмат қилади.

Назария (юонон тилидан: кўриб чиқиши, тадқик этиши) – муайян гоялар ва принципларни умумлаштирувчи таълимот. Тегишли фан ёки унинг муайян бўлимини ташкил этувчи гояларнинг умумлаштирмаси бўлиши ҳам мумкин. Назарияда бир мулоҳаза иккинчи мулоҳазанинг исботи ёки мантикий таҳлилидан келиб чиқади. Назария илмий метод (услуб) асосида шакллантирилади, ишлаб чиқилади ва текширилади.

Назариядан олдин гипотеза<sup>1</sup> “түғилади”.

Назария ёки уларнинг йифиндиси таълимотларни ташкил этади. Прогнозлаш (башорат қилиш) назарий тафаккурнинг муҳим оқибатларидан биридир. Яъни, назариянинг (олдинги тажрибанинг) илмий умумлаштирасини билмасдан туриб, келажакда рўй бериши мумкин воқеа ва ҳодисаларни башорат этиши амри маҳолдир. Прогнозлаш эса, ХМ соҳаси билан боғлик вазифаларнинг энг муҳимлари қаторига киради. ХМ йўналиши биттирувчилари, биринчи навбатда, тадқиқотчилар бўлишиз лозим.

Назарияни ўрганиш нима учун керак? Факат фактларга асосланган ҳолда хулосалар чикарса бўлмайдими деган савол түғилиши мумкин. Чунки сиёсатчилар ва маъмурларнинг анчагина қисми, ҳатто кўпчилиги, асосан, амалиётчи бўлиб, чуқур назарий билимларга эга эмаслар.

ХМ<sup>2</sup> назариясининг пайдо бўлиши ижтимоий заруратнинг маҳсулидир... Бир вақтлар мураккаб конструкцияли кўприкларни куриш муҳандислик илмлари, одамларни касалликлардан ҳимоялаш истаги тиббиёт тараққиётига туртки бергани каби, Биринчи жаҳон урушидан кейин узоқ муддатли ва мустаҳкам тинчликни таъминлашга интилиш ХМ илмий йўналишининг шаклланишига сабаб бўлди.

Софлом мантиқ ҳамда оддий тасаввурлар инсонларга кундалик муаммолар бўйича тегишли қарорларни қабул қилишга ёрдам беради (нима билан тушлик килиш, ишхонага қандай етиб олиш ва ҳ kz.). Бироқ вазият мураккаблашган сари оддий одам керакли очимларни топишга қўйналиб қолади. Масалан, диета йўлларини факат врач-диетолог белгилаши мумкин. Ипотека

<sup>1</sup> Илмий тахмин ёки фараз; аксиомадан фарқли равишда уни исботлаш талаб этилади.

<sup>2</sup> “Халкаро муносабатлар” деган атама (термин) инглиз мутафаккири Жереми Бентам (1748-1832) томонидан илмий мумалага киритилган.

кредитини олиш учун мутахассисга мурожаат қилинади ва ҳаз. Бундай ёндашувларни ХМ соҳасига ҳам татбиқ этиш мумкин...

ХМнинг таркибий қисмлари бўлган бугунги дунёда кечеётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа жараёнлар шундай даражада мураккабки, уларнинг моҳиятини тўғри идрок этиш учун оддий тасаввурларнинг ўзи камлик қиласди. Йўл кўйилиши мумкин хатоларнинг қўйммати ниҳоятда баланд бўлиши эҳтимоли катта... Шунинг учун ҳам бугунги замонда давлат раҳбарларининг кўп сонли (масалан, РФ Президенти фаолиятининг илмий таъминоти билан тахминан 1000 (!) эксперт шуғулланади) мутахассислардан иборат ёрдамчилари бор. Табиий, уларнинг ҳаммаси ҳам расман президент ёрдамчиси мақомида эмас, лекин фаолиятининг мазмун-моҳиятини айнан шу иш ташкил этади.

Албатта, одам маҳсус билимларни эгалламасдан туриб, тегишли соҳада кечеётган жараёнларни кузатиб, у билан боғлиқ назарияни билмасдан, муайян ихтисослик ҳақида тасаввурга эга бўлиши мумкин. Аммо бундай тасаввур ниҳоятда мўрт ва тор бўлиб, у тегишли муаммо бўйича самарали ечимларни топиш учун етарли эмас. Масалан, ҳамма футбол ўйини ҳақида умумий тасаввурга эга, аммо ҳамма ҳам футбольда ҳакамлик қилолмайди. Ҳатто ҳакамларнинг савияси турличаадидир. Демак, масалан, Равшан Эрматовга ўхшаган яхши ҳакам бўлиш учун футбол ўйинининг пайдо бўлишидан бошлаб, унинг ривожланиш босқичлари, ҳакамлик қилиш қоидалари билан боғлиқ икирчикирлар, уларни амалда кўллаш йўллари ва ҳоказоларни билиш, тегишли вазиятларда уларга таҳлилий ёндашган ҳолда татбиқ этиш учун етарли билимлар эгаси бўлиш лозим. Яна жисмонан соғлом ва бақувват бўлиш талаб этилади.

ХМ ҳам худди шундай. Уларни ўрганиш халқаро саҳнада амал қилаётган ўйинчилар (илмий тилда – актор<sup>1</sup>) ким, уларнинг хатти-харакатларини кузатишдан мақсад нима ва бошқа саволларни

<sup>1</sup> Актор — кўп маъноли атама. Сиёсатшуносликда: актор (лот. *actor* — арбоб) — сиёсат субъекти, шунингдек, актор — дунёда кечеётган жараёнларга таъсир кўрсатиши мумкин жаҳон сиёсатининг иштироқчиси. Социологияда: Актор — амалдаги субъект (индивидуал ёки жамоавий); индивид, ижтимоий гурӯҳ, ташкилот, институт, бошқаларга қаратилган харакатларни амалга оширувчи инсонлар уюномаси. Масалан, давлат сиёсат майдонидаги асосий актор ва жамиятдаги етакчи актор хисобланади. Актор — ўзининг мақсадларини амалга ошириш учун ўзгаришларнинг иштироқчиси бўлиб, бу соҳада етарли тажрибага эга. Акторларнинг мақсадлари ва мотивлари турлича бўлиши мумкин: умидлар, ноаниклик билан боғлиқ хиссият ва туйгулар ва ҳаз.

ўртага чиқаради. Бугунги ХМда иштирок этаётган акторларнинг энг каттаси, табиийки, давлатлар бўлгани учун фақат уларнинг ҳаракатларини кузатишнинг, яъни ўрганишнинг ўзи етарлими? Ёки ХМ нодавлат акторлари – транснационал корпорациялар, нодавлат ёки нохукумат ташкилотлар<sup>1</sup>, террористик тузилмалар, алоҳида шахслар фаолиятини ҳам ўрганиш лозимми?

Баён этилганлардан ХМ назариясини билишнинг юксак аҳамияти ойдинлашади. Зоро, у воеа ва ҳодисалар ривожининг ички яхлитлиги ёки узвийлигини аниқлаштиришга интилади, халқаро муносабатлар тизимлари моҳиятини белгилайдиган туб жараёнлар ва манбаларни очиб беришга ҳаракат қиласди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ХМ назарияси – бу халқаро муносабатлар тизими таркибини акс эттирувчи илмий категорияларнинг тартибли диалектик тизимидир. У, шунингдек, ХМнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва уларнинг ўзгариши ва ривожланиши билан боғлиқ объектив қонуниятларни очиб беради. Уларнинг ичиди, масалан, давлатларнинг ташки сиёсий манфаатларини шакллантирадиган механизмлар ва қонуниятлар, ташки сиёсатнинг мақсадлари, йўналишлари ва уни амалга оширишнинг методлари, яъни йўллари каби масалалар борки, буларни ХМ назариясини яхши билган мутахассисгина профессионал даражада амалга ошириши мумкин.

ХМ назарияси, шунингдек, ташки сиёсий иттифоклар, бирлашмалар (коалициялар)нинг шаклланиши, ривожланиши ва парчаланиши билан боғлиқ омиллар ва қонуниятларни ўрганади. ХМ даги объектив ва субъектив омиллар ўртасидаги нисбат ҳамда ўзаро боғлиқликни ўрганиш ҳам ХМ назариясининг муҳим вазифасини ташкил этади.

ХМ назариясига оид энг долзарб муаммолардан айримларини мисол тариқасида эслатиб ўтаман. Уларнинг қаторига куйидагилар киради:

<sup>1</sup> *Non-governmental organizations* — муайян худудга боғланмаган халқаро ташкилотларнинг бир тури. У учта талабга жавоб бериши такозо этилади: биринчиси, уларнинг таркиби ва мақсадалри халқаро табиятга эга; ичинчиси, ғаолиятининг ихтиёрийлиги. Шунингдек, бундай ташкилотларнинг муҳим сифатларидан бири уларнинг нотижорат табиятга эгалигидир. Нохукумат ташкилотлар (Ўзбекистонда кўпроқ “нодавлат” деган сифат билан юритилади) миллӣ ҳам бўлиши мумкин. Ўзбекистон молиз вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатдаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сони 8000 ошикни ташкил этади. Уларнинг 280 аёлларни кўллаб-кувватлаш, 220 согликни саклаш ва 150 ортиги таълим соҳасида фаолият юритмоқда.

- Халқаро муносабатлар тизимлари тушунчаси ва унинг генезиси;

- XM ривожланишининг иқтисодий (ФКАДХ ташки сиёсати), ижтимоий (Хитой ташки сиёсати, масалан, Африкада) ва маданий (“оммавий маданият” муаммоси, Фарбона қадриятларга муносабат масаласи) омиллари ҳамда қонуниятлари;

- XMда кучларнинг мутаносиблиги масаласи (унинг асосида икки кутбли, кўп кутбли, бир кутбли дунё тушунчалари ётади);

- Замонавий дунёдаги глобал муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари (халқаро терроризм, наркотрафик, киберборлик, киберурушлар ва ҳ kz.);

- Замонавий дунёда байналмиллаллашув, интеграция (уйғунлашув) ва суверенитет (суверенитет фр. souveraineté – олий ҳокимият, устуворлик, хукмронлик – давлатнинг ташки ишлардаги мустақиллиги ва давлат ҳокимиятининг ички ишлардаги устуворлигини англатади) масалалари;

- Миллатчилик ёки миллиятчилик ва уларнинг XMга таъсири (масалан, Шарқий Туркистон муаммоси, басклар, курдлар, Кашмир ва ҳ kz.);

- Гегемонизм ва агрессия (АҚШ ва Россия амалиёти мисолида тушунтириш мумкин);

- Халқаро конфликтларни ҳал этиш муаммолари (Яқин Шарқ муаммоси ва унинг ҳал этилишига қаратилган ёндашувлар ва ҳ kz.) ва башқ.

XMга оид муаммолар спектрининг кентлиги уларни ўрганиш билан шугулланувчи фанлар ёки илмий йўналишлар доирасини, яъни ҳудудларини ҳам белгилайди. Шундай килиб, XMни ўрганувчи фанларнинг энг муҳимлари қаторига фалсафа, сиёсатшунослик, социология, иқтисодий назария, халқаро иқтисодий муносабатлар, XM назарияси, XM тарихи, XХукук, геосиёsat, конфликтология каби илмий йўналишларни киритиш мумкин. Сизлар бакалавриат босқичидаги тўрт йиллик ўқиши давомида ушбу фанларни ҳар томонлама чукур ўрганиш билан машғул бўласизлар.

Бундан ташқари, XM “ўйини”нинг қоидаларини ҳам тушуниб олишимиз керак бўлади: уларнинг асосини “халқаро хукук” деган феномен ташкил этиб, у давлатлааро муносабатларни тартибга солиб туради. Аммо футбол ўйини қоидаларидан фарқли равища, XХукук дегани тегишли масалага оид қонун-қоидаларни ўз ичига

қамраб олган яхлит бир түплам ёки кодекс эмас. XX асрлар давомида, турли муносабатлар туфайли шакллантирилган қоидалардан иборат бўлиб, улар битим, шартнома, коммюнике, келишув, декларация, меморандум, протокол, конгресс, конвенция, конференция, доктрина, контракт, миссия, пакт, Антанта (фр.“самимий келишув”: Англия, Франция ва Россия, кейинчалик 1915 й. Италия), хартия, кодекс ва бошқа специфик атамалар билан номланади.

Яна бир жиҳат шу билан боғлиқки, анча-мунча ҳолларда улар бир-бирини инкор этиши мумкин. Бундай ҳужжатлар ҳар доим ҳам “ўйин”нинг барча иштирокчилари томонидан эътироф этилмаган. Бундан-да ёмони – XMda у ёки бу тарафнинг галабасини қайд этадиган ёки белгилайдиган ҳакамнинг ўзи йўқ. АҚШнинг Гаага судига пўписаси, Трампнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Боллтоннинг куни-кеча берган баёнотида таъкидланганидек, агар Гаага суди америкаликларнинг Вьетнамда содир этган ҳарбий жиноятларини кўриб чиқишига ҳаракат қиласа, АҚШ бу ташкилот билан ҳамкорликни тўхтатади.

Яна бир муҳим масала XMни ўрганишнинг методологик-услубий тамойилларини билишга бориб тақалади. XMни ўрганишда энг кўп фойдаланиладиган услубий тамойиллар тўртта бўлиб, улар тарихий тадқиқотларда кенг кўлланади ва уларнинг негизида ётади:

Биринчиси. Тарихийлик тамойили (методи) бўлиб, унга мувофиқ тегишли фактлар ва воқеалар аниқ тарихий вазият кўзгуси орқали тахлил этилади. Бунда тегишли даврдаги шароитлар, жумладан, муайян давлат, дунёнинг бўлаги ва ҳоказолар, шунингдек, ўша даврдаги кучлар нисбати ва ҳоз. эътиборга олинади. Энг муҳими, XMга тегишли воқеаларнинг хронологик ривожланишига алоҳида эътибор қаратилади.

Иккинчиси. Тизимлилик тамойили (системный подход) бўлиб, у XMга оид ҳар қандай воқеа ёки ҳодисани умумий тизимнинг элементи (битта ҳалқаси) ёки бўлаги сифатида кўриб чиқишини тақозо этади.

Учинчиси. Комплекс ёндашув тамойили бўлиб, у давлатлар ва ҳалклар, XM тизимининг бўгинлари ўртасидаги алоқалар ва зиддиятларнинг йигиндиси, улар билан боғлиқ ривожланиш тенденцияларини назарда тутишни тақозо этади.

Тўртинчиси. Объективлик (илмий холислик) тамойили бўлиб, у халқаро ҳамжамият тараккиёти табиатини белгилаб берувчи фактлар ва жараёнлар ҳакидаги фикр-мулоҳазаларнинг ҳаққонийлигини назарда тутади. Шахсий майллар ва хиссиётлардан холи бўлиш бунда алоҳида муҳимдир.

Биринчи йирик мавзуни якупнлаш мъйносига таъкидлаш лозимки, ХМнинг ҳар хил турлари, кўринишлари, даражалари ва ҳолати ҳакида гапириш мумкин, жумладан:

- Улар, одатда, икки турга ажратилади: биринчиси, кучлар нисбатига асосланган, иккинчиси – манфаатлар нисбатига асосланган.

- Ижтимоий ҳаёт соҳалари бўйича ХМ иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-стратегик, маданий, илмий, мафкуравий ва бошқа соҳаларга бўлинади;

- Иштирокчиларнинг таркиби бўйича: давлатлараро, турли ташкилотлар орасидаги ва трансмиллий корпорациялар орасидаги муносабатлар ва башк.;

- Уларнинг интенсивлиги (қизғинлиги) нуқтаи назаридан ХМ юқори, ўрта ва кўйи даражаларга бўлинади;

- Геосиёсий мезонлар нуқтаи назаридан ХМ глобал, минтақавий ёки ҳудудий (масалан, Европа, Осиё, МО, Орол минтақаси ва ҳоз.), субминтақавий халқаро ҳамкорликка бўлиниши мумкин ва ҳоз.;

- Таранглик (босим) нуқтаи назаридан, стабил (барқарор) ёки ностабил (бекарор) ХМ турига бўлиниши, шунингдек, ишонч ёки ишончсизлик, ҳамкорлик ёки тўқнашув, тинчлик ёки уруш ҳолатлари ва ҳоз.ларга бўлиниши мумкин.

“Халқаро муносабатлар” фанининг предмети. Ҳар қандай илмий йўналиш, тадқикотлар ва фаннинг обьекти ва субъекти бўлади. Олдинги машғулотларимиздан маълум бўлганидек, ХМ фани – предметлараро йўналиш. Шунинг учун ҳам унинг предметини аниқлаш учун, аввал, унга энг яқин турган “Жаҳон сиёсати” фанининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш зарур.

“Жаҳон сиёсати” фани давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг глобал контекстдаги ҳамкоригини ўрганиш, шунингдек, муайян давлатларнинг бошқа миллатларга нисбатан манфаатларининг ифодаси бўлган давлатларнинг ташкиси сиёсатини ўрганиш билан шуғулланади. ХМ тушунчаси эса, билиб олганимиздек, алоҳида жамиятлар аъзолари ва институтларига тегишли халқаро муносави

батларнинг барча кўринишларини, улар давлатга тегишлими ёки йўқми, бундан қатъи назар, камраб олади.

ХМни ўрганиш алоҳида давлатларнинг ташки сиёсати ёки давлатлар орасида кечеётган сиёсий жараёнларнинг таҳлилини камраб олади. Хўш, унда хорижий давлатларнинг ички сиёсатини қандай фан ўрганади деган савол туғилади. Бу “Киёсий политология (сиёсатшунослик)” деб номланадиган фаннинг преметидир.

Таъкидлаш жоизки, ХМни алоҳида фан сифатида тан олишда олимлар орасида ҳамфирлик йўқ. Айримлар (М.Каплан)<sup>1</sup> ХМ ягона, яъни бирлаштирувчи “ядро”га эга эмас деган фикрни билдирадилар. Шунинг учун ҳам ушбу фаннинг умумий назариясини шакллантиришда мавхумликлар бор, улар фаннинг предметлараро йўналиш эканидан далолат беради деган фикрни билдирадилар.

Дарҳақиқат, ХМ илмий йўналиши анчагина бошқа фанлар ва илмий йўналишларга таянади. Улар сиёсий фанлар, уруш ва дипломатия санъати, ташки сиёсат амалиёти, халқаро ташкилотлар, халқаро хуқук, жаҳон иқтисодиёти, халқаро коммуникациялар, сиёсий география, сиёсий демография, технологияларнинг халқаро муносабатлардаги роли, социология, психология, этика масалаларини ўрганадиган фанлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар билан биргаликда амал қиласди.

Шу ўринда фанларни йўналишларга бўлиниши ҳақида бир эслаб олайлик. Фанларни замонавий тушунчага мувофиқ йўналишларга бўлиш Farbda XVII–XIX асрлардан бошланган бўлса, Шарқ олимлари бу фаолият билан ўрта асрлардан шуғулланган.<sup>2</sup> Бу илмий фаолият “илмлар таснифи” деб номланган. Фанларнинг йўналишларга бўлинишининг энг умумий кўриниши куйидагичадир:

– аник ва табиий фанлар (масалан, физика, математика, астрономия, химия, биология, медицина);

<sup>1</sup> Роберт Каплан — Гарвард бизнес мактаби профессори, стратегик менежмент тадқиқотчиси.

<sup>2</sup> Масалан, Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий (8-9 асрлар) бизгача етиб келган икки қисмдан иборат “Мафотих ал-улум” асаридаги 15 фаннинг аҳамияти ва мазмун-моҳиятини баён этган: 1) фикр, 2) калом, 3) грамматика, 4) иш юритиш, 5) поэзия ва метрика назарияси, 6) тарих ёки хронологик фанлар, 7) философия, 8) мантрик, 9) медицина, 10) арифметика, 11) геометрия, 12) астрономия, 13) мусика, 14) механика, 15) кимё.

- гуманитар ва ижтимоий фанлар (масалан, археология, маданиятшунослик, тарих, сиёсатшунослик, иқтисодиёт, антропология);
- техника фанлари (масалан, архитектура, механика, инфор-матика, кемасозлик).

ХМ гуманитар ва ижтимоий фанлар блокига киради. Шунга кўра, ХМ тадқиқотлари, бир тарафдан, предметлараро соҳа бўлиб, у география, хукуқ, иқтисодиёт, сиёсат<sup>5</sup> каби соҳаларга оид тадқиқотларнинг синтезига асослангандир. Иккинчи тарафдан, ХМ фани ва халқаро тадқиқотлар алоҳида илмий предмет ёки йўналиш сифатида ўз ўрнини топишига интилаётган илмий феномен дейиш мумкин.

ХМ фани предметини аниқлаштиришдан олдин умуман тадқиқот предмети деган тушунчанинг ўзига аниқлик киритиб олиш лозим. Тадқиқот предмети – бу ўрганиладиган муаммо ёки масаланинг муайян киррасидир. Тадқиқот обьекти – воқеликнинг (борликнинг) муайян соҳаси (область) бўлиб, унинг ўрганилиши ва ўрганилмаслигидан қатъи назар, у доимий равишда мавжуддир. Масалан, барча табиий фанлар обьект сифатида табиатни ўрганади, лекин улар ҳар бирининг предмети – алоҳида: химия моддалар, уларнинг таркиби ва хоссаларини, биология – тирик мавжудотларни ва уларнинг атроф-муҳит билан мулоқотини ўрганади ва ҳиз.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, муайян илмий йўналиш ёки фаннинг шаклланиши якунланганлиги, ё бўлмаса, бу жараён ҳали давом этаётганини қандай тушуниш мумкин деган савол туғилади. Хусусан, ХМга татбиқан буни қандай билиб оламиз?

Ҳар қандай фаннинг шаклланиш жараёнини у билан шуғулланувчи олимлар ҳамжамиятининг шаклланиши, ривожланиши ёки кўпайиши орқали кузатиш мумкин. Бундай ҳамжамият билимларни шакллантириш, қайта ишиш ва уларни трансляция (узатиш) қилиш билан шуғулланади. Одатда, аввал амалий тадқиқотлар амалга оширилади. Уларнинг мақсади амалиётга татбиқ этиш мумкин бўлган билимларни ҳосил қилишdir. Кейинги босқичларда муайян соҳа билан боғлиқ воқелик моҳиятини тушунишга асосланган билимларни таҳлил этиш ва чукурроқ ангаш фундаментал тадқиқотларга йўл очиб беради. Фундаментал тадқиқотлар, назарий умумлаштирумалар ёки тегишли соҳа билан боғлиқ қонуниятларни аниқлаштиришга йўлланган бўлади.

ХМ билан боғлиқ амалий (татбиқий) тадқиқотлар соҳаси хокимият органларининг эҳтиёжи асосида туғилган. Улар ташки

сиёсатнинг экспертилик таъминотини йўлга кўйиш зарурати натижасида алоҳида йўналишга айланган. Бу таҳлилий марказларнинг шаклланиши ва кўпайиши йўли билан амалга ошган. ХМ соҳасига ихтисослашган биринчи аналитик марказга 1831 йили асос солинган ва у ўз фаолиятини ҳамон давом эттираётган Британиядаги Умумхарбий қироллик институти (*Royal United Services Institute*) ҳисобланади. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ўзининг тадқиқотлари, башоратлари ва тавсиялари эвазига мазкур тузилманинг ҳарбий соҳадаги нуфузи мунтазам ошиб борган. Бугунги кунда дунёning деярли барча мамлакатларида минглаб тадқиқотчилик тузилмалари фаолият кўрсатади. Уларнинг мутлак кўпчилиги ХМ билан боғлиқ муаммолар, айниқса, хавфсизлик масалаларини ўрганиш билан шуғулланади. Бундай муассасалар, одатда, “стратегик тадқиқотлар институтлари” деб номланади.

АҚШ бу соҳада етакчи давлат ҳисобланади. У ерда биринчилардан бўлиб ташкил этилган Карнеги маркази (1910 й., унинг филиаллари бугунги кунда қатор мамлакатлар, жумладан, Россияда ҳам фаолият юргизади) бўлиб, унинг расмий вазифаси этиб уруш ва тинчлик масалаларини ўрганиш белгиланган. Умуман, бугунги АҚШдаги бундай тузилмаларнинг сони бир неча мингтани ташкил этиб, улар сиёсатчиларга ХМ бўйича фаолиятни ташкил этишда ёрдам беради... Мана шундай марказлардан бири томонидан ишлаб чиқилган Миллатлар Лигаси foяси учун унинг муаллифи Вудро Вилсон 1919 й. (Ўша пайтда у иккинчи муддат АҚШ президенти лавозимини эгаллаб турган) Нобел мукофотига сазовор бўлган.

Биринчи жаҳон урушига қадар ХМ ўрганадиган алоҳида фан (мустакил илмий йўналиш) мавжуд бўлмаган: XMга доир масалалар тегишли фанлар, жумладан ҳуқук, иқтисодиёт, тарих, ҳарбий иш ва ҳиз. доирасида ўрганилган. 1919 йилда эса, Буюк Британияда дунёдаги биринчи халқаро сиёсат қафедраси очилган. Ўша йили Жоржтаун университетида (АҚШ) дипломатларни тайёрлашга ихтисослашган Дипломатик хизмат мактабига асос солинган. Бу муассаса, амалда, дунёдаги биринчи ХМ факультети ҳисобланади. 1927 й. Женевада Халқаро тадқиқотлар олий институти тузилиб, у Миллатлар Лигасида ишлаш учун дипломатларни тайёрлаш билан шуғулланган. Бошқа мамлакат-ларда ҳам бирин-кетин XMга ихтисослашган кафедралар, факультетлар, марказлар ва институтлар ташкил этила бошланган. Собиқ Совет Иттифоқида биринчи ХМ

факультети 1943 йили таъсис этилган. Ломоносов номидаги Москва давлат университети таркибида ташкил этилган мазкур факультет кейинчалик мустақил олий ўкув юрти – дунёдаги машхур билим масканларидан бири Москва давлат ХМ институти (русча: МГИМО)га айлантирилган.

1922 йили Миллатлар Лигаси хузурида Интеллектуал хамкорлик бўйича халқаро қўмита ташкил этилиб, у кейинчалик БМТнинг Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилотига айланган. 1926 йили Парижда доимий фаолият юритувчи Интеллектуал хамкорлик институти таъсис этилган. Кейинчалик у Халқаро тадқиқотлар конференцияси деган тузилмага айлантирилиб, 1950-йилларгача фаолият кўрсатган.

Иккита жаҳон уруши оралиғида қўлга киритилган ХМ соҳаси билан боғлиқ ютуклар кейинчалик қаттиқ танқидга учради. Улар утопистик хомхаёл сифатида баҳоланди. Кутилган умидларни окламаган Миллатлар Лигаси ўрнига халқаро ҳамкорлик ва халқаро ҳавфсизликни таъминлашнинг янги механизми – БМТ (24.10.1945, Сан-Франциско, АҚШ) ва унинг қатор институтлари ташкил этилди. 1948 й. ЮНЕСКО (16.11.1945, Лондон, ББ) Парижда “Сиёсий фанлар услублари (методлари)” мавзуида илмий анжуман ўтказди. Унда сиёсий фанларнинг предмети кўлами аниқланиб, улар куйидагилар деб белгиланди:

I. Сиёсий назария ва сиёсий ғоялар тарихи;

II. Сиёсий институтлар:

- конституция;

- миллий ҳукумат (*national government*);

- бошқарувнинг минтақавий ва худудий органлари;

- давлат бошқаруви (*public administration*);

- ҳукуматнинг иқтисодий ва ижтимоий функциялари;

- сиёсий институтларнинг қиёсий тадқиқотлари.

III. Партиялар, гурухлар ва жамоатчилик фикри:

- сиёсий партиялар;

- гурухлар ва уюшмалар;

- фуқароларнинг бошқарув органларидағи иштироқи (*government administration*);

- ижтимоий фикр (жамоатчилик фикри).

IV. Халқаро муносабатлар:

- халқаро сиёсат (*international politics*);

- халқаро ташкилотлар ва бошқарув;

- халқаро хуқук.

Күриниб турғанидек, ЮНЕСКО таснифига мұвоғық, ХМ бүйіча тадқиқотлар сиёсатшунослик илмий йұналишининг бир қисмини ташкил этади. Farb мамлакатлари, жумладан, АҚШ үчун бундай ёндапшув ҳамон үз кучини саклаб қолмокда. Бирок 1950-йилларнинг ибтидосида ЮНЕСКО томонидан үтказилған тадқиқотлар ХМни ўрганиш ва ўқитишининг миллий аңъаналари ҳар доим ҳам бундай таснифга мөс келмаслыгини ва бу масалада мұайян ихтилофлар мавжудлігini күрсатди. Бу ХМни мустақил илмий йұналиш сифатида шаклланиб бўлгани масаласи ҳақида илмий жамоатчилик орасида яқдиллик йўқлигининг яна бир нишонаси эди.

Дарҳакиқат, 1940-йилларнинг охири – 1950-йилларнинг бошларига қадар ХМ мустақил фан сифатида анчагина секин ривожланган. Буни иккита жаҳон уруши оралиғида нашр этилган ХМга доир материалларнинг асосий қисмини назарий тадқиқотлар эмас, балки тарихий тавсифлар, дипломатик мемуарлар ва публицистик нашрлар ташкил эттанида ҳам кўриш мумкин.

ХМга бағишиланган тадқиқотларнинг мустақил илмий йұналиш сифатида шаклланиши Farbda Иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки ўн йилликлар давомида якунланди. Бу вақтга келиб, соҳага оид назарий билимларнинг каттагина қатлами жамланиб бўлган эди. Уруш йиллари ва урушдан кейинги даврда нашр этилган ХМга оид тадқиқотларнинг айримлари бутунги кунга қадар үз аҳамиятини сақлаб қолган классик ишлар саналади. Англиялик Дэвид Митрани<sup>1</sup> (“Амалдаги тинчлик тизими”, 1943), американлик Ганс Моргентай<sup>2</sup> (“Халқлар (давлатлар маъносида) ўртасидаги сиёсий муносабатлар: ҳокимият ва дунё учун кураш”, 1948), франциялик Раймон Арон<sup>3</sup> (“Халқлар (давлатлар) ўртасидаги тинчлик ва уруш”, 1962), американлик Грэм Аллисон<sup>4</sup> (“Концептуал

<sup>1</sup> Дэвид Митрани – Руминияны тарк этган мухожир, английлик сиёсатшунос сифатида шұхрат қозонган. «Working peace system» асарини 1943 иили ётган.

<sup>2</sup> Ганс Моргентай – американлик сиёсатшунос, прагматизм ва сиёсий реалиzm (Никколо Макиавелли, 15-16 асрлар: “Государь”) мактаблари асосчиси. Америка университетларида, жумладан, машҳур Чикаго университетида ишлаган, 1980 иили вафот этган.

<sup>3</sup> Раймон Клод Фердинанд Арон – француз файлласуфи, сиёсатшуноси, социологи ва публицисти. Илм-ғанни деидеологияцияси ва глобаллашуви тарафдори бўлган, индустрιал жамият назариясини ёклаган, 1983 вафот этган.

<sup>4</sup> Гарвард университети таркibiдағи Кеннеди номидаги мактаб хузуридаги Фан ва алқаро ишлар бүйіча Белфер марказы директори (Belfer Center for Science and International Affairs), АҚШ мудофаа вазирининг ўринбосари бўлган, катар Йирик тадқиқотлар (Essence of Decision, Nucklear Terrorism ва бпк.) мұаилифи.

моделлар ва Куба ракеталар инқизози”, 1969) кабилар улар жумласидандир. Айтиш мумкинки, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йигирма-ўттиз йил ичидаги ХМ бўйича “классиклар” пайдо бўлди. Жумладан, реалистлар ва идеалистлар ўргасидаги катта мунозараларнинг вужудга келиши ХМ бўйича назарий мактабларнинг шаклана бошлаганини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, татбиқий (амалий) тадқиқотлар ҳам туркираб ривожланди. АҚШда, масалан, кўплаб “аклий марказлар” (think tanks) тузилди. Улардан бири – 1946 йили таъсис этилган машхур *RAND* корпорацияси ўз фаолиятини ҳамон давом эттирмоқда.

У ёки бу илмий йўналиш (фан)нинг шаклланиб бўлгани белгиларидан бири унга ихтисослашган журнallарнинг нашр этила бошлагани ҳисобланади. ХМ бўйича энг нуфузли журнallардан бири 1922 йилдан буён АҚШда чоп этилаётган *Foreign Affairs* журнали амалий йўналишга қаратилган нашр ҳисобланади. У, энг аввало, ХМга оид қарорларни қабул қилиш ваколатига эга профессионалларга мўлжалланган. Россиядаги шунга ўхшаш журнал – «Россия в глобальной политике» деб номланади ва 2002 йилдан бери чиқади. Ўзбекистонда чиқадиган “Халқаро муносабатлар” (ЖИДУ) журналини ҳам шу қаторга кўшиш мумкин. Бундай нашрларнинг асосий вазифаларидан бири ХМдан чукур хабардор сиёсатшуносларнинг янги авлодини тарбиялашга ҳисса кўшишdir.

ХМ бўйича халқаро миқёсда нуфузли нашрлар:

- *International Organization* («Халқаро ташкилот»), 1947 йилдан буён чиқади, асосан Миллатлар Лигаси ва БМТни ўрганади;
- *World Politics* («Жаҳон сиёсати»), 1948 йилдан буён чиқади;
- *International Security* («Халқаро хавфсизлию»), 1970-йилларнинг ўрталаридан бошлаб чиқади.

Айтиш жоизки, ХМга оид адабиётнинг 80 фоизи (!), жумладан, зикр этилган журнallар ҳам АҚШда чиқади. Бундан тегишли хуносалар чиқарса бўлади.... Бундай журнallарнинг муаллифлари албатта америкаликлар эмаслигига ҳам эътиборни қаратиш лозим!

Илмий йўналишлар ва тегишли фанларнинг шаклланишида профессионал уюшмалар мухим роль ўйнайди. ЮНЕСКО сайди-ҳаракатлари билан 1949 йили Сиёсий фанларнинг халқаро уюшмаси (*International Political Science Association — IPSA*) таъсис этилган. У сиёсатшунос тадқиқотчиларнинг профессионал уюшмаси бўлиб, уларнинг бир қисми ХМлар бўйича тадқиқотлар билан шугулланади. Унинг таркибига сиёсий тадқиқотчиларнинг миллий уюшмалари

ҳам киради. Халқаро тадқиқотлар уюшмаси (*International Studies Association — ISA*) 1959 йили таъсис этилган бўлиб, у *International Studies Quarterly* («Халқаро тадқиқотлар» ҳар чоракда чиқадиган журнал) нуфузли журнални нашр этади. МГИМО қаноти остида 1999 йили ташкил этилган Халқаро тадқиқотлар Россия уюшмаси ХТУнинг аъзосидир.

Шундай қилиб, XMга мустақил илмий йўналиш ёки фан сифатида қараладиган бўлса, Farbda у асосан 1940–1950 – йилларда шаклланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бирок АҚШда XMга тўлик мустақил илмий йўналиш эмас, балки XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган сиёsatшунослик таркибидаги субпредмет сифатида қараш анъанага айланган. Шунга кўра, халқаро муносабатлар бўйича диссертация ёқлаганларнинг аксар қисмига Ўзбекистонда ҳам сиёсий фанлар номзоди ёки доктори илмий даражаси берилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. “Халқаро муносабатлар” тушунчасининг моҳиятини очиб беринг.
2. Фуқароларнинг халқаро муносабатлардаги иштироки кўринишларини тавсифланг.
3. Халқаро муносабатларнинг оддий фуқаролар ҳаётига таъсирини аниқ мисоллар орқали кўрсатиб беринг.
4. Халқаро муносабатлар назариясига оид энг долзарб муаммолардан мисоллар келтиринг.
5. Халқаро муносабатларни ўрганишнинг асосий илмий тамоиллари ҳақида сўзлаб беринг.
6. Фанларни таснифлаш нимани англатади? Бу жараён қачон бошланган ва қандай ривожланган?

#### **Адабиётлар:**

- Ракитов А.И. Историческое познание: системно-гносеологический подход. – М., 1982.
- Боришилопец К.П. Методы политических исследований: Учебное пособие для студентов ВУЗов. – М.: Аспект Пресс, 2005.
- Никитина Ю.А. Введение в специальность международные отношения и мировая политика. Второе издание. – М.: Аспект Пресс, 2012.

- Хасанов У. Введение в теорию международных отношений. Ташкент, УМЭД, 2007.
- Киссинджер Г. Дипломатия/ Пер. с англ В.В.Львова. – М.: Ладомир, 1997.

## **Иккинчи мавзу. Вестфалия моделига асосланган халқаро муносабатлар тамойилларининг шаклланиши**

### **Режа:**

1. Халқаро муносабатлар ривожланишининг асосий босқичлари.
2. Вестфалия моделининг шаклланишини келтириб чиқарган асосий омиллар.
3. Вестфалия модели ва ХМ мазмун-моҳиятидаги туб ўзгаришлар.

**Таянич сўзлар ва иборалар:** қабила, миллат, конфессия, черков, ижтимоий ҳамкорлик, давлат, миллий давлат, сиёсий тарқоқлик.

ХМнинг пайдо бўлиши ва эволюцияси мутахассислар томонидан учта йирик босқичга бўлинади.

Биринчиси. Қадимдаги қабилалар ва халқлар (миллатлар) ўртасидаги алоқалар бўлиб, улар “ўзимизники” ва “бегона” деган тушунчалар орасидаги фарқни идрок этилишига олиб келган. Улар, шунингдек, ижтимоий ҳамкорликни ички ва ташки шаклларга бўлинишини келтириб чиқарган. Бундай муносабатларни *прахалқаро* муносабатлар деб аташ мумкин.

Иккинчиси. “Давлат” деб номланадиган институтнинг шаклланиши бўлиб, унинг ўзига хослиги – ўз ичидаги барча нарсаларни назорат қилиш бўлиб, лекин имкониятларининг чекланганлиги туфайли, ташқаридағи нарсаларни назорат қилолмаслигидир. Бундан келиб чиқадиган мантикий хулоса шуки, “ички” – бу давлат ўз хукмини ўтказа оладиган соҳа, “ташқи” эса, унинг тасарруфидан ташқаридағи ёки давлат аппарати хукмига бўйсунмайдиган воқеликдир.

Айнан шу босқичда пайдо бўладиган алоқаларни умумий тарзда “халқаро муносабатлар” деб номлаш мумкин. Уларнинг моҳиятини давлатлар ўртасидаги, уларнинг якка тасарруфига

кирмайдиган соҳалар бўйича, барқарор ҳамкорлик ташкил этиб, бундай алоқалар тегишли давлатларнинг ички тараққиётига ҳам ўзининг таъсирини ўтказиб туради.

Бирок замонавий тушунчадаги ҳалқаро муносабатлар учинчи боскичда шаклланиб, бу замонавий миллий давлатларнинг (nation-state) пайдо бўлиши, яъни XVIII асрнинг охирларида содир бўлган буржуа-демократик революциялардан кейинги даврга тўғри келади.

Бунгача ҳам давлатлар бўлганку, замонавий давлат ундан олдинги давлатдан нимаси билан фарқланади деган саволга тўхтalamиз.

Маълумки, давлат жамиятни сиёсий уюштиришнинг (ташкил этиш) шакли сифатида хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши билан бирга уруғ-қабилачилик тузумининг ўрнига келгандир. Биринчи давлатлар мил. авв. 4-3 минг йилликларда Қадимги Хитой, Месопотамия ва Мисрда шаклланган. Қадимги Юнон ва Италиядаги давлат-шаҳарлар ривожланган бўлиб, улар тараққиётининг авж нуқтаси мил. авв. 5 асрга (Юнонистон полислари) ва 5-3 асрларга (Қадимги Рим) тўғри келади.

Рим империясининг қулашидан кейин сиёсий (феодал) тарқоқлик даври бошланиб, XIII-XIV асрларга келиб феодал давлатнинг марказлашган шакли бўлган (сословно-представительная) вакиллик монархиялари шакллана бошлаган. XV асрда улар мутлак (абсолют) монархияларга (абсолютизм даври) айланади. Бунга туртки берган воқелик – капиталистик муносабатларнинг пайдо бўла бошлагани эди.

Айнан абсолютизм даврида “суверенитет” тушунчаси пайдо бўлди. Ушбу тушунча 1576 й. француз ҳукуқшуноси Жан Боден томонидан киритилган бўлиб, унингча, давлатнинг олий ҳокимияти (яъни, суверенитети), Худонинг ҳукми (кудрати) каби, бўлинмас ва яхлитdir. Шунга кўра, у, яъни суверенитет мутлақ ҳукмдорга (монархга) тегишли бўлиб, у ўз давлати худудида Яратгандан ташқари ҳеч кимга бўйсунмайди. Шунингдек, Боден суверенитетнинг ҳалқ ёки аристократия (зодагонлар)га ҳам тегишли бўлиши мумкинлигини эътироф этган, бирок бошқарувнинг бундай шакллари барқарорлигини шубҳа остига қўйган. Айтиш лозимки, Боден тавсифлаган суверенитет – бу ички суверенитетdir.

Вестфалия битими (1648) давлат тушунчаси эволюцияси ҳамда XMning замонавий тизими тараққиётидаги том маънодаги бурилиш нуқтаси бўлди. Зикр этилган йили Вестфалияда Ўттиз йиллик (1618-

1648) урушга чек кўйган иккита тинчлик битими имзоланган. Даастлаб диний моҳиятли бўлган ушбу уруш Реформация даври (XVI–XVII асрлар) диний урушларининг охиргиси хисобланиб, деярли барча Европа давлатларини қамраб олгани учун ҳам XX асрда содир бўлган жаҳон урушларининг даракчиси саналади.

Саксон йиллик (1568–1648) ва Ўттиз йиллик урушлар даврида яшаган голландиялик хукукшунос Гуго Гроций (1583–1645) 1625 йилда ўзининг “Уруш ва тинчлик ҳукуқи” деб номланган З томлик асарида адолатли уруш ҳақидаги назарияни шакллантиради. Унда қандай ҳолларда уруш бошлиш мумкинлиги ва уруш қоидалари қандай бўлиши лозим деган масалалар кўриб чиқилган эди. Шунга биноан айнан Гуго Гроций замонавий ҳалқаро хукунинг асосчиси саналади.

Айтиш жоизки, Ўттиз йиллик уруш диний қарама-қаршиликлардан (протестантлар ва католиклар ўртасидаги) Габбсбурглар сулоласининг Европадаги (Испания, Португалия, Жанубий Нидерландия ва Жанубий Италия давлатлари, Муқаддас Рим империяси (962–1806), Венгрия, Чехия, Хорватия) гегемониясига барҳам беришни ҳам кўзлар эди. Урушда Габбсбурглар мағлуб бўлган ва Франция гегемон мақомини эгаллагани тарихдан маълум. У Муқаддас Рим императори Фердинанд III дан Габбсбургларнинг испан шохобчаси билан иттифокдан воз кечишини талаб этган ва бу талаб бажарилган. Бу билан миллий манфаатлар сулолавий манфаатлардан юқори кўйилган.

Вестфалия битимида Муқаддас Рим империяси таркибига кирган барча герман князликларининг мустақиллиги эътироф этилган. Бундан ташқари, битим томонлари “ҳокимият кимда бўлса, эътиқод ҳам уники” деган тамойилни тан олишган. Бу тамойил герман князликларига ўз ҳоҳишига кўра эътиқод устуворлигини ўрнатиш (католицизм ёки протестантизм) ҳукуқини берди. Шунга кўра, Вестфалия битими янгича дунё тартиби –суверен ва тенг миллий давлатларнинг (государство-нация – nation-state) номарказлашган тизимига асос соглан деган тушунча шаклланган.

Шундай қилиб, номарказлашув, яъни XM соҳасида олий ҳокимиятнинг йўклиги ҳалқаро муносабатларни ички муносабатлардан фарқлантириб турадиган хусусиятдир. Лекин Вестфалия битимлари имзолангунга қадар ҳам давлатлар устида турадиган марказий ҳокимият йўқ эдику деган савол туғилиши мумкин. Бунинг жавоби: буни биз бугунги билимларимиз даражасидан келиб чиқиб

билимиз, лекин битим тузилган даврдаги кишиларнинг тасаввурида бу жуда ҳам аниқ бўлмаган.

Бироқ ўрта асрлар Европаси аҳолиси турли князликлар ва полислар мавжудлиги, улар орасида алоқалар, айниқса, савдо алоқалари мавжудлигини билган-ку, нима учун уларни номарказлашувга асосланган муносабатлар деб ҳисоблаш мумкин эмас деган эътиroz ҳам туғилиши мумкин. Гап шундаки, ўрта асрлар Европаси аҳолиси дунёни анархик тарзда идрок этмаган, улар ягона христиан дунёсида яшаган бўлиб, унинг Рим папаси ёки Муқаддас Рим императори ҳокимияти шаклидаги марказлашган бошқаруви бўлган. У ҳам диний, ҳам дунёвий масалаларда олий ҳакам мақомида бўлган. Аҳолининг онгига айнан шу тушунча устувор бўлган.

Демак, Ўрта асрлар кишиси ҳаётнинг барча соҳалари мутлақ тарзда иерархик тартибга асосланган дунёда яшаган. Алоҳида шахснинг ушбу иерархик пиллапоядаги ўрни унинг туғилишиданоқ маълум бўлган, яъни шаҳзода бўлиб туғилиш – хукмдор бўлиш, дехқон оиласида туғилиш ер ҳайдаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришини кафолатлаган ва ҳиз.

Европаликлар учун ўрта асрларда сиёсий тизимнинг идеал мисоли Рим империяси бўлган. Ушбу тизимни ўрта аср европаликлар Муқаддас Рим империяси доирасида тиклашга интилганлар. Бироқ тарих ҳақиқати шундан иборатки, сиёсий ҳамжиҳатлик ва марказлашув билан боғлиқ интилишлар ёки майллар етишиб бўлмас идеал бўлиб колиб кетаверган.

Вестфалия битими Европа бирлиги ҳақидаги идеалларнинг ҳомхәёллигини қайд этиб, давлатлараро муносабатларнинг номарказлашга шаклига қонуний тус берди, яъни уларни легитимлаштиргди.

Вестфалия битими келтириб чиқарган дунё тартиби билан боғлиқ айрим жиҳатларга тўхтalamиз:

Биринчи масала. Нима учун суверен давлатларнинг худуди ва қудрати турлича бўлса-да, улар тенг ҳисобланади? Бу саволга швейцариялик ҳукуқшунос Эмерик де Ваттель (1714–1767) куйидагича жавоб беради: “Ҳар қандай хорижий бошқарув таъсиридан коли тарзда исталган кўринишида ўз-ўзини бошқараётган ҳар қандай миллат<sup>1</sup> суверен давлатдир. Унинг ҳукуклари табиий равишда ҳар қандай бошқа давлатнинг ҳукукларига тенгдир”.

<sup>1</sup> Бу ерда “миллат” тушунчаси этник мансубликни ифода этмайди.

Бу ўринда гап ташқи суверенитет ҳақида кетмоқда. Дарҳақиқат, агар ички суверенитет давлат ичидаги чекланмаган ҳокимият бўлса, бундан шундай мантикий хуоса чикадики, суверен давлатлар ўзаро муносабатларда тенг бўлишлари керак! Чунки, мабодо улар тенг бўлмаса, агар бирор давлат иккинчисининг ички ишларига аралашса, унга таъсир кўрсатса, бундан автоматик тарзда унинг ички суверенитети шубҳа остида қолади. Шундай қилиб, тенглик тамойилдан бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили келиб чикади ва бу уларнинг катта ёки кичиклиги, ё бўлмаса, ҳарбий кудратига мутлақо боғлиқ эмас. Охирги пайтда Россиянинг АҚШ президенти сайловларига аралашуви ҳақидаги кўп гапирилмоқда.

Суверен тенглик тамойиллари ва 15 асрдан бошлаб Европа давлатлари амалга оширган мустамлакачилик сиёсати ўртасидаги номувофиқликич?

Бу тамойил Европа давлатлари ўртасидаги муносабатлардагина татбиқ этилган. Улар босиб олган мустамлакалар суверен деб тан олинмаган. Аммо тегишли ҳудуд муайян Европа давлати мустамлакасига айлангач, унга метрополиянинг суверенитети татбиқ этила бошлаган. Бу ҳам мутамлаканинг эмас, метрополиянинг манфаатларидан келиб чиқсан холда қилингани аниқ, албатта... Бошқа давлатлар бу ҳудудлардаги ички жараёнларга аралашмаслиги учун...

Миллий (государство-нация, nation-state) давлатларнинг шаклланиши.

Шундай қилиб, замонавий тицүнчадаги ҳалқаро муносабатларнинг ибтидоси замонавий миллий давлатларнинг (nation-state) пайдо бўлиши, яъни XVIII асрнинг охирларида содир бўлган буржуа-демократик революциялардан кейинги даврга тўғри келади. Шунга кўра, бугунги дарсимиизда замонавий ҳалқаро тизимнинг охирги элементи – миллий давлат масаласини кўриб чиқамиз.

“Миллат” (“ҳалқ”) тушунчасисиз XМнинг мавжуд бўлиши умуман имкондан ташқари нарсадир. Зоро, инглизча – international relations – ибораси ўзбекчага таржима қилинса, сўзма-сўз “миллатлараро муносабатлар” бўлади. Ўзбек тили хусусиятларидан келиб чиқиб, биз уларни “ҳалқаро муносабатлар” деймиз. Аслида инглизча nation этник маънодаги “миллат”ни эмас, айтилганидек, “ҳалқ” деган сиёсий-ижтимоий бирликни англатади. XМ учун марказий бўлган тушунча “миллий (ҳалқ) манфаати”дир.

Nation (нация, халк) тушунчасининг ижтимоий фанлардаги ягона таърифи йўқ. Бундай таърифларнинг энг классик версияларидан бири немис олими Макс Вебер (1864-1920) томонидан берилган: “nation (нация, халқ) – бу инсонларнинг тил, дин, урфодатлар, тақдир умумийлигига асосланган ва ўз давлатини барпо этишга инициатиган уюшмасидир”.

Кўриниб турганидек, таърифда nation (нация, халк) деган тушунчанинг иккита компонентига ургу берилган: биринчиси, сиёсий компонент (ўз давлатини барпо этишга инициатига), иккинчиси, маданий (умумий тил, маданият, дин ва ҳаз.).

Масалага бироз чуқурлашамиз. Вестфалия битими имзоланган пайтда ички суверенитетнинг манбаи монарх ҳисобланган. Чунки олий ҳокимият унга тегиши бўлган, давлат тузумининг идеал шакли абсолют (мутлак) монархия ҳисобланган. Бирок кейинчалик – XVII асрнинг охири-XVIII асрларда сулолавий давлат ва мутлак монархия ўзининг легитимлигини йўқота бориб, ижтимоий келишув назарияси асослари шаклдан бошлади.

Бу пайтта келиб, Гуго Гроций томонидан инсоннинг табиий ҳукуқлари ҳақидаги ғоя олға сурилган. Унингча, бундай ҳукуқлар инсонга туғилишдан берилиб, улар инсон борлигининг ажралмас қисмини ташкил этади. Шунга кўра, улар, яъни инсоннинг табиий ҳукуқлари, у ёки бу давлатда қабул қилинган қонун актларига мутлақо боғлиқ эмас. Инсоннинг табиий ҳукуқлари (масалан, яшаш ҳукуки, эркинлик ҳукуки, меҳнат, ўқиш, даволаниш ва ҳаз. ҳукуқлари) 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясида ўз ифодасини топгандир. У 30 моддадан иборат.

Таъкидлаш жоизки, инсоннинг табиий ҳукуқларини ўзида мужассамлаштирган бундай умумжаҳон битик бирдан ёки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Бу жараённинг ўзига хос босқичлари бўлган. Жумладан, инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588-1679) Гроций ғояларини ривожлантириб, ижтимоий келишув назариясини шакллантирган. Унингча, одамлар ўртасидаги барчанинг барчага қарши уруши ҳолатининг вужудга келиши табиий ҳол бўлиб, бундай ҳолат улар ўртасидаги ўзаро мажбуриятларнинг йўқлиги туфайли содир бўлади. Шу тамойилга кўра, ўз хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш учун одамлар уларга тегиши бўлган индивидуал ҳукуқларнинг бир қисмидан воз кечиб, уларни давлат тасаруфига берадилар. Бунда одамлар давлат билан ўз ҳимояларини таъминлаш берадилар.

ва жамият хавфсизлиги назоратини амалга ошириш ҳакида гўёки битим тузгандай бўладилар. Лекин Гоббс, барибир, абсолютизм тарафдори бўлиб қолаверган, зеро у бошқарув жараёнини амалга ошириш учун бошқариладиганларнинг розилиги талаб этилмайди деб ҳисоблаган. Гоббс, шунингдек, давлатлараро муносабатларда келишувнинг (битим, шартнома, контракт ва ҳкз.) йўқлиги XMда хаос (алғов-далғовлик) ҳолатини келтириб чикаради дея уқтирган.

Кўп жиҳатлардан Гоббснинг назариясига зид ғоялар инглиз файласуфи, фалсафий-сиёсий тафаккурнинг либерализм йўналиши асосчиси Жон Локк (1632-1704) томонидан баён этилган. Унинг “Давлат бошқаруви бўйича икки трактат” номли асарида табиий ҳолат (естественное состояние) – бу кўпроқ келишув (акси: келишувнинг йўқлиги), эркинлик (қарамлик) ва тенглик (нотенглик) ҳолати деган фикр асослаб берилган. Давлат ҳокимияти эса, фуқароларнинг табиий ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаши ва, айни пайтда, ўзи хам қонунларга бўйсуниши лозим. Жон Локка кўра, фуқаролар, суверенитет манбаи сифатида, ҳокимиятни амалга ошираётган кучларни ундан мосуво этишга ҳакли, қачонки – улар фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши билан боғлиқ вазифаларни бажармасалар. Бундай ёндашув фанга “инқилобий реализм” номи билан кирган.

Давлатлараро муносабатларга келсак, улар учун табиий ҳолат – бу тенглик ҳолати ва ўзаро мажбуриятларнинг тан олинишидир. Суверенитетнинг систеъмол қилиниши эса, урушларни келтириб чикаради. АҚШ ва РФнинг Яқин Шарқдаги ҳамда РФнинг Украинага нисбатан сиёsatини бунга мисолдир.

Ижтимоий келишув ҳақидаги энг машхур назариялардан бири француз файласуфи Жан-Жак Руссо (1712-1778) томонидан яратилган. Унинг “Ижтимоий келишув ҳақида мулоҳазалар” китоби (1762) Буюк француз революциясининг (1789-1799) гоявий асосларини шакллантирган оламшумул аҳамиятли асар ҳисобланади. Руассога кўра, ижтимоий келишув одамлар ўртасида тузилади, улар биргаликда қонунлар ва қоидаларни ўрнатадилар (ишлаб чиқадилар). Яъни суверенитетнинг манбаи – ҳалкнинг ўзи бўлиб, у колектив уюшма сифатида амал қиласди. Шунинг учун ҳам ҳалқ суверенитети бўлинмас ва у мосуво этилмасдир, яъни ҳалқни ундан маҳрум этиб бўлмайди. Коллектив ирода натижасида ишлаб чиқилган қонунлар ўз манфаатларини ўзгалар манфаатидан устун кўтовчи худбинларни муайян ишларни бажаришга мажбур этади.

Шундай қилиб, ижтимоий келишув барчанинг тенглиги ва эркинлигини таъминлаган ҳолда, жамиятнинг айрим аъзоларини “эркинликка мажбурлаши” ҳам мумкин.

Миллий давлатларнинг шаклланишида Буюк француз революцияси ҳал қилувчи воеа бўлган. Унинг давомида суверенитет тушунчасининг янгича талқини сайқалашди.

Бу нималарда ўз ифодасини топди?

1789 йили 26 августда Франция Миллий мажлиси томонидан 17 банддан иборат “Инсон ва фуқаро хукуклари декларацияси” қабул қилинди, унда ҳалқ суверенитети ҳамда инсоннинг табиий ажralmas хукуклари эълон қилинган:

1. Инсонлар тенг хукукли бўлиб туғиладилар ва шундай бўлиб қоладилар. Улар ўртасидаги ижтимоий тафовутлар фақатгина умумий фойда нуқтаи назаридан қабул қилиниши мумкин.

2. Ҳар бир давлат бирлигининг мақсади инсоннинг табиий ва ажralmas хукукларини таъминлашдан иборатдир. Улар қаторига эркинлик, мулк, хавфсизлик ва зулмга қарши туриш киради.

3. Суверенитетнинг манбаи амалда миллатнинг ўзири. Ҳеч қандай бирлашма ёки индивид ушбу манбадан келиб чикмаган ҳокимиятни тасарруф этиши мумкин эмас.

4. Эркинликнинг моҳиятини бошқаларга зиёни тегмайдиган барча ишни амалга ошириш имконининг мавжудлиги ташкил этади. Шундай қилиб, инсоннинг табиий хукукларини амалга ошириш чегаралари жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам фойдаланиши мумкин бўлган иеъёрлар билан чекланиши мумкин, холос. Бундай меъёрлар қонун билан белгиланади.

5. Қонун фақатгина жамият учун заарли бўлган ишларни ман этиши мумкин. Қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай амал рухсат этилган хисобланади, ҳеч ким қонунда белгиланмаган ҳаракатларни амалга оширишга мажбур этилиши мумкин эмас.

6. Қонун умумий ироданинг инъикосидир. Барча фуқаролар унинг шакллантирилишида бевосита ёки ўзларининг вакиллари орқали иштирок этишга ҳақлидир.

7. Қонунда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳеч ким ҳисбса олиниши мумкин эмас. Ўзича бу ҳақда буйруқ берган ёки уни ижро этган ҳар қандай шахс жазога сазовордир; ҳокимият органлари томонидан қонуний важ билан чакирилган ёки тўхтатилган ҳар бир фуқаро сўзсиз бунга бўйсуниши лозим; қаршилик кўрсатган фуқаро бунинг учун жавобгардир.

8. Қонунда фақатгина шубхасиз зарур жазоларнигина белгиланиши мумкин. Ҳеч ким қонуний сабаблардан ташкари жазоланиши мумкин эмас.

9. Тұхтатилған ёки бошқа чора күрілған ҳар қандай одамға нисбатан, унинг айби исботланғунга кадар бегунох ҳисобланғанлығи учун, заруратдан ташқари қаттыққұллик ишлатилиши мумкин эмас. Бундай ҳолат юзага келганды, айбор қонун билан қаттық жазоланиши лозим.

10. Ҳеч ким ўз фикрини, жумладан диний әътиқодини изхор этишда чекловларға мажбур этилиши мумкин эмас, зеро, бу қонун билан белгиланған жамоат тартибини бузмайды.

11. Фикр ва мулоҳазаларни әркін изхор этиш инсоннинг зәнг күмматли хукуқларидан биридір; шунинг учун ҳар бир фуқаро ўз фикрини оғзаки изхор этиши, әркін ёзиши ва чоп этиши мумкин. Бундай әркінлік фақатгина қонун билан белгиланған ҳолаттар билан чекланиши мумкин.

12. Инсон ва фуқаро хукуқларини таъминлаш куролли кучлардан фойдаланишин көлтириб чиқарады; бундан ушбу кучларнинг уларни тасарруф этаётғанларнинг шахсий манфаатларини эмас, балки умумий манфаатларни рүёбға чиқариш учун барпо этилгани келиб чиқады.

13. Куролли кучлар ва бошқарувни молиявий таъминлаш умумий взносларнинг мавжудлигини тақозо этады; бундай взнослар фуқароларнинг ҳолатини назарда туттан ҳолда мутаносиб равища бўлиниши лозим.

14. Барча фуқаролар ўзлари ёки вакиллари орқали давлат томонидан олинадиган солиқларни ўрнатиш хукуқига эгадирлар; уларнинг йиғилиши, тасарруф этилишини назорат этиш, улардаги гиссаларнинг ҳажмини белгилаш, уларни олиш тартиби ва муддатини белгилаш бўйича ўз иродасини әркін ифода этиш хукуқига эгадирлар.

15. Жамият ҳар бир мансабдордан у мастьул этиб белгиланған бошқарув қисми бўйича ҳисботов беришни талаб этишга ҳақлидир.

16. Инсон ва фуқароларнинг фойдаланиш хукуқи кафолатланмаган ва ҳокимият тармоқлари бўлинмаган жамият ўз конституциясига эга эмас.

17. Мулк дахлсиз ва мукаддас хукуқ бўлгани учун ҳеч ким қонунда белгиланған ҳолатлардан ташқари ундан маҳрум этилиши мумкин эмас. Жамоат манфаатлари тақозо этган ҳолларда бу

олдиндан компенсация қилиш йўли билангина амалга оширилиши мумкин.

Ундан олдинрок – 1776 йили француз маърифатпарварлик ҳаракати ғоялари асосида Американинг “Озодлик декларацияси” қабул қилинган эди. Англияга қарши курашда (1775-1783 й.) Америка мустамлакалари бир неча марта табий ва узвий инсон ҳукуқларининг турли кўринишдаги тантанали декларацияларини ишлаб чиққан эди. “Мустамлакалар ҳукуклари ва уларнинг норзилиги декларацияси” уларнинг биринчиси бўлган. У 1765 йили Нью-Йорк конгресси томонидан инглизлар томонидан турли хужжатлар учун жорий этилган солиқларга қарши ишлаб чиқилган. Ушбу хужжат «*no taxation without representation*» тамоилига асосланган бўлиб, ўша пайтда Америка мустамлакалари инглиз парламентида ўз вакилларига эга бўлмаган. Зикр этилган хужжатдан кейин 1769 йили “Виргин Резолюцияси” ва 1774 йили “Колонистлар ҳукуклари декларацияси” номли хужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар биринчи хужжатнинг мазмунини чукурлаштирган. Охирги хужжатни тайёрлаган 12 колониянинг Филаделфия конгресси уни инглиз ҳукумати ва ҳалқига йўллаган эди. 1775 йили Филаделфия конгресси навбатдаги – “Куролли қўзғолон сабаблари баён этилган декларация” деб номланган навбатдаги хужжатни қабул қилган эди. Ва, ниҳоят, 1776 йилнинг 4 июлида айнан ўша Филаделфия конгресси томонидан ишлаб чиқилган “Мустақиллик декларацияси” нашр этилган. Ушбу хужжат Америка ва Европада алоҳида аҳамият касб этди; у ўша пайтда мавжуд бўлган АҚШнинг 13 штати номидан чоп этилган бўлиб, у Америка республикаси тарихининг ибтидоси ҳисобланади. Айнан у француз инқилоби арбобларини руҳлантирган ва уларни ҳаракатга чорлаган омиллардан бири вазифасини ўтагани тарихчилар томонидан таъкидланади. Унга кўра, “барча инсонлар Холиқ томонидан тенг ва ажралмас ҳукукларга эга қилиб яратилган. Бундай ҳукулар ичida – яшаш ҳукуки, эркин ва баҳтиёр бўлиш каби ҳукуқлар мавжуд бўлиб, ҳукуматлар уларни таъминлаш учун тузилади. Шунинг учун ҳам агар ҳукумат бундай мақсадлар йўлидаги тўғаноққа айланса, ҳалқ уни ҳокимиятдан мосуво этиши ва янги ҳукуматни тузиши мумкинлиги эълон қилинган.

Шундай қилиб, “миллат” (nation) тушунчаси айнан француз ва америка инқилоблари даврида шаклланган бўлиб, у сиёсий мазмунга эгадир. Бу тушунча суверенитет соҳиби бўлган ўз-ўзини бошқарадиган жамиятни англатади. Кийинроқ бу тушунчанинг

сиёсий мазмуни маданий компонент билан тўлдирилади (яъни, маданият, тил, дин, тарихий тақдир ва ҳоказолар муштараклиги). ҲМлар контекстида истифода этиладиган “миллат” (*nation*) тушунчасининг бутунги талқини ушбу икки компонент билан чамбарчас боғлиқдир.

“Нация” тушунчасини ўзбек тилида кенг кўлланадиган этник мансубликни ифодалайдиган “миллат” тушунчаси билан чалкаштириш ярамайди. Бугунги дунёда бир этнос вакилларидан иборат аҳолига эга давлатни топиш амри маҳол (мисол: Ўзбекистоннинг ўзи!). Шунинг учун ҳам кенг маънодаги миллатнинг яхлитлиги маданий омиллар билан таъминланади, умуммиллий ўзликнинг шаклланиши, умуммиллий онг ва шунга ўхшаш тушунчалар бунинг марказида туради.

Британиялик тадқиқотчи Э.Гелнерга кўра, “одамлар гурухи ушбу гурухнинг аъзолигини умумлаштирадиган бир-бирларига нисбатан умумий ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тўлиқ тан олгандагина миллатга (нацияга) айланадилар”.

Демак “халқ” маъносидаги “миллат” тушунчаси миллий давлат тушунчасининг таркибий қисмини англатади (*nation-state*). Бу тушунча, миллат (халқ)дан ташкари яна у яшайдиган худуд ҳамда бевосита тегишли давлатни ҳам англатади.

Яна бир масала: “миллат” ва “миллатчилик” (“миллиятчилик”) тушунчалари бир-бирига яқин туради.

Миллатчилик тадқиқотчилар томонидан уч хилга бўлинади:

*Давлат ташкил тонганидан кейин пайдо бўлган миллатчилик ёки миллиятчилик.* Масалан, Францияда умумий тушунчанинг таркибий қисмларини ташкил этадиган сиёсий маънодаги давлат ва миллат тушунчалари Буюк француз буржуа инқилобидан кейин пайдо бўлган.

*Бирлаштирувчи миллатчилик ёки миллиятчилик.* Масалан, худудий жиҳатдан тарқок бўлган Германия ва Италияда XIX асрда кузатилган миллатчиликнинг кучайиши миллий давлталарнинг шаклланишига олиб келди.

*Айрмачи миллатчилик ёки миллиятчилик.* Масалан, АҚШдаги миллиятчилик кучайиши унинг озодлигини эълон қилиниши билан якунланган (1776 й.). Бугунги кундан мисоллар: басклар, курдлар, уйгурлар ва ҳоз.

Миллатчилик (миллиятчилик), шунингдек, бунёдкор ва вайронакор шаклларда юзага чиқиши мумкин ва ҳоз.

### **Назорат саволлари:**

1. Халқаро муносабатларнинг эволюцион босқичларини тавсифланг.
2. Замонавий тушунчадаги халқаро муносабатлар қачондан бошланган?
3. Вестфалия битимининг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Гуго Гроцийнинг “Уруш ва тинчлик хукуки” китоби ва халқаро муносабатларнинг эволюцияси.
5. “Суверен давлатларнинг тенглиги” тушунчаси моҳиятини очиб беринг.
6. Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик нимани англатади?
7. Ижтимоий келишув концепцияси нима ҳақда?
8. Сиёсий-фалсафий тафаккурнинг либерал йўналиши қачондан шакллана бошлаган?
9. “Суверенитет манбай” тушунчаси нимани англатади?

### **Адабиётлар:**

- Ракитов А.И. Историческое познание: системно-гносеологический подход. М., 1982.
- Боришполец К.П. Методы политических исследований: Учебное пособие для студентов ВУЗов. – М.: Аспект Пресс, 2005.
- Никитина Ю.А. Введение в специальность международные отношения и мировая политика. Второе издание. – М.: Аспект Пресс, 2012
- Хасанов У. Введение в теорию международных отношений. Ташкент, УМЭД, 2007

**Учинчи мавзуу. Вестфалия модели доирасидаги халқаро муносабатлар тизимлари: “Европа концерті”**

### **Режа:**

1. Вена конгресси (1815 й.) ва коллектив хавфсизлик тизими тушунчасининг пайдо бўлиши.
2. Технологиялар ривожланиши ва Европа етакчи давлатларининг экспансиясининг кенгайиши.
3. “Геосиёсат” тушунчасининг пайдо бўлиши.

- “Европа концерти” давидаги миграцион жараёнлар келтириб чикарган оқибатлар.
- Демократик жараёнларнинг зухур топиши.
- Мафкуралар қарама-қаршилиги.

*Таянч сўзлар ва иборалар: мафкура, демократия, зиддият, жўровозлик-концерт, конгресс, геосиёсат, уруши, мутаносиблик, статус-кво.*

XVII–XVIII асрларда Европанинг мутлақ монархияларида кенг тарқалган амалиётга мувофиқ ўзига хос давлатларо “кўшилиб ва ютилиб кетиш” оддий ҳол бўлган. Ўша давр учун табиий ҳолат “барчанинг барчага қарши уруши” бўлган дейиш мумкин. Бунда барча тарафлар бошқалар хисобига ўз ҳолатини яхшилашга интилган, албатта. Ўша давр давлатлари хатти-ҳаракати учун хос бўлган модель кучлар мутаносиблиги эмас, балки мавжуд ҳолатни тинимсиз ревизия килиш ва ўз гегемониясини (нуфузини) оширишга интилиш бўлган. Бундай вазият Наполеон урушларидан кейин ўзгара бошлаган.

1815 йилда бўлиб ўтган Вена конгресси XМнинг “Европа концерти (жўр овозлиги)” деб номланган тизимига асос солди. Бошқачасига у “ХМнинг Вена тизими” деб ҳам юритилади (*concert* – «келишув, ҳамжиҳатлик, режа ва амалиётнинг уйғунлиги»). Наполеон устидан эришилган ғалабадан сўнг 1814-1815 йилларда имзоланган Вена битими доирасида Европа давлатлари китъанинг ундан кейинги сиёсий харитасини мухокама қилдилар. Бунда асосий ролларни (“скрипкаларни”) ўйнаган давлатлар Россия, Австрия (кейинроқ: Австро-Венгрия), Британия, Пруссия (кейинроқ: Германия) ва Франция бўлган эди. ХМнинг Вена тизими коллектив (жамоавий) хавфсизлик тизими деб аталади. Зоро, давлатлараро келишувларнинг мақсади статус-кво<sup>1</sup>га эришиш ва Европада низоларнинг олдини олишдан иборат эди. Ўша даврдаги беш давлат “концертини” (“жўрлигини”) рамзий маънода буғунги “Саккизлик (ҳозир-7) гурухи”га қиёслаш мумкин. “Бешлик”ка аъзо бўлишнинг мухим мезонларидан бири, худди “Саккизлик” каби, ривожланган саноатга эгалик бўлган. Аслида, Россия ўша даврда ҳам,

<sup>1</sup> Статус-кво – сўзма-сўз: олдинги ҳолатни тиклаш, яъни XМдаги муайян ҳукукий ёки сиёсий ҳолатга қайтиш.

“Бешлик”нинг бошқа аъзоларидан саноат тараққиётида ортда қолаётган эди (хозир ҳам шундай дейиш мумкин).

Ўзгаришларни муҳокама килиш учун тарафлар вақти-вақти билан халқаро конференциялар ўтказиб турган: Санкт-Петербург (1825), Париж (1856), Лондон (1871), Берлин (1878) ва бошқалар.

“Европа концерти” даврида гуманитар ҳуқукка (инсон ҳуқуқлари) асос солинган, жумладан, 1864 йили Беморлар ва ярадорлар қисматини яхшилаш ҳақидаги Женева конвенцияси имзоланган, 1899 ва 1907 йиллардаги Гаага конференцияларида уруш қоидалари ва одатлари ҳақидаги конвенциялар қабул қилинган.

Вена конгресси келтириб чиқарган энг муҳим оқибатлардан бири дипломатик рангларнинг ягона иерархик тизими ҳақидаги давлатлараро келишув бўлиб, бу халқаро дипломатик муносабатларни тартибга солган. Бу тартибга ҳозиргача риоя қилинади.

“Европа концерти” доирасидаги муносабатлар илк халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши билан янгича меъёрларга мувофиқ амалга оширила бошлаган. 1815 йилдаёқ Рейн дарёсидаги кема ҳаракати бўйича доимий комиссияга асос солинган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, бирин-кетин турли халқаро ташкилотлар тузила бошлаган: Телеграф бўйича халқаро иттифоқ (1865), Умумдунё почта иттифоқи (1875), Куллар савдосига қарши кураш бўйича халқаро кўмита (1890), Хусусий мулк бўйича халқаро ҳукуқ Гаага конвенцияси ва ҳоказолар шулар жумласидандир. 1909 йилга келиб, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар сони 37 га ҳамда нохукумат халқаро ташкилотлар эса – 176 етган. Шуни назарда тутиш лозимки, дастлабки босқичда халқаро ташкилотлар амал қилган соҳалар, асосан, носиёсий бўлиб, бу соҳага оид илк ташкилот – Миллатлар лигасига Биринчи жаҳон урушидан кейин асос солинган.

1830 йиллардан бошлаб пайдо бўлган ва жадал ривожланган темир йўл, пароходлар ва телеграф қурилиши технологиялари XX асрда Интернет келтириб чиқарган оқибатлардан кам бўлмаган ўзгаришларга сабаб бўлди, буларнинг барчаси XMнинг мазму-моҳиятига ўзининг таъсирини кўрсатган, албатта.

XVI аср охиридан XVIII аср бошларигача ҳарбий соҳада ҳам инқилобий ўзгаришлар содир бўлди. Бу Европа давлатларининг экспансиясини тезлаштирган омиллардан бири бўлгани аниқ. Европанинг ҳарбий технологиялардаги устуворлиги шу даражага

етдики, бир неча юз кишидан иборат отряд тегишли (қолок) минтакалар ахолисидан тузилган ўн минглаб кишидан иборат армияни мағлуб эта бошлади. XIX асрнинг охирига келиб транспорт ва ҳарбий технологиялар эвазига европаликлар Африка, Осиё ва Лотин Америкасида катта-катта мустамлакаларга эга бўлдилар. Шундай қилиб, Вестфалия моделининг ilk босқичида низолар Европанинг ўзида кечган бўлган бўлса, 19<sup>th</sup> асрнинг интиҳосига келиб уларнинг маркази мустамлакаларга кўчди.

Айнан Европа империялари гуллаб-яшнаган даврда (XIX–XX асрлар туташувида) илмий тадқиқотларнинг янги йўналиши бўлган геосиёсат пайдо бўлган. Унинг дастлабки вазифаси худудий экспансия заруратини назарий асослаш бўлганини билиб олиш кийин эмас. 1897 йили немис географи Фридрих Ратцель (1844–1904) томонидан шакллантирилган «ҳаётий макон – концепция жизненного пространства» (*Lebensraum*) концепциясидан кейинчалик нацистлар томонидан амалга оширилган экспансиянинг гўёки қонуний зарурат эканини асослаш учун фойдаланилган. XX аср бошларида британиялик геополитик Гарольд Макиндера (1861–1947) концепцияси шуҳрат қозонган. Унинг моҳиятини давлатнинг сиёсий кудрати унинг жуғрофий жойлашувига бевосита боғлиқдир деган нуқтаи назар ташкил этади. У дунёнинг ягона мухит (жуғрофий) ҳисоблаб, унда империалистик давлатлар ўртасида денгиз ва қуруқликдаги ўзаро олишув давом этаётгани ҳақидаги концепцияни шакллантирган. “Катта ўйин” атамаси ва XX асрда Збигнев Бзежинский томонидан олға сурилган “буюк шахмат таҳтаси” концепцияси айнан йирик давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликларни тавсифлаб, улар учун ривожланаётган мамлакатлар фақат ўзаро муносабатларни аниқлаштириш майдони бўлиб хизмат киласди.

XVII аср охирларида дунёда протекционизм сиёсати кенг кулоч ёзди. Унга мувофиқ абсолютизмга асосланган давлатлар ўз савдогарларини ҳимоя қилиб, уларнинг фойдасидан имкон қадар кўпроқ бож-хирож, яъни солиқ олишга интилганлар. Жамланган маблаглар эса, янги уруш ҳаркатларини амалга оширишга йўналтирилган... Тахминан XIX асрнинг ўрталариғача давлатлар ўз худудидаги саноат тараққиётини назорат қилиб, янги технологияларни ўз худудларидан ташқарига чиқармасликка харакат қилганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида давлатлараро савдо ҳажмининг кескин ошиши ва протекционистик сиёсат даражасининг пасайиши

кузатилади. Энди давлатлар ташки иктисодий муносабатларда энг жозибали тизимни (режим наибольшего благоприятствования) жорий этиш йўлига ўтадилар. ИндустрIALIZация, транспортнинг тараққий этиши мустамлакалардан хомашёни экспорт қилишни фаоллашибирди, мустамлакалар эса, ўз навбатида, метрополияда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларини сотиб олар эди. Аммо, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдан фарқли ўлароқ, “Европа концерти” даврида ҳалқаро савдо тизими ҳали жорий этилмаган эди.

1878 й. ҳалқаро олтин стандартининг жорий қилингани ва асосий валюталар кийматининг белгилана бошлагани ҳалқаро савдо айланмасини тезлашибирди. Бу масалада асосий рольни ББ-я ўйнади. Бу даврга келиб чет эл инвестициялари ва қарзлар деган феноменлар узил-кесил қарор топди. Саноати ривожланган Европа мамлакатлари ички эҳтиёжлардан ортиқ молиявий маблағларни чет элларга, асосан, мустамлакаларга экспорт кила бошлади ва уларни тез фойда келтирадиган инфратузилмавий лойиҳаларга инвестиция кила бошлади. Саноати қолоқ мамлакатлар эса, бундай инвестициялар ва қарзларни жон дили билан олар ва улардан саноатни ривожлантиришда фойдаланишга ҳаракат киласиди. XIX аср охириларига келиб, илк йирик кўп миллатли корпорациялар пайдо бўла бошлади. Улар ўз фаолиятини турли мамлакатларда амалга оширасиди, уларга инвестициялар киритар эди. Бироқ улар асосан хомашёга ихтисослашган эди. Ост-Индия компаниялари уларнинг илк даракчилари саналади.

Бундай компаниялар ишлаб чиқариш билан эмас, балки факат савдо билан шуғулланар эди. Уларнинг тасарруфида анчагина ҳокимият ҳам бўлган: улар ўз валютаси ва ҳатто кўп минг кишилик армияларга эга бўлган. XIX аср охириларига келиб трансконтинентал компаниялар фаолияти деярли тўла-тўқис барҳам топди.

1. “Европа концерти” даврида миграция жараёнлари ҳам муҳим роль ўйнаган. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Европадан Америка китъасига бўлган миграцион жараёнлар айниқса кучайди. Маълумотларга кўра, Биринчи жаҳон урушига қадар Европадан Америкага кўчганлар сони 50 мяндан ошган. Миграция-нинг асосий сабаби индустрлашув бўлиб, у қишлоқ аҳолиси орасидаги ишсизликни кўпайтириди. Ишсиз қолган қишлоқ аҳолиси шаҳарларга кўчар ва ишчи кучи етишмаган мамалакатларга ҳижрат қиласиди. Айнан миграция ўша давр Европасини ишсизлар муаммосида ҳолос этиб, кўплаб ижтимоий ғалайнларнинг олдини олган. Умуман олганда эса, XIX аср миграцион жараёнларининг йўналиши Шимолдан (ривож-

ланган мамлакатлар) Жанубга (ривожланыётган мамлакатлар) бўлган. Бугун эса, бунинг аксига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Шундай қилиб, “Европа концерти” ХМ нинг анчагина барқарор тизим бўлиб, бу ҳол, асосан, XIX асрнинг йирик давлатлари ўртасида кечган жараёнларни мувофиқлаштириш туфайли самарали тизим сифатида амал қилган. ХМ тадқиқотчилари фикрига кўра, ўша давр йирик давлатлари ўртасидаги ҳамфирликнинг асосини улардаги сиёсий тизимлар ва давлат шаклининг бир хиллиги ташкил қиласа эди; уларнинг барчаси монархиялар ва империялар бўлган. Француз инқилоби каби хатарли феноменлар олдидағи кўркув монархияларни ҳамжиҳат бўлиб фаолият юритишга мажбур этар эди. XIX асрда

2. Европада давлат тузилишининг иккита – сулоловий монархия ва демократик республика – шакли ўртасидаги қарама-қаршилик бениҳоя кучайди. Бунда натижа қандай бўлиши ўша пайтдаёқ маълум бўлиб колган эди. XIX асрнинг биринчи ярмида илк демократик давлатлар шаклдан бошлаган. Кейинчалик демократик жараёнлар тўлқинсимон тарзда ривожланиб, бу ҳол америкалик сиёсатшунос Самуэль Ҳантингтон<sup>1</sup> томонидан “демократлашув тўлқинлари” (“волны демократизации”) концепциясининг яратилишига асос бўлиб хизмат қилган.

“Демократлашув тўлқини” деб нодемократик тизимлардан демократик тизимларга ўтишга айтилиб, бундай ўтишлар даврида демократия сари ҳаракат аксилҳаракатга нисбатан сезиларли равища кўпроқ бўлади.

Демократлашувнинг илк ва узоқ муддатли тўлқини 1828-1922 йилларда кузатилган бўлиб, тахминан “Европа концерти” даврига тўғри келади. Албатта XIX аср демократиялари бугунги демократиялардан катта фарқланган. Ўша даврда балоғат ёшига етган эркак аҳолининг 50 фоизидан ортиқ қисми сайлов хукукига эта бўлса, бундай жамият илғор ва демократлашаётган ҳисобланган.

Демократлашувнинг илк тўлқини АҚШдан XIX аср охириларидан бошланган. XX аср бошларига келиб юқоридаги мезонларга Швейцария, Франция, ББ-я ва унинг денгизорти доминионлари тўғри келган. Эндигина тугилаётган демократия феномени француз

<sup>1</sup> Ҳантингтон — америкалик социолог ва сиёсатшунос, цивилизацияларниң этномаддий бўлиниши концепциясининг муаллифи. Бу концепция 1993 йилда чоп этилган “Цивилизациялар тўқнашуви?” (“Форин афейерс” ж.) ва 1996 йилда чиқкан “Цивилизациялар тўқнашуви” китобида баён этилган.

мутафаккири Алексис де Токвиль (1805–1859) нинг “Америкадаги демократия” (1835–1840) китобида тавсифланган. Унда демократиянинг фазилатлари билан бир қаторда, у келтириб чиқарадиган муаммолар ҳам, жумладан, ҳокимиятнинг марказлашуви ва индивиднинг бюрократияга қарамлиги муаммолари ҳам тилга олинган.

3. Монархиялар ва республикалар ўртасидаги қарама-қаршилик мағкуралар даражасида кечган.

Мағкура – бу муайян ақидалар тизими бўлиб, улар тегишли жамият учун афзал саналган сиёсий тартибининг маъқуллигини (мантиқийлиги, яхшилиги ва хўз.) оқлайди.

Буржуа инқилоблари ва миллий давлатларнинг пайдо бўлиши даврида янгича (дунёвий) мағкуралар шаклланниб, улар тарихга “либерализм”, “консерватизм” ва “социализм” деган атамалар билан кирган.

Мумтоз (классик) либерализмнинг асослари Жон Локк ҳамда шотландиялик иқтисодчи ва файласуф Адам Смит (1723–1790) томонидан шакллантирилган. Либерал мағкура буржуа инқилоблари даврида жадал ривожланган. У индивидуализм, индивиднинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги эркинлиги, аммо ҳуқуқий ва сиёсий тенглик билан чекланган эркинлиги (“имкониятлар тенглиги”), тоқатлилик, плюрализм, тараққиётта ишонч, вакилликнинг турли кўринишлари орқали сиёсатда иштирок этиш кабиларни тарғиб этади. Бундай мағкуранинг акси сифатида консерватизм мағкураси шаклланган бўлиб, у мавхум идеалларга эмас, балки анъанавий қадриятларга суюнишни ёқлади. Консерватизм мағкурачилари инсонларнинг тугилишданок нотенг эканига ишонадилар, инсон табиатининг номукаммаллигини даъво қилиб, жамиятнинг иерархик тартибда ташкил этиш мантиқий эканини ҳимоя қиласидилар. Социализм либерализмнинг яна бир оппоненти бўлиб, у индивидуализм тамойили ўрнига жамоат (кўпчилик) га таянишга чақиради, эгалитаризмни (“натижалар тенглиги”) ни ёқлаб чиқади, хусусий эмас, балки синфий ёндашувни мадҳ этади. Социализмнинг энг радикал кўриниши марксизмдир.

Шундай қилиб, ХМ тараққиётининг тахминан бир асрлик даврини (1815-Биринчи жаҳон уруши) қамраб олган “Европа концерти” шароитида кечган оламшумул ўзгаришлар уларнинг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгаририб юборди. Биринчи жаҳон уруши эса, бу тизимнинг номукаммаллиги ва ўзгариб боратёган

шароитлар талабларига ҳар доим ҳам мос бўлмаганини кўрсатиб берди. Бунинг натижасида ХМ эволюциясининг кейинги босқичи концепциясини ишлаб чиқишга қаратилган интеллектуал ҳаракатлар мисли кўрилмаган даражада кучайди.

#### **Назорат саволлари:**

1. Вена конгрессининг асосий натижалари нималарда ўз ифодасини топди?
2. Фридрих Ратцель ва унинг “ҳаётий макон” концепциясининг моҳияти.
3. Гарольд Макуиндернинг геосиёсий қарашларини тушунириинг.
4. Халқаро олтин стандартининг жорий этилиши ва халқаро муносабатлар эволюцияси.
5. “Европа концерти” давридаги миграцион жараёнлар ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири.
6. “Демократлашув тўлқинлари” концепцияси мазмун-моҳиятини тушунириинг.

#### **Адабиётлар:**

- Мунтян М.А. *Основы теории международных отношений.* – М., 2007, 270 с.
- Боршиполец К.П. *Методы политических исследований: Учебное пособие для студентов ВУЗов.* – М.: Аспект Пресс, 2005.
- Мангейм Дж.Б., Рич Р.К. *Политология: методы исследования/Пер. с англ. Т.Л.Ветошкиной и др.* – М.: Аспект Пресс, 2005.

#### **Тўртинчи мавзу. Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсатининг XX асрдаги эволюцияси: назарий ёндашувлар**

##### **Режа:**

1. Сиёсий назария ва сиёсий ғоялар тарихи.
2. Сиёсий институтлар.
3. Партиялар, гурӯхлар ва жамоатчилик фикри.
4. Халқаро муносабатлар:  
- халқаро сиёсат (international politics);

- халқаро ташкилотлар ва бошқарув;
- халқаро ҳукук.

*Таянч сўзлар ва иборалар: сиёсий фанлар, янгича сиёсий тафаккур, халқаро ҳукук, халқаро ташкилот, сиёсий институтлар, барқарор тизим, хавфсизлик.*

ХМнинг нисбатан барқарор тизими бўлган “Европа концерти” даври Биринчи жаҳон уруши (1914-1918) бошланиши билан ўз нихоясига етди. Урушнинг энг асосий геосиёсий натижаларидан бири ўша даврнинг тўрт йирик салтанати – Австро-Венгрия, Усмонийлар Туркияси, Германия ва Россия империяларининг парчаланиши бўлди. Охирги империя ўрнида Совет Иттифоки шаклланди. Дунёнинг сиёсий ҳаритаси тубдан ўзгарди.

1919 йилда биринчи умумдунё сиёсий ташкилот Миллатлар Лигасини тузишга қарор қилинган (унга АҚШ ва Саудия Арабистонидан ташқари барча давлатлар аъзо бўлган), унинг мақсади этиб халқаро низоларнинг олдини олиш ҳамда колектив хавфсизлик тизимини яратиш орқали тинчликни сақлаши белгиланган эди.

Биринчи жаҳон урушидан кейинги даврда либерализм (идеализм) деб номланган назарий йўналиш шаклланди. У уруш ва тинчлик сабаблари, бундай фожианинг олдини қандай қилиб олиш мумкин деган саволларга жавоб топишга интилган. Бу каби гояларнинг ёрқин тарафдори Миллатлар Лигасининг асосчиси АҚШ президенти Вудро Вильсон бўлган. Тарихга “Вудро Вилсоннинг 14 моддаси” номи билан кирган хужжатда (08.01.1918) АҚШ президентининг асосий қарашлари ўз ифодасини топган. Улар миллатлар ва давлатлар ўртасида очик тинчлик шартномаларини ўрнатиш, маҳфий битимлар тузиш амалиётига чек қўйиш, дипломатиянинг очиқлиги, ХМда имкон қадар иқтисодий чекловларга барҳам бериш, савдо ишларида тенгликни таъминлаш, миллий куролли кучларнинг давлат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур миқдоринигина қолдириш, мустамлакалар билан боғлик баҳсларнинг очиқлигини таъминлаш, ҳам йирик, ҳам кичик давлатларнинг сиёсий мустақиллиги ва худудий яхлитлигини кафолатловчи миллатларнинг ягона уюшмасини таъсис этиш каби масалаларни қамраб олган.

Урушлараро оралиқнинг тадқиқотчилари, жумладан, Питман Б. Потер<sup>1</sup> ва Дэвид Митрани<sup>2</sup>, асосан Миллатлар Лигаси фаолиятини тавсифлаш билан шуғулланиб, унинг халқаро хавфсизликнинг таъминлаш салоҳияти, шунингдек, коллектив бошқарув масалалари ҳамда давлатлараро иқтисодий ўзаро боғлиқлик муаммоларини ўрганиб, халқаро ташкилотлар ва халқаро интеграциялашув йўналишлари каби илмий йўналишларнинг асосларини яратдилар.

Урушлараро оралиқ тадқиқотларининг назарий негизини асосан *федерализм ташкил* килган. Кейинчалик у Европа интеграцияси ғоясининг тарафдоларини руҳлантирган мағкура вазифасини ўтади. Ўз моҳиятига кўра, назариядан кўра кўпроқ сиёсий дастур бўлган ушбу ҳаракат суверен давлатлардан охир-оқибатда давлат ёки давлатлар устида турадиган ягона федератив тузилмани яратишни тарғиб этар эди.

1943 йилда Дэвид Митранининг китоби чиқиб, унда федерализм билан рақобатлашган *функционализм назарияси*га асос солинди.

Федерализм тарафдорларига кўра, янги сиёсий ҳамжамиятни яратиш учун албатта миллый ҳукуматларни миллатлардан (халқлардан) юкорида турадиган институтлар ёки тузилмалар билан алмаштириш лозим. Функционалистлар эса, халқаро тузилмалар асосий функционал эҳтиёжларни, масалан, савдо, транспорт тизимлари, ишлаб чиқариш ва бошқаларни ривожлантириш эҳтиёжларини қондириш учунгина яратилиши ва амал қилиши лозим деган ақидани ҳимоя қилганлар. Функционалистларга кўра, иқтисод сиёсатдан устувордир. Федералистлар эса, мутлақо бунинг аксини ҳимоя қилас, шакл, яъни федерал супердавлатнинг мазмундан кўра устуворлиги ҳамда сиёсатнинг иқтисоддан кўра муҳимлигини оқлар здилар.

Айни пайтда бу икки оқим орасида умумийлик ҳам бўлган: уларнинг мақсади тинчликни таъминлаш эди. Улар миллый давлатларнинг мавжудлигига ушбу мақсад йўлидаги тўсиқ деб қараб, миллый давлат ва муайян ҳудудга боғланиш ғоясини Вестфалия тизимининг сарқити, яъни қолоқлик белгиси деб ҳисоблар эди. Уларнинг нуқтаи назари бўйича, Вестфалия тизимининг ўзи

<sup>1</sup> An Introduction to the study of international organizations китобининг муаллифи, замондошимиз.

<sup>2</sup> Унинг “Халқаро ҳукуматнинг мувваффакияти” (1933), “Жанубий-шаркий Европадаги уруш эффиқси” (1936), “Хавфсизлик сарби” (1944) асрлари алоҳида аҳамиятлидир.

урушлар ва низоларни келтириб чиқаришга замин бўлиб хизмат қила бошлаган эди.

Урушлараро оралиқнинг энг муҳим воқеаларидан бири, сўзсиз, 1929 йилнинг октябрида Нью-Йорк фонд биржасининг кулаши билан бошланган жаҳон иқтисодий инқирози бўлди. У тарихга “Буюк депрессия” номи билан кириб, Фарбнинг ривожланган давлатларида мисли кўрилмаган иқтисодий рецессияни (итқисодий чекиниш) келтириб чиқарди. Натижада саноат ишлаб чиқариши XX аср бошларидаги даражага тушиб қолди. Кўпчилик мамлакатлар ушбу кризисдан 1933 йилдагина чиққани тарихдан маълум.

Рецессиянинг биринчи муҳим оқибати иқтисодиётнинг бозор механизмларига путур этиши, олтин стандарти тизимининг барбод бўлиши (ўзи Биринчи жаҳон урушидан кейин 1925 йилдагина тикланган эди) шаклида намоён бўлди.

Ўша пайтда мавжуд бўлган иқтисодий назариялар бўхрондан чиқиши йўлларини кўрсатишга ожизлик қилди. Ана шундай шароитда 1936 йили британиялик иқтисодчи Жон Мейнард Кейнснинг “Бандлик, фоиз ва тулнинг умумий назарияси” китоби чиқди. У иқтисодий тараққиётнинг кейинги босқичига кучли таъсир кўрсатди ва макроэкономика шлмий йўналишига асос солди. Кейнснинг фикрига кўра, Буюк депрессия шуни кўрсатдики, бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиши бўхрондан чиқишини кафолатламайди. Демак, иқтисодиётни тартибга солиши вазифаси ёки мажбуриятини давлат ўз зинмасига олиши лозим. Ишлизикнинг пасайиши ва даромадларнинг кўпайиши, шунингдек, давлат томонидан арzon кредитлар берилиши талабнинг ошиши ва иқтисодиётнинг жонланишига олиб келади. Кейнс гояларидан кўпчилик давлатлар ҳам Буюк депрессиядан чиқища, ҳам Биринчи жаҳон уруши оқибатларини бартараф этишда фаол фойдаланган. Лекин 1970-йиллардан бошлаб Фарбда иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиниши гояларидан воз кечилди. Бирор XX аср охирида рўй берган янги иқтисодий бўхрон кейсианлик гояларини яна кун тартибига чиқарди.

Жаҳон иқтисодий бўхрони натижасида мутлақ кўпчилик аҳолининг қашшоқлашуви жамиятда ашаддийлик (радикал) кайфиятларини кучайтирди. Уларга асосланган мафкуралар, жумладан коммунистик ва нацизм мафкураларига кизиқиши кескин ошди. Натижада Германияда, масалан, ҳокимият А.Гитлер раҳбарлигидаги нацистлар кўлига ўтди.

Умуман айтганда, С.Хантингтон томонидан таклиф этилган даврлаштиришга кўра, 1922-1942 йилларда демократиянинг тарқалишидаги биринчи “қайтиш ёки чекиниш” рўй берди. Италияда Муссолининг ҳокимият тепасига келиши (1922 й.) ушбу “қайтиш”нинг ибтидоси саналади. Литва, Латвия, Польша, Эстония, Португалия, Бразилия, Аргентина, Испания, Греция каби мамлакатларда давлат тўнтиришлари орқали ҳокимият устига ҳарбийлар келиб, диктатуранлар ўрнатилди. Югославия ва Болгария сингари мамлакатларда фашистларга мойил тузумлар барпо этилди. 1930-йилларнинг ибтидосида Японияда ҳам ҳарбийлар давлат тўнтишини амалга оширишга ҳаракат қилдилар. Улар буни амалга оширолмаган бўлсалар-да, лекин ҳарбийларнинг бошка-рувга таъсири анчагина ощи. Хуллас, бу даврда фашизм, нацизм ва бошқа милитаристик мафкуралар гуллаб-яшнади.

АҚШнинг Миллатлар Лигаси фаолиятида иштирок этмагани, Совет Иттифокини унинг сафидан чиқариб юборилгани, бўлажак агрессор давлатлар – Япония, Германия ва Италиянинг – уни тарк этгани бу ташкилотни хавфсизликни таъминлаш бўйича бутундунё тузилмасидан кўра кўпроқ олдинги давларда амал қилган имкониятлари чекланган оддий ҳарбий-сиёсий уюшма даражасига тушириб кўйди.

Миллатлар Лигасининг коллектив хавфсизликни таъминлай олмагани Иккинчи жаҳон урушининг (1939-1945) бошланиб кетишини тезлаштириди. Икки жаҳон урушлари оралиғида ХМнинг таҳлилига кўлланган илмий-назарий ёндашув кейинчалик идеализм деб номланди. 1939 йили британиялик тарихчи Эдвард Х.Карр томонидан истеъмолга киритилган реализм термини эса, идеализмга карама-карши қарашларни ифода этди.

*Реалистлар* ўз оппонентларини ХМга нисбатан утопик ёндашувларни олға сурғанликда танқид қилиб, уларни Миллатлар Лигаси фаолияти орқали ер юзида абадий тинчлик ўрнатиш каби нореал ғоя асирига айланниб қолганликда айлашди. Ушбу назарий баҳслар ХМ тарихига “биринчи йирик мунозара” деган ном билан кирган бўлиб, кейинги даврларда яна кўплаб бу каби баҳс-мунозаралар кузатилган.

Реалистлар давлатлар орасидаги баҳсларнинг тинч йўллар билан ҳал этилиши мумкинлиги ва Миллатлар Лигаси каби халқаро ташкилотларнинг тинчликни сақлашга қодирлигини шубҳа остига кўйдилар. Реалистлар инсониятнинг бутун тарихини урушлар

занжири алмашинуви тарзида тасаввур этишар, уларни фақатгина қисқа муддатларга, бироз дам олиш ва навбатдаги урушга ҳозирлик кўриш учун, тўхтайдиган жараён шаклида талқин этардилар. Чунки, уларнинг фикрига кўра, инсоннинг табиати ўзгармас ва айнан у конунуларни белгилайди.... Шунинг учун ҳам қадимги Юонон ва қадимги Хитойнинг фалсафий ва сиёсий назариялари ҳанузгача ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Бунинг ҳақиқат эканини исботлаш учун реалистлар Антик дунёдан бошлаб Европа Ренессанси ва Мърифатпарварлик даврларигача бўлган давр сиёсий тафаккури тарихида, яъни “классик анъаналар”да бунинг исботини излашга киришиб кетдилар.

Реалистлар мил. авв. V асрда яшаган қадимги Юонон тарихчиси Фукидидни “классик анъана”нинг биринчи вакили деб ҳисоблайдилар. Ўзининг “Пелопонес уруши тарихи”да Фукидид инсоннинг табиати уни албатта зўравонликка етаклашини таъкидлаб, хукуқ фақат рақибларнинг кучи тенг бўлгандагина амал қиласди деб ҳисоблаган. Бундан ҳар қандай низода ҳал қилувчи омил куч деган маъно чиқади. У, Фукидидга кўра, давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарурдир.

Реализм назарий йўналишининг асосчиларидан яна бири Ганс Моргентай (1904–1980) бўлиб, у 1948 иили ўзининг “Миллатлар ўртасидаги сиёсий муносабатлар: ҳокимият ва дунё учун кураш” китобини нашр килди. Унда сиёсий реализмнинг асосий тамоиллари белгилаб берилган.

Реализмнинг бош тушунчаси – манфаат. Халқаро сиёсат – бу ҳокимият учун кураш. Сиёсий реализм ташки сиёсат ахлоқий тамоиллар ва амалий мақсадлар нуқтаи назаридан рационалистик бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Шу билан баробар, реалистлар иргранционализм ва тасодиф ҳам ташки сиёсатга таъсир этиши мумкинлигини тан олишади.

Давлат ҳар доим ўзининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиши керак. *Манфаат* эса, объектив категория бўлиб, у даврлар давомида ўзгармасдир. Бироқ сиёсий ва маданий муҳит ушбу тушунчанинг мазмунига ўз таъсирини ўтказиши мумкин: бир одамнинг иккинчиси устидан назоратни амалга оширгани каби, ҳокимият ҳам турли даврларда турлича кўринишларда намоён бўлиши мумкин ва ҳоказолар.

Умуман олганда, реализм тарафдорлари ХМнинг бош иштирокчиси сифатида фақат суверен давлатларни тан оладилар.

Уларнинг халқаро майдондаги хатти-ҳаракатларини бильярд шарларининг бир-бiri билан тўқнашуви шаклида тасаввур қиладилар. Уларнинг фикрига кўра, фақат буюк давларгина XMга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин, колганлар эса уларнинг сиёсатига мослашишга мажбурдир. Кўриниб турганидек, реалистик ёндашув буюк давлатларнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги рафторини анчагина аниқ кўрсатиб турган. Шунинг учун ҳам у *совуқ уруши* интихосига қадар XMнинг асосий парадигмаси бўлиб колди.

Халқаро муносабатларнинг XX асрнинг иккинчи ярмидаги эволюцияси. XM учун Иккинчи жаҳон урушининг асосий натижаси Европанинг дунёнинг сиёсий маркази сифатидаги мақоми барҳам топиши ҳамда иккита супердавлатнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топди. Урушнинг интихосига келиб, СССР ва АҚШнинг бошқа давлатлардан кескин ўзиб кетиши, яъни ҳарбий, иқтисодий ва мағкуравий масалаларда олдинги позицияларга чиқиб олгани аён бўла бошлади. Бу уларни сверхдержава (бу термин 1944 йил истеъмолга киритилган) мақомидан супердержава мақомигача юксалишига сабаба бўлди. Бу биполяр (икки кутбли) дунё тизимининг шаклланиши учун лозим асосни вужудга келтирди. Бундай тизим НАТО (1949 й.) ва Варшава шартномаси (1955 й.) номлари билан тарихга кирган иккита ҳарбий-сиёсий блокнинг шаклланишидан кейин узил-кесил шаклланди.

Биполяр конфронтация (қарама-қаршилик) доирасида СССР ва АҚШ кучларнинг ўзаро мувозанатини сақлаб туришга интилган. Бунда ўзаро муносабатларда ишончнинг йўқлиги ҳамда тарафларнинг бир-бираидан кўркуви уларни имкон қадар кўпроқ иттифоқчиларни қидириш ва ўз атрофида бирлаштиришга ундар эди.

Натижада қуролланиш пойгаси бошланиб кетди. Дунё, асосан, икки гурухга бўлинди: капиталистик ва социалистик лагерлар. Аммо бу икки гурухга кирмаган мамлакатлар ҳам бор эдики, улар қўшилмаслик ҳаракатига асос солдилар ва тарихга “учинчи дунё” номи билан кирдилар (капиталистик ва социалистик дунёлар билан бир қаторда).

Иккинчи жаҳон урушининг яна бир муҳим натижаси нацизм мағкурасининг мағлубияти ҳамда кўплаб авторитар тузумларнинг барҳам топиши бўлди. Бу тарихга “демократлашувнинг иккинчи қисқа тўлқини” деган ном билан кирган феноменини келтириб чиқарди. Мазкур тўлқин Гербий Германия, Австрия, Италия, Япония, Ж.Кореяда демократик институтларнинг қарор топиши

билин бошланиб, бироз кейинрок Туркия ва Гречия ҳам демократик давлатлар сафига күшилган хисобланади. Шунингдек, Лотин Америкасида демократлашув жараёнлари кузатила бошланди. Ўз мустақиллигини кўлга киритган кўплаб собиқ мустамлакалар ҳам демократия йўлини танладилар ва ҳиз.

Иккинчи журушидан кейинги дунё тизимининг ўзига хос тарафи 1945 йилда асос солинган БМТнинг фаолияти бўлиб, у буюк давлатлар манфаатларини назарда тутган ҳолда умумдунё тизимини сиёсий тартибга солиш билан шугуллана бошлади.

Фарб давлатлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш эса 1944 йили асос солинган Бреттон-Вудд тизимига мувофиқ амалга оширилиб, унга кўра Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки ва Халқаро валюта фонди каби ривожланиш институтлари яратилди. 1947 йилда Тарифлар ва савдо бўйича бош шартнома имзоланиб, 1995 йилдан у Умумдунё савдо ташкилоти номи остида фаолият юритмоқда. Мазкур ташкилотнинг фаолияти натижасида жаҳон савдо муносабатларида либераллашувга ҳамда тарифлар билан боғлиқ тўсикларнинг камайишига эришилган. Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки аввалбошдан урушдан кейинги Европани қайта тиклашга кўмаклашши учун яратилган молиявий механизм бўлиб, кейинчалик у ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш миссиясини бажаришга ўтган.

Бреттон-Вудд шартномаси олтин стандартининг янги версиясини яратди ва унинг моҳиятини валюталарнинг белгилаб кўйилган (фиксированные) курсларини белгилаш ташкил этади. Бунда долларнинг қиймати олтинга, бошка валюталарнинг қиймати эса, долларга боғлаб кўйилди. Умуман олганда, Бреттон-Вудд тизими давлатларнинг суверенитетини хурмат қилишга асосланган бўлиб, у ички иқтисодий вазифаларнинг глобал молиявий тизимдан устуворлигини тан олар эди. Бу 1930-йилларда халқаро иқтисодий муносабатларда амал қилган тизимнинг мутлақо акси эди.

Бреттон-Вудд тизимининг яратилиши жараённада унинг фаолиятида Совет Иттифокининг иштироки ҳам режалаштирилган. Бунинг учун Халқаро валюта фондида СССРга тегишли миқдордаги овоз квотаси ҳам ажратилиши назарда тутилган эди. Бирок бу тизимдаги Фарб давлатларининг вазни офирилиги кейинчалик СССРга унинг амбициялари (интилишлари) даражасидаги имкониятларни қолдирмаслиги кўриниб тургани учун, шунингдек, савдонинг

эркинлиги ҳамда Farb капиталининг Шарқий Европага оқиб келиши натижасида бу минтақанинг “бой берилиши” эҳтимолининг кучайтиргани сабабли СССР бу ташкилотга аъзо бўлмаган. Шу сабаблар туфайли Совет Иттифоқи Европани тиклаш тадбирлари доирасида амалга оширилган Американинг Маршал плани<sup>1</sup>га мувофиқ тақдим этилган ёрдамдан ҳам воз кечган (1947 й.).

Айтиш лозимки, АҚШ билан иқтисодий мусобақа қилиш учун СССР бенихоя заиф эди. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқининг ХМдаги иштироки асосан уларни сиёсий тартибга солиш билан боғлиқ БМТ фаолиятидаги иштирок билан чекланди. Бунга СССРнинг БМТ Хавфсизлик кенгашидаги доимий аъзолик ва вето ҳуқуқи имкон яратиб берди.

БМТ ташкил топгач, либерализм мактаби ривожланишига янги туртки берилди. 1947 йилдан *International Organization* журнали нашр этила бошланди. 1960-йилларга қадар либерал йўналиш доирасида амалга оширилган тадқиқотларнинг асосий обьекти БМТ, унинг тинчликни таъминлаш билан боғлиқ вазифалари ҳамда коллектив хавфсизлик тизимини яратиш масалалари бўлиб қолди. БМТдан ташқари, тадқиқотчиларнинг зътиборини НАТО, Умумевropa ҳамжамиятлари, Америка давлатлари ташкилоти, Араб давлатлари лигаси каби минтақавий ташкилотлар ҳам жалб этган. Бунда асосий тортишувлар универсализм ва регионализм тарафдорлари орасида кечган.

Универсализм тарафдорлари коллектив хавфсизликнинг бўлинмаслиги ғоясини олға сурган бўлсалар (БМТ), регионализм тарафдорлари бевосита қўшилар тегишли минтақаларга доир муаммоларни яхшироқ тушунишини дастак қилиб, минтақавий ташкилотларнинг самарадорлиги, яъни афзаллигини ёқлар эди.

Шундай қилиб, 1950 йилларнинг интихоси-1970-йиллар ибтидосида ҳалқаро интеграцияшув жараёнларига бағишиланган тадқиқотларга нисбатан кўлланган асосий ёндашувлар юкорида зикр этилган федерализм ва функционализм бўлиб, улардан ташқари, яна

<sup>1</sup> Маршалл плани Иккичи жаҳон урушидан кейин Европага ёрдам кўрсатиш дастури. 1947 й. АҚШ давлат котиби Жорж К. Маршалл томонидан ишлаб чиқилган (1948 й. апрел ойида амалга киритилган). У 17 Евropa давлатини ўз ичига камраб олган, жумладан Farbий Германияни ҳам. Маршалл планида Шарқий Евropa мамлакатларидан ташқари Финландия ҳам иштирок этмаган. Маршалл плани АҚШ Конгресси томонидан “Иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги” конун кабул килингач (4 апрел 1948 й.) амалга татбик этила бошлаган. Унга ажратилган маблиг 13 млрд. долл. Атрофилда бўлган. Бу маблаҳ ўша давр учун ниҳоятда улкан ракам бўлган.

*неофункционализм ва трансакционализм* деб номланган мактаблар ҳам шаклланди.

Америкалик тадқиқотчи Эрнст Хаас бошчилигидаги *неофункционалистлар* асосий ургуни XMнинг нодавлат акторлари фаолиятига қаратдилар, яъни сиёсатни интеграциялашув жараёнларидан ажратишга ҳаракат килдилар.

Трансакционализм негизида эса “*хавфсизлик ҳамжамиятлари*” концепцияси ётади. Бу концепция 1950-йилларнинг ибтидосида Ричард Ван Вагенен томонидан таклиф этилган бўлиб, кейинроқ Карл Дойчнинг “*Сиёсий ҳамжамият. Шимолий Атлантика зонаси*” китобида (1957 й.) ривожлантирилган.

*Хавфсизлик ҳамжамияти* – бу давлатларнинг шундай гуруҳики, унинг аъзолари ўзаро интеграциялашувнинг шундай даражасига эришадиларки, бунинг натижасида бундай ҳамжамият аъзолари ўзаро урушмайдилар деган ишонч пайдо бўлади. “Совуқ уруши”<sup>1</sup> йилларида Дойченинг концепцияси унчалик оммалашмаган бўлса-да, 1990-йиллардан бошлаб, у янги куч билан кайта ривожлана бошлади.

Бу даврда амалга оширилган тадқиқотларнинг ўзига хослиги уларнинг *европацентрик* табиатида ўз ифодасини топди. Яъни интеграциялашув жараёнларининг таҳлили, асосан, Европа ҳамжамиятлари мисолида амалга оширилар, бундай назария дунёнинг бошқа миңтақаларига камдан кам татбиқ этилар эди (бошқа миңтақалардан мисоллар келтириш, масалан, ФКАДХК).

Умуман олганда, ҳалқаро ташкилотлар ва миңтақавий интеграциялашув масалаларига багишлиган тадқиқотларнинг ривожланишига қарамасдан, бу даврда XM назариясида асосий ўринни *реализм ва хавфсизлик муаммолари* эгаллаган эди. Бундай вазиятнинг пайдо бўлиши, биринчи навбатда, ядро куролининг кашф этилиши ва ядро уруши хавфининг реал воқеликка айлангани билан изоҳланади.

Маълумки, 1945 й. АҚШ томонидан бундай курол биринчи ва ҳозирча охири марта амалда кўлланди. 1949 йили СССР ҳам ядеровий давлат макомини касб этди. Кейинроқ Буюк Британия (1952), Франция (1960) ва ХХР (1964) ҳам шундай статусни кўлга киритдилар. Бунинг натижасида сверхдержавалар ўртасидаги

<sup>1</sup> Совуқ уруши – сиёсий фанлар термини бўлиб, 1946-1991 йиллардаги СССР ва АҚШ бошчилигидаги шарқ ва Farb ўртасидаги глобал қарама-каршилик даврига нисбатан ишлатилиди.

статус-кво ҳолатини сақлаб турыш масаласи биринчи ўринга чиқди.

Лекин ХМ тобора таранглашиб борди. Халқаро муносабаттарда юзага чиққан муаммоларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга интилиш кучаяр эди. Куба (Фарб адабиётида – Кариб) инқирози<sup>1</sup> – 1962 йилга қадар иккита сверхдержава ўртасидаги юзага келган муаммоларни ҳал қилишинг куч иғшлатишга асосланган методлари устувор бўлган. Куба инқирози бу масалага муносабатни кескин ўзgartирди. У совет ва америка раҳбарияти сиёсий тафаккурига кучли таъсир кўрсатди. Қарама-қаршилик бевоситалиқдан минтақавий майдонларга кўчди (масалан, Вьетнам, Яқин Шарқ ва бошқалар).

Умуман олганда, 1963 йилдан 1970-йилларнинг бошларига қадар сверхдержавалар асосан ўзаро ҳамкорлик ва халқаро жараёнларни тартибга солишининг сиёсий методларидан фойдаландилар. Улар ХМда «разрядка международной напряженности» – «халқаро муносабатларни юмшатиш» номи билан машҳур бўлиб қолди ва бир қатор битимларни ўз ичига қамраб олди. Уларнинг энг муҳимлари қаторига 1963 йили имзоланган *Атмосфера, космик фазо ва сув остида (учта муҳим)* ядро қуролларини синовдан ўтказишини таъқиқлаш шартномаси, 1968 йили имзоланган *Ядро қуролларини тарқатмаслик шартномаси*, 1972 йилда СССР ва АҚШ ўртасида имзоланган *Ракетага қарши ҳимояланин тизимларини чеклаш ҳақидаги шартнома* (ПРО), ўша йилдаги *Стратегик қуролларни чеклаш* (ОСВ-1), 1979 йилдаги ОСВ-2 ларни киритиш мумкин. 1973-1975 йилларда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашилари ўтказилиди ва ҳиз.

1970-йилларда дунёдаги ўзаро боғлиқликнинг кучайиши жаҳон сиёсатида янги омилларни келтириб чиқарди.

<sup>1</sup> Кариб инқирози – сабик Совет Иттифоки ва АҚШ ўртасидаги муносабатларда 1962 йилнинг 16-28 октябринда содир бўлган кескинилик. Унинг сабаби 1961 йили Туркия худудида АҚШ ядеровий ракеталарининг жойлаштирилиши бўлган. Бунга жавобан СССР хукумати ўз ядеровий ракеталарини Куба худудида ўрнатган. Ушбу инқироз кубаликлар томонидан «Октябр кризиси», АҚШда эса, «Куба ракета кризиси» деб номланади. Туркияда жойлаштирилган АҚШнинг PGM-19 Jupiter ракеталари 5-10 дакикада Совет Иттифокининг асосий саноат марказлари, жумладан, Москвагача учиб бора олар эди. Совет Иттифокини континентларро ракеталари эса, АҚШга 25 дакикада етиб борар эди. Шунинг учун СССР Куба раҳбари Фидел Кастронинг ёрдам ҳақидаги мурожаатидан фойдаланиб (АҚШ уни “Тўнгизлар кўрфази” опреация воситасида ҳокимиятдан четтишини режалаштирган эди), Кубада ўтра масофага учадиган ва ядро қуролини элтувчилари бўлган Р-12 ва Р-14 ракеталарини жойлаштирган. Ракеталар жойлаштирган худуд Флорида штатидан атиги 90 мил масофада бўлган.

ХХ асрнинг 70-йилларида сурхдодержаваларо муносабатларда нисбатан барқарор вазият вужудга келди, ядро уруши хавфи ортга чекинди ва халқаро ҳамжамият эътибори борган сари носиёсий муаммолар томон оға бошлади. Шу даврда бир қатор воқеалар содир бўйдик, улар ХМ амалиётига анчагина таъсир кўрсатиб, уларнинг моҳиятини идрок этишга қаратилган муносабатни ҳам ўзгартириб юборди.

1971 й. АҚШ президенти Ричард Никсон долларни олтинга конвертация килишдан вақтингча воз кечилишини зълон қилди. Бу амалда Бреттон-Вудд тизимининг барҳам топишини англатар эди. 1973 йилда валюталарнинг плавающие (ўзгарувчи) курслари тизими ўрнатилди. Мутахассисларнинг башоратларига зид равишда валюталарнинг доимий қайд этилган курсларидан воз кечилиши дунё иқтисодиёти ривожланиши суръатларини пасайтиrmади. Аксинча, уни 1973–1974 ва 1979–1980 йилларда рўй берган нефть инқизолари келтириб чиқарган янги шароитларга мослашишига ёрдам берди ва иқтисодиётнинг ўсишини таъминлади.

1974 йили Португалия ва Грекияда диктатуralарнинг барҳам топиши билан дунёда демократлашувнинг учинчи тўлқини бошланади. 1975 й. генерал Франко вафоти билан Испанияда ҳам диктатура ўз ниҳоясига етди. 1970-йилларнинг интиҳосидан бошлаб, Лотин Америкаси ва Осиё китъаларида ҳам демократияга ўтиш жараёнлари бошланиб кетди.

1972 йили дунё бўйлаб катта акс-садо келтириб чиқарган Рим клубининг<sup>1</sup> “Ривожланиш чегаралари” номли маърузаси зълон қилинди. Унга кўра, мутахассислар амалга оширган ҳисоб-китобларга мувоғик, дунё аҳолисининг кўпайиши суръатлари, атроф-мухитнинг ифлосланиши тезлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг истемоли ҳамда қайта тикланмайдиган ресурслардан фойдаланиш шу тарзда давом этаверса, 100 йилдан кейин, яни 21 асрнинг интиҳосига келиб, Ер куррасида ривожланишининг чегараларига етиб борилади. Бунга йўл кўймаслик учун ривожланиш

<sup>1</sup> Рим клуби – халқаро ноҳукумат ташкилот бўлиб, унинг таркиби олимлар, давлат ва жамоат арбоблари кирган, 1968 й. Римда ташкил этилган. Молиявий таъминоти йирик монополистик компанияларнинг хайриялари эвазига амалга оширилган. Р.к. бир қатор глобал муаммоларга багишланган ҳужжатларни ишлаб чиқиши оркали шуҳрат қозонгай: “Ривожланиш чегаралари” (1972), “Инсоният янги бурилиш нуктасида” (1974), “Халқаро тартибни ўзгартириш” (1975), “Истроғарлик асридан ташқарида” (1976), “Инсоният учун мақсадлар” (1977) ва бошкалар уларнинг энг муҳимлари саналади. Умуман олганда, Рим клуби фаолияти моҳиятини инсоният тараққиётни истиқболларини бутунги мағкуравий ёндашувлар нуктаи назаридан баҳолашга итилиш ташкил этиди.

суръатларини пасайтириш талаб этилади. Шундагина кейинги авлодларда ривожланиш имконияти бўлади деган гипотеза олга сурилган эди.

Ўзаро боғлиқлик ҳамда барқарор ривожланиши муаммоларининг идроки 1970-йилларда кучайди: 1972 й. БМТнинг атроф-муҳит муаммоларига багишланган маҳсус конференцияси бўлиб ўтди, унда БМТнинг *Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурига* асос солинади, 1974 й. бутун дунё озиқ-овқат конференцияси бўлди, 1976 йили БМТнинг сув ресурсларига багишланган конференцияси чакирилди, 1982 йили *Табиатнинг умумдунё хартияси* кабул килинди ва ҳоз. 1970-йилларда содир бўлган нефть инқизозлари инсоният тараққиётини энергетика ресурслари билан таъминлаш муаммоларига қаратилган эътиборни янада кучайтириди.

1987 йили БМТ Атроф-муҳит бўйича умумжаҳон комиссиясининг “Бизнинг умумий истиқболимиз” номли маърузаси эълон килинди. Унда барқарор ривожланиш концепцияси олга сурилади. Унинг моҳиятини келажак авлодларнинг ривожланиши имкониятларига путур етказмасдан, бугунги авлодлар эҳтиёжларини тўлақонли қондириши йўлларини топши ва уларни ҳаётга татбиқ этишига қаратилган фаолият ташкил этади.

1970-йилларда Бреттон-Вудд тизимининг барбод бўлиши ҳамда 1973-1974 йиллардаги нефть кризисига жавобан ХМнинг яна бир янги назарияси шаклланди ва у ҳалқаро сиёсий иқтисод (ХСИ) номи билан тарихга киради. Унинг моҳиятини ҳокимият ва моддий бойлик ўртасидаги боғлиқликни ҳалқаро миқёсда ўрганиши ташкил этади. Унинг асослари Р. Гилпин<sup>1</sup>, Р. Коҳейн ва Дж. Най каби тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган. ХСИнинг марказий тушунчаларидан бири глобал ижтимоий неъматлар (бойликлар) бўлиб, унга мувофик, бундай неъмат деб уларнинг истеъмоли бошқаларнинг имкониятларини камайтирилишига сабаб бўлмайдиган бойлик тушунилади (мисоллар: қуёш энергияси, шамол, денгиз тўлқинлари ва ҳоз.). Бошқача айтганда, бундай неъматлар, бир тарафдан, ҳеч кимники, иккинчи тарафдан барчага тегишлидир.

<sup>1</sup> Роберт Гилпин (ингл. Robert Gilpin; 1930-2018) — америкалик олим, ҳалқаро сиёсий иқтисод бўйича мутахассис, Принстон университети хузуридаги Вудро Вілсон мактабининг фахрӣ профессори. Гилпин сиёсий иқтисод ва ҳалқаро муносабатлар бўйича иқтисослашган, айниқса трансмиллий корпорацияларнинг давлатлар иқтисодиётига таъсирини чукур ўрганиши билан шуғулланган. Унинг ҳакиқий илмий қизиқишлари “теалистик” тафаккурнинг замонавий америка сиёсатининг Якин Шарқдаги татбиғи билан боғлик холда ўзини намоён этган.

Бундай неъматлар қаторига, шунингдек, халқаро хавфсизликни таъминлаш, атроф-мухитдан фойдаланиш, эркин савдонинг халқаро режимини таъминлаш кабилар киради. Глобал ижтимоий неъматлардан фойдаланиш «безбилетник» (*free-rider*) “қўёнлар” муаммосини келтириб чиқарди. ХМ бу атама ижтимоий неъматлардан фойдаланганлик кийматини тўлашни истамайдиган давлатларни англатади. Бунга жавобан ХСИ йўналишларидан бирининг доирасида гегемонияга асосланган баркарорлик назарияси ишлаб чиқилди. Унинг моҳиятини глобал ижтимоий неъматлардан фойдаланиш жараёнини бошқариш билан гегемон шугулланади деган тушунча ташкил этади. Зарур бўлганда, у безбилетник-“қўён”ни ижтимоий неъматлардан фойдаланиш шароитларини яратиш билан боғлиқ харажатларнинг тегишли қисмини тўлашга мажбур этиши мумкин (мисол: атроф-мухитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ халқаро шартномалар ва ҳоказо). Биринчи жаҳон урушига қадар бундай гегемон ролини ББ ўйнаган бўлса, ундан кейинги даврда бу роль аста секин АҚШга ўтган (охирги даврдаги ўзгаришлар, Трамп сиёсати, Атроф-мухит бўйича Париж шартномасининг тарк этилиши ва ҳоказо).

Умуман олганда, Рим клубининг маъruzаси ҳамда 1973 йилдаги нефть кризиси<sup>1</sup> дунёning ўзаро боғликлиги нечоғлик чукур ҳассослик касб этаётганини яққол кўрсатиб берди ва бунинг аксадоси сифатида ХМнинг транснационализм (трансмиллийлик) назарияси шаклланди. Унинг вакиллари ўша даврларда ХМда устувор бўлган реалистик парадигмалар<sup>2</sup> билан баҳс-мунозараларга киришдилар. Реалистик парадигмалар давлатцентрик, яъни марказида давлат туродиган ёндашувларга асосланган бўлиб, транснационалистлар давлатларнинг ўзаро муносабатлари комплекс табиатга эга эканлиги, яъни улар нафакат сиёсий масалалар, балки

<sup>1</sup> 1973 йилдаги нефть инкирози 17 октябрь куни бошланган. Шу куни барча ОАЛЕКка аъзо бўлган араб давлатлари, шунингдек, Миср ва Сурия, арабларга, аниқроғи, Миср ва Сурияга карши уруш олиб бораётган Израилни кўллаб-куватлаган мамлакатларга нефть етказиб беришни тўхтатиши ҳакида баёнот берган эди. “Киёмат куни уруши” деган ном билан тарихга кирган тўртничи араб-исроил конфликтин 1973 йилнинг 6 октябрида (шунинг учун ҳам у “Октябр уруши” деб ҳам номланади) бошаниб, 18 кундан кейин ўз ниҳоясига етган. Ҳар иккала томон ундан катта талофтат кўрган.

<sup>2</sup> Илмий-фалсафий маънода “парадигма” муайян тафаккур тарзига мансуб концепция ва колиларнинг йигинидини англатади. Уларнинг ичига назарий қарашлар, тадқикот усуслари, постулатлари ва стандартлари ҳам кириб, уларнинг воситасида тегишли соҳага оид ишланмалар яратилиди, таърибалар амалга оширилди ва хиз. Мазкур сўз дастлабки босқичларда лингвистика ва риторика (балоғат) соҳаларида ишлатилган.

иктисодий, маданий ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олиши, шунингдек, уларнинг ечимини топишга қаратилган халқаро амалиётда ноҳукумат (нодавлат) акторлар, жумладан, трансмиллий акторлар ҳам муҳим роль ўйнашини таъкидлайдилар. Бу таълимотнинг (транснационализмнинг) асосий йўналишлари Жозеф Най<sup>1</sup> ҳамда Роберт Коҳейн<sup>2</sup>нинг “Трансмиллий муносабатлар ва жаҳон сиёсати” (1972) ҳамда “Ҳокимият ва ўзаро боғлиқлик: жаҳон сиёсати ўтиш даврида” (1977) китобларида ишлаб чиқилган.

Шу даврга келиб, Жозеф Най ва Роберт Коҳейн ХМнинг транснационалистик ёндашуви ичидаги неолиберализм назарияси асосларини яратдилар. Уларнинг фикрига кўра, суверен давлатлар ХМнинг бош акторлари ролини сақлаб қолаётган бўлсалар-да, уларнинг мақомига ХМнинг трансмиллий акторлари (масалан, трансмиллий корпорациялар) тобора кўпроқ таҳдид сола бошлади. Най ва Коҳейннинг хulosасига кўра, дунёдаги турли акторлар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг шакл ва каналлари кўпаймоқда, бу эса, ўз навбатида, ўзаро комплекс боғлиқликни кучайтироқда. Эътибор беринг, ўзаро боғлиқлик нафакат давлатлараро кўринишида, балки бошқа шаклларда ҳам, масалан, давлатлар-трансмиллий корпорациялараро муҳитда, ўзини тобора яққолроқ кўрсатиб бормоқда.

Ўзаро боғлиқлик, жумладан, қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- Давлат ва нодавлат акторлар ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Улар рақиблар эмас, балки ҳамкорлар моҳиятини касб этмоқда. Бу, давлатлараро муносабатлардан ташқари, яна трансмиллий муносабатлар\_деган

<sup>1</sup> Жозеф С. Най — кичик (англ. Joseph S. Nye, Jr.; 1937 й. туғилган) — америкалик политолог. Неолиберализм йўналиши вакили бўлиб, комплекс ўзаро боғлиқлик хакидаги назариянинг асосчиси хисобланади. Гарвард университети Жозеф Ф. Кеннеди номидаги Давлат бошкаруви институти профессори. Миллий хавфсизликни ислоҳ этиш лойиҳасининг фаол иштирокчиларидан бири бўлган. Айнан Жозеф Най 1980 йиллардан бошлаб илмий асосланиб келинаётган “Юмшоқ куч” (*Soft power*) концепциясининг муаллифларидан бири саналади. Ушбу концепция АҚШнинг Ирокка карши урушидан кейин алоҳида долзарблик касб этиди.

<sup>2</sup> Роберт Коҳейн — американский политолог, халқаро тинчлик масалалари бўйича мутахассис, неолиберализм ва транснационализм мактаби вакили. Гарвард университетини тутагтган (*Harvard University*). Айни пайтда — Принстон университети хузуридаги Вудро Вилсон номли Ижтимоий ва халқаро алокалар мактабининг (*Woodrow Wilson School of Public and International Affairs*) при Принстонском университете (*Princeton University*) профессори, шунингдек, Гарвард, Стенфорд ва бошқа етакчи университетларда ишлаган, катор халқаро илмий мукофотлар савриндори.

феноменни келтириб чиқардики, унда давлатларнинг деярли иштироки кузатилмайди.

- “Юксак” ва “пастрок” аҳамиятли, яъни ўта муҳим ва оддий сиёсий муаммолар ўртасидаги чегаралар емирилиб бормоқда, ҲМнинг буғунги кун тартибида биринчи ўринларни фақаттинга хавфсизлик масалалари эгаллаб қололмайди.

- Ҳарбий кучнинг ҲМдаги роли пасаймоқда. ҲМнинг тинч йўллар билан ривожлантиришга ва иқтисодий юксалишига фақаттинга халқаро институтларни ўз ичига қамраб олган ҳамкорликни кенгайтириш йўли билан эришиш мумкин.

Транснационализм йўналишининг ривожланиши халқаро ташкилотларни ўрганиш моҳиятининг ўзгаришига олиб келди. Улар энди иккинчи планга ўта бошлади. “Халқаро ташкилот” ва “халқаро институт” деган тушунчалар орасидаги фарқнинг ўзи тобора емирилиб бормоқда. Жозеф Най эса, халқаро институтларни халқаро институтлардан кўра кўпроқ “хукumatлараро ва трансмиллий тизимларнинг формал институтлар орқали бирлашган кластери<sup>1</sup> сифатида тавсифлаш”ни таклиф этади.

Бу даврга келиб, халқаро ташкилотларнинг кўпчилик тадқиқотчилари халқаро режсум (кўпроқ “тартиб” маъносида) ларни ўрганишга ўтдилар. Халқаро режим – бу халқаро акторларнинг ўзаро муносабатларида амалга ошиши кутилаётган интилишларни муайян тизимга келтирувчи қоидалар, мезонлар, тамойиллар, процедураларнинг йиғиндисидир (Стiven Краснер<sup>2</sup>).

<sup>1</sup> Кластер (*ингл. cluster* — жамланима, кўлнинг кафт ва паника кисми, арилар тўдаси) — бир турдаги бир исча унсурларнинг (элементларнинг) уюшмаси бўлиб, у муайян хусусиятларни ўзинда мужассам этган мустакил бирлик сифатида талкин этиштиришгача, хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнларни камраб оладиган кўп боскичли комплекс ёндашувни англатади. Ривоят: Конфуций ёшлигига бир балиқчининг олдига борибди. Балиқчи унга балигидан берибди. Шунда у балиқчига қараб, “менга ёрдам бермоқчи бўласангиз, балиқ берманг, балки уни овлашни ўргатинг. Шунда мен бу хунар билан оиласман бокамац, ундан ортса, кўшиналаримга, ундан ҳам ортса, халқка бераман” деган экан.

<sup>2</sup> Stephen David Krasner (born 15 February 1942, New York) is an international relations professor at Stanford University and is a former Director of Policy Planning at the United States Department of State, a position he held from 2005 until April 2007 while on leave from Stanford. He is a senior fellow at Stanford's Hoover Institution. Stephen Krasner is what political scientists define as a neorealist. He writes about the United States as being threatened by weakened nations in the increasingly interconnected international system in his article, *Addressing State Failure* (2005). Krasner believes in conflict prevention, in which he believes the United States and non-governmental organizations (NGOs) should make it clear that stabilizing weak states in the world is high on the policy agenda. Krasner lays out three steps to what he believes are the

Буни аникроқ тасаввур этиш учун мисоллар: эркин савдо режими (Умумжахон савдо ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатлар), ядро қуролларини тарқатмаслик режими (5 асосий ядровий давлатларниг ўзаро муносабатларида ўз ифодасини топади) ва ҳоказо.

Неолибералларнинг изланишларига жавобан 1970-йилларда *неореализм* назарий йўналиши шаклланган. Америкалик машҳур тадқиқотчи Кеннет Уолтцнинг<sup>1</sup> “Халқаро сиёсат назарияси” китобининг пайдо бўлиши ушбу йўналишни бошлаб берган воқеа саналади. Тадқиқотчи томонидан таклиф этилган назария *структуравий реализм* деб ҳам номланади. Муаллифнинг фикрича, айнан ХМнинг таркибий тузилмаси, яъни структураси уларнинг табиатини белгилаб беради. Тузилма, яъни структуранинг хусусиятлари унинг анархик табиати, яъни марказий ҳокимиятнинг йўқлиги билан аникланади ҳамда куч омилининг буюк давлатлар ўртасида тақсимланиши билан белгиланади. Айтиш жоизки, ХМнинг структураси давлатларниг хатти-харакатларини жиловлаб ва белгилаб турадиган бамисоли қолиппидир: масалан, ХМда *биполяр структура* устувор бўлганда, давлатлар мавжуд статус-квони саклашга ҳаракат қиласр эди, *совуқ урушининг* тугаши ХМнинг нисбатан бекарорроқ структурасини вужудга келтирди.

Неореалистлар ва неолибераллар орасида “учинчи катта баҳс” деб номланган тортишувлар ҳамон давом этмоқда. *Неореалистлар* ХМнинг нодавлат акторлари мавжудлигини тан оладилар, аммо уларнинг барчаси давлатлар (асосий акторлар!) ўрнатган тартибига риоя қилишга мажбур деган позицияда турадилар. Уларнинг фикрига кўра, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик йўлига кириши

---

main goals in managing weak post-conflict states successfully, for example the United States rebuilding of Iraq). Stabilization, the root causes being addressed, the creation of laws and institutions of a market democracy.

<sup>1</sup> Кеннет Нил Уолтц — америкалик политолог, неореализм мактаби вакили; сиёсий фанлар профессори, Калифорния университети ва Колумбия университети, в 1987-1988 йилларда Сиёсий фанларнинг Америка асоциацияси президенти бўлган, Американинг санъат ва фанлар академияси аъзоси. Уолтцнинг политологияга кўшган асосий хисса-си ҳалқаро муносабатлар назариясининг (International Relations /IR/) *неореализм* (ёки *структуравий реализм*) мактабини ривожлантирища ўз аксини топган. Унинг мөхити давлатларниг ҳалқаро муносабатлардаги хатти-харакатлари кўпинча уларга кўрсатилган ҳалқаро босим натижасида шаклланади деган гоядир. Кўпчилик неореалистлар каби, Уолтц глобализация давлатлар олдига янги муаммоларни кўяётганини эътироф этади, аммо давлатларни бошқа тузилма билан алмаштириш мумкин эмас деган позицияда туради. Уолтцга кўра глобализация — 1990-йиллар мўъжизаси бўлиб, давлат унга жавобан ўз функцияларини кенгайтира олмайди.

бошкалар улардан кўра кўпроқ манфаатга эга бўлиб қолишини олдини олиш хоҳиши билангина изоҳланади. Неолибераллар эса, ҳамкорликдан барча бир хилда фойда кўради дейдилар. Неолибералларнинг фикрига кўра, ҳалқаро режимнинг барпо этилиши ХМдаги анархияни бартараф этади. Неореалистлар эса, анархия, нима бўлганда ҳам, ХМга ўзининг чекловчи таъсирини ўтказиб турди деган ақидада событ турадилар. Неореалистлар, асосан, ҳавфсизликни таъминлаш муаммолари ва давлатларнинг ҳаётйлигини кафолатлаш билан боғлиқ масала-лар-ни ўрганадилар. Неолибераллар эса, кўпроқ иқтисодий фаровонлик масалаларига қизиқадилар.

Шу билан баробар, ушбу икки оқим ўртасида умумийликлар ҳам кам эмас. Уларнинг ҳар иккиси бирдек *статус-квонинг*, яъни муайян вақтга келиб шаклланиб бўлган сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ҳукукий ёки бошқа (ўзаро) ҳолатнинг барбод этилишия, ё бўлмаса, унга путур етказилиши (Ҳиндистон-Покистон: ядро куроли мисоли) муаммоларини ўрганадилар (ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари); улар позитивистик позицияларда турадилар, яъни реал воқелик ҳақида объектив равишда текшириш мумкин бўлган билимларга эга бўлиш мумкин деб ҳисоблайдилар ва ҳоказо. Хуллас, неолиберализм ва неореализм ҳозирга қадар ХМнинг энг кенг тарқалган назариялари бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда ҳалқаро илмий ҳамжамиятнинг фикри деярли бир.

ХМнинг турли назарий йўналишлари ва мактабларининг жадал ривожланишига қарамасдан, уларнинг биронтаси *совуқ урушининг тинчлик* билан тугашини башорат эта олмади. Бундан-да муҳими, 1980-йилларнинг ибтидоисида АҚШ ва СССР ўртасидаги муносабатларнинг қайтадан совуши кузатилади: куролланиш билан боғлиқ харажатлар кўпайди, икки кутб ўртасидаги қарамақаршилик кучайди. Аммо СССР раҳбарлигига М.С.Горбачев келгач, сверхдержавалар ўртасидаги муносабатларда туб бурилиш содир бўлди. 1986 йили Горбачев илк марта Совет Иттифоқи ва АҚШ ўртасидаги муносабатларга бир-бирини кўркитиш ва бир хилдаги хатарлар олдида туриш кўзгуси орқали эмас, балки ўзаро ҳавфсизликни таъминлаш мантиқидан келиб чиқиб карашга ўтишни таклиф қилди. Кейинчалик ушбу тезисга асосланган Горбачевнинг “яңгича сиёсий тафаккур” (новое политическое мышление, new political thinking) концепцияси шакллантирилди. Унда умумисоний қадриятлар устуворлиги ва инсоният барҳаёт-лигини таъминлаш,

шунингдек, ХМни деидеологизациялаш, яъни мафкуравий занжирлардан озод этиши гоялари олга сурилди. Мазкур гояларнинг ҳаётга татбиқ этиш орқали М.Горбачев СССР ва АҚШ ўргасидаги мавжуд *статус-квони* ҳамда икки супердержаванинг ХМдаги пешқадам-лидерлик позицияларини саклаб қолган ҳолда, улар срасидаги қарамақаршиликка айлантиришни кўзлаган эди. Бироқ ички муаммолар ва куролланиш пойгаси натижасида СССРнинг заифлашуви туфайли Горбачев томонидан Фарбга ён беришлар бир томонлама бўлиб қолган ва, охир-оқибат, СССРнинг парчаланишини тезлаш-тирган деган тушунча мавжуд.

1990 йили Европа учун янги Париж хартиясида совуқ уруш тугагани расман зълон қилинади. 1991 йили ХМ бўйича назариётчилар ва умуман ҳалқаро ҳамжамият учун кутилмаган тарзда Совет Иттифоқи барҳам топди. Шу билан ХМдаги биполяр қарамақаршилик босқичи якунланиб, уларнинг янги даври шакллана бошланди. Лекин бу даврнинг барча томонидан эътироф этилган умумий номи ҳанузгача йўқ деса, хато бўлмайди.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ҳалқаро муносабатларнинг “Европа концерти” тизимининг интиҳоси.
2. Миллатлар Лигасининг мақсадлари.
3. Вудро Вильсоннинг 14 моддаси.
4. Федерализм – иккита жаҳон уруши оралиғидаги тадқиқотларнинг назарий негизи.
5. Д.Митрани ва унинг функционализм концепцияси.
6. “Буюк депрессия” ва ҳалқаро муносабатлар моҳиятининг ўзгариши.
7. Ж.Р.Кейнс ва макроэкономика илмий йўналишининг шаклланиши.
8. Г.Моргентау ва реализм концепциясининг ривожланиши.
9. “Европа концерти”нинг ХМнинг тизими сифатидаги асосий жиҳатлари нималарда намоён бўлди?
- 10.“Европа концерти” давридаги жараёнлар назарий тадқиқотларда қандай тавсифланган?
11. Нима учун Биринчи жаҳон урушидан сўнг айнан либерализм назарий йўналиши вужудга келди? Нима учун реалистлар томонидан бу йўналиш “идеализм” деб номланди?

### **Адабиётлар:**

- Хрусталев М.А. Анализ международных ситуаций и политическая экспертиза: очерки теории и методологии. М.: НОФМО, 2008.
- Боришполец К.П. Методы политических исследований: Учебное пособие для студентов ВУЗов. – М.: Аспект Пресс, 2005.
- Мангейм Дж.Б., Рич Р.К. Политология: методы исследования/ Пер. с англ. Т.Л. Ветошкиной и др. М.: Аспект Пресс, 2005.
- Мунтян М.А. Основы теории международных отношений. М., 2007, 270 с.
- Фукуяма Ф. Наше постчеловеческое будущее. – М.: ACT, 2008. – 352 с.
- Хантингтон С. Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности. – М.: ACT, 2004. – 636 с.

**Бешинчи мавзу. Глобаллашув шароитида  
(XX аср охирі- XXI аср бошлари) жақон тараққиётида үзини  
намоён этаёттан янги тамойиллар**

### **Режа:**

1. XX аср охирі-XXI аср бошларидаги жақон тараққиётига оид назариялар ва амалиёт.
2. Жақон сиёсий ҳәтидаги демократлашув жараёнлари.
3. XXI асрда ХМ намоён бўлаётган янги тамойиллар.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** глобаллашув, демократлашув тўлқинлари, совуқ уруши, биполяр тизим, кучлар нисбати, манфаат, постмодерн.

Ўтган дарсларимизда ХМнинг куйидаги тўртта тизими мавжудлигини билиб олдик. Булар:

- Кучлар нисбатига асосланган Вестфалия тизими;
- “Европа жўровозлиги” гоясига таянган Вена тизими;
- Биринчи жақон уруши натижалари асосида шаклланган Версал-Вашингтон тизими;
- Биполяр дунёнинг асосига айланган ва Иккинчи жақон уруши натижасида шаклланган Ялта-Потсдам тизими.

Биз уларни анчагина батафсил кўриб кўриб чиқдик. Энди халқаро муносабатларнинг кейинги даврлардаги эволюцияси ҳакида фикр юритамиз.

1991 йили собиқ Совет Иттилоғининг парчаланиши кўпчилик тадқиқотчилар томонидан ХМ нинг биполяр тизимини якунланиши сифатида талқин этилади. Аммо ХМнинг бугунги босқичини қандай номлаш бўйича ягона фикр йўқ. ХМнинг бугунги босқичини кимлардир Беловеж босқичи, бошқалар “постмодерн босқич”, “постбиполяр босқич” ва «Post-cold-war ега» босқичлари деб атайдилар. ХМнинг кейинги ривожи ва уларнинг табиати ҳакида бир-бирига мутлақо қарама-қарши фикрлар олға сурилмоқда. Булар – глобаллашув, интеграциялашув, бир қутбли дунёning ёки кўп қутбли дунёning шаклланиши ҳақидаги foялардир. Лекин ХМнинг табиати билан боғлик бир масалада тадқиқотчилар ҳамфикр бўлиб, у ХМда трансформацион жараёнларнинг кузатилаётгани, уларда инқирозлар содир бўлаётгани бўлиб, одатда, бундай ҳолатлар ХМнинг янги тизими шаклланаётгани ва умуман дунёда янги тартиботнинг пайдо бўлаётганидан хабар беради.

Юкоридагилардан бир қатор принципиал саволлар туғилади: Бугунги ХМ дегани нимани англатади? Ҳар хил нодавлат, давлатлар устида турувчи ташкилотлар ва трансмиллий корпорацияларнинг ХМдаги таъсирининг кучайиши давлатнинг улардаги ролини пасайтирадими? Глобализация – ўтиш (трансформация) даврининг муваққат феноменими ёки у дунёning истиқболдаги кўриниши моҳиятининг ифодасими?

Ушбу дискурс доирасида турли фикрлар билдирилмоқда. Уларни кўриб чиқишни “глобаллашув” деган тушунчадан бошлаймиз.

Қисқа ва лўнда қилиб айтганда, глобаллашув – бу дунё тараккиётининг янги парадигмаси, яъни модели ёки “қолипи”дир дейиш мумкин. Унинг моҳиятини бутун Курраи Заминнинг ягона тизимга интеграциялашуви (уйғулашуви, яна соддароқ: бирлашуви) ҳамда давлатлараро чегараларнинг смирилиши ташкил этади дейилмоқда. Хўш, бу фикрга қўшиламизми ёки йўқми? Бу саволга жавоб бериш учун глобаллашув ҳакида чукурроқ мuloҳаза юритиш тақозо этилади.

Глобаллашув жараёнлари буюк жустрофий кашфиётлар даврида бошланган деган нуқтаи назар бор. Буюк жустрофий кашфиётлар даври XV-XVI асрларни қамраб олади. Бу даврда европаликлар Африка, Америка, Осиё ва Океаниядаги янги ерлар ва йўлларни

очиб, улар орқали Европада талаб катта бўлган молларни ташиганлар.

Глобаллашув таърифларидан бири иқтисодий жуғрофия бўйича мутахассис Эдгар Кант<sup>1</sup> томонидан берилган. Унга кўра, глобаллашув – бу барча сиёсий ва иқтисодий жараёнларни бошқарадиган умумдунё хукуматини яратиш орқали ўзгармас дунёни яратишидир. Соддароқ килиб айтганда, глобаллашув – бу иқтисодий муносабатларнинг байналмилаллашуви ҳамда дунёning етакчи давлатларидағи сиёсий жараёнлар моҳиятининг ўзгаришидир. Мазкур маънода бу жараённи бугунги жамият ва дунёни замонавийлаштиришнинг (модернизациялашнинг) навбатдаги босқичидир дейиш мумкин.

Иқтисодий жараёнларнинг глобаллашуви – бу дунёning бир давлат худуди билан чекланган кичик зоналар, яъни минтақалардан – ягона унитар (*лотинча unitas – бирлик*) тизимга айланишини англатади. Унинг худудида товарлар, хизматлар, информация, капитал, ишчи кучи, номоддий ресурслар ва ҳоказолар эркин ҳаракатланади. Глобаллашувнинг якуний натижаси, олимлар ва назариётчилар назарида, хукуқий, сиёсий, иқтисодий, маданий, информацион худудларнинг ягона ҳалқаро тизимга ўйғунлашувида ўз ифодасини топади. Айнан шу жараён 21-асрдаги янги умумдунё тартиботини шакллантиришнинг асоси бўлмоғи лозим деган илмий нуқтаи назар мавжуд.

Демак, глобаллашув – умумжаҳон иқтисодий, сиёсий, маданий ва, ҳатто, диний интеграциялашув ва бир хиллашув (унификациялашув) жараёнидир. Шунинг учун ҳам у ўта мураккаб ва зиддиятли феномен ва унинг пайдо бўлиши ҳамда эволюцияси ҳақидаги фикрлар турличадир.

Баъзи тарихчилар уни капитализм тараққиётидаги босқичлардан бири сифатида талқин этадилар. Иқтисодчилар г.нинг бошланишини молиявий бозорларнинг трансмиллий табиат касб этиши билан боғлайдилар. Сиёсатшуносларга кўра, глобаллашув “матрица”сини демократик тузилмаларнинг кўпайиши ва демократлашув жараёнининг кенгайиши ташкил этади. Маданиятшунослар

<sup>1</sup> Эдгар Кант (в. 1978 й., эстониялик, Тарту университети ректори бўлган) иқтисодий жуғрофия, яъни худудий иқтисодиётни ўрганувчи иқтимоий-жуғрофий фаннинг машҳур вакилларидан бири. Иқтисодий география жаҳон хўжалигининг умумий географияси, минтақавий иқтисодий география ва соҳавий (саноат, к/х, транспорт, хизматлар ва ҳиз.) география йўналишларига бўлинади.

г.ининг бошланишини маданий жараёнларда вестернизация майлларининг, шу жумладан, Америка иқтисодий экспансиясининг фаоллашуви билан боғлайдилар. Шунингдек, г.ининг сабабалари билан боғлиқ бошқа омиллар ҳам бўрттириб кўрсатилади. Уларнинг энг муҳимлари қаторига информацион-технологик ёндашувларга асосланган талқинларни кўшиш мумкин. Яна сиёсий ва иқтисодий глобаллашув бир-биридан ажратиб талкин этилади ва хоказо.

“Глобализация” атамаси биринчи марта К.Маркс томонидан, унинг 1850 йилда Ф.Энгельсга йўлланган мактубларидан бирида “интенсив ҳалқаро савдо” маъносида ишлатилган экан. Иктибос: “Эндиликда жаҳон бозори ҳақиқатда ҳам бор нарса. Калифорния ва Япониянинг дунё бозорига чиқиши билан глобаллашув бошланди”. Кўриниб турганидек, Маркс глобаллашувнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ҳалқаро савдони назарда тутган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Маркс назарда тутган ва ҳалқаро савдонинг глобаллашув жараёнларидағи етакчи ролига асосланган глобаллашув 1930-йилларда ўз якунига етди. Чунки шу пайтдан бошлаб, давлатлар ўзаро савдо муносабатларида қатъий протекционизм сиёсатига ўтдилар ва бунинг оқибатида ҳалқаро савдонинг ҳажми кескин камайди.

Бир гурух олимлар томонидан 21-аср ХМ марказида турадиган масала – бу маданий-цивилизацион мухит ҳамда маънавий соҳа деган фикр олға суримоқда ва у кўпчилик томонидан қўллаб-куватланмоқда. Бундай нуқтаи назарга кўра, замонавий муаммоларнинг ечимини топишда давлатларнинг заифлигини тобора кўпроқ намоён бўлиб бормоқда.

ХМнинг навбатдаги босқичи бўйича нуқтаи назарлар спектрининг кенглигидан қатъи назар, замонавий ХМ ривожланишининг навбатдаги босқичи билан боғлиқ тахминлар қўп вариантилер. Глобаллашув бундай варианtlарнинг (тенденцияларнинг) бири бўлиб, у ХМ негизида ётадиган давлатларнинг миллий манфаатлари мазмун-моҳиятини ўзгартириб, давлатларнинг бирлашуви орқали ривожланиш ҳамда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш имкониятларини оширмоқда.

Бундан глобаллашув янгича жаҳон сиёсатини шакллантиро  
моқдами деган мантикий савол туғилади. Бу саволга икки хил, бири иккинчисини инкор этувчи жавоб берилмоқда. Биринчи ёндашувга мувофиқ, давлат, унинг суверенитети ва миллий манфаатлари ХМ ривожланишининг устувор белгилари бўлиб қолаверади. Иккинчи

фикр тарафдорлари эса, давлатлар даври тугаётгани сиёсий тарих авансценасига (авансцена – саҳна тўртбурчагининг олд қисми) турли бирлашмалар ва трансмиллий корпорациялар чиқаётганига ургу берадилар. Бундай акторлар баъзиларининг бюджети айрим давлатларнинг йиллик бюджетидан каттароқ рақамларда ифодаланади (мисоллар: Майкрософтнинг йиллик товар айланмаси 100 млрд АҚШ долларидан кўп, унинг соф фойдаси МОдаги кўпчилик давлатларининг йиллик бюджетидан кўпроқ маблағни ташкил этади).

Дарҳакиқат, давлатнинг олдинги белгилари кучи тобора хирадашиб бормоқда: эндиликда ҳеч қандай миллий маңбаат бир томонлама ёндашув орқали амалга оширилмас хомхаёлга айланди. Иктисолий, ижтимоий, маданий, маънавий ва информацион муҳитларни тобора ўзгартириб бораётган глобаллашув, бир тарафдан, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кучайтириб бораётган бўлса, иккинчи томондан, ўзининг “кўп қатламли” табиати туфайли халқаро ҳамжамиятнинг нотекис ривожланишига сабаб бўлмоқда.

Глобаллашув ҳақидаги гапларимизни якунлашдан олдин унинг яна бир қиррасига қисқача тўхталамиз. У “глобаллашувнинг устунлари” деган тушунча билан боғлик. Бу нима дегани:

Улардан бири илмий-техник прогресс ва халқаро меҳнат тақсимотида содир бўлаётган ўзгаришлардир. Транспорт ҳамда алоқа воситаларининг ривожланиши туфайли турли жараёнларга масофадан туриб киришиш ёки уларда иштирок этиш имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда (энг оддий мисол: масофадан туриб ишлаш!). Бу халқаро инвестицияларни енгиллаштириб, тегишли қарорларни тез кабул қилишни таъминламоқда. Одамларнинг чет элларда ўқиши ва ишлаши имкониятлари кенгаймоқда. Меҳнат миграцияси меҳнат бозоридаги рақобатни кучайтироқда ва бунинг натижасида жаҳон иктисолиётининг ривожланиши тезлашмоқда.

Иккинчиси либераллашув<sup>1</sup> жараёнлари билан боғлик. Молиявий глобаллашув келтириб чиқараётган оқибатлардан бири – бу дунё кўламида кузатилаётган либераллашув жараёнларидир. Бу жараёнлар турли худудларда жойлашган контрагентлар ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликни енгиллаштироқда. Бундай имконият-

<sup>1</sup> Либераллашув кенгайтирилган маънода – каттиқ чекловлар, давлат томонидан тартибга солини ва назорат қилинишдан озод бўлишни англатади.

лардан фойдаланиш, жумладан, эркин савдо, эркин иқтисодий зоналарини (минтақаларни) ташкил этиш орқали товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка килиш харажатларини камайтирумокда. Операцион харажатларнинг камайтирилиши натижасида аҳолининг нисбатан кенг катламлари кўп товарларни сотиб олиш имкониятига эга бўлмоқда (мисоллар: ҳар хил гаджетлар – телефонлар, комп’ютерлар ва ҳоказо). Талабнинг ортиши, ўз навбатида, жаҳон иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилмоқда. Чекловларнинг қисқартирилиши хорижий инвестицияларнинг кўпайишини таъминламоқда, бу эса, бой мамлакатлар вакиллари бўлган инвесторларга қўшимча фойда келтирумокда, ривожланаётган мамлакатларда эса, янги иш ўринларнинг яратилиши ва уларнинг ривожланишини тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Яна бир устун – трансмиллий корпорациялар. Бозор феноменининг трансмиллийлашуви ва глобаллашуви – фаолият доираси бир мамлакат ҳудуди билан чекланмайдиган компаниялар ва корпорацияларнинг шаклланишига олиб келди. Трансмиллий корпорациялар жуда катта миқдордаги моддий активларни ўзида аккумуляция қилиш (жамлаш, мужассам этиш) ҳисобига бугунги дунёдаги ишлаб чиқариш, истеъмол, экспорт ва импорт даражасини белгилашга катта таъсири ўтказмоқда. Шунинг учун ҳам тегишли хукуматлар уларнинг тасарруфидаги ҳудудларда фаолият кўрсатаётган трансмиллий корпорацияларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қиласди. Зоро, уларнинг хатти-харакатлари ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Муайян ҳолатларда тегишли йирик трансмиллий корпорациялар таъсири улар фаолият кўрсатаётган мамлакатлардаги сиёсий тузумларни ўзгариши ва бошқарув элитасини алмашишига сабаб бўлиши мумкин.

Замонавий трансмиллий корпорацияларнинг ўзи эса, 1960-1970-йилларда пайдо бўлган ҳисобланади. Ўтган даврда уларнинг моҳияти тубдан ўзгарди: улар оддий ишлаб чиқарувчи мегатузилмалардан дунёдаги яхлит иноформацион-молиявий мухитни шакллантирувчи кудратли бирликларга айланмоқда.

Глобаллашув устунларидан яна бири миллий тузилмалардан тепада турадиган (наднациональные) унсурларнинг мавжудлигидир. Уларни иккита йирик гурухга бўлиш мумкин.

Биринчисини хусусий мулкчиликка асосланган тузилмалар, масалан, “Эппл”, Майкрософт, IBM, “Амазон”га ўхшаган тузилмалар ташкил этади. Иккинчисини Халқаро валюта фонди, ОПЕК, Қайта таъмирлаш ва ривожланиш халқаро банки ва бошқалар ташкил этиб, булар хукуматлараро келишувлар асосида пайдо бўлган тузилмалардир. Хукуматларнинг иштирокига қарамай, улар миллий институтлардан юқори туродиган тузилмалардир. Бугунги дунёда уларнинг таъсир кучи мунтазам ошиб бормоқда.

Яна бир масала. Кўпинча глобаллашув Америка Кўшма Штатлари фаолияти билан уйғунлаштирилади. Бу АҚШнинг XX аср иккинчи ярмидаги ХМдаги ролининг ошиши натижасидир. Голливуд дунёдаги фильмларнинг мутлақ кўп қисмини ишлаб чиқаради. Майкрософт, Интел, Кока-Кола, Эппл, Проктер анд Гембл, Пепси ва бошқа трансмиллий корпорацияларнинг “онахони” – АҚШ ва хоказо. Уларнинг таъсир доираси нечоғлик кенг эканини ўзингиз яхши тушунасиз.

Айтиш жоизки, илдизлари АҚШга бориб тақаладиган бундай корпорацияларнинг таъсири фақатгина уларнинг иқтисодий қудрати билан белгиланмайди. Уларнинг ҳар бири аллақачонларо брендга айланган. Шунинг учун ҳам уларга тақлид қилиш буғунги дунёда кент тарқалган ҳодиса. Ҳиндистонда — Макалу Тиккибургер, картошками, нўхотли ва зираворли вегетариан бургер, Истроидаги МакШаверма, Саудия Арабистонидаги МакАрабия ва бошқалар худди Соса-Coladek йўл тутмоқда.

Лекин глобаллашув фақат АҚШнинг “айби” эмас. Бошқа мамлакатлар ҳам бунга ўз ҳиссасини кўшмоқда. Масалан, Швеция – IKEA (мебель), Эстония программачиларининг Skype IP-телефония тизими ва ҳоказоларнинг “ишибозлари” кам эмас. АҚШ умумий тараққиётда ҳаммадан олдинда экани, шунингдек, унинг иқтисодий қудрати бениҳоя катта бўлгани учун ҳам шундай тасаввур ҳосил бўлмоқда.

Якуний хулоса сифатида айтиш мумкинки, глобаллашув ривожланиб бораётган феномендир. Унинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари бор. Уларни ҳаммаси ҳали ўрганилмаган.... Аммо бир нарса ҳақиқат: глобаллашув туфайли мисли кўрилмаган даражада тезлашган интеграциялашув жараёнлари ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилмоқда.

“Совуқ уруш”нинг якунланиши халқаро илмий ҳамжамиятда ХМнинг янги босқичи мафкуравий қарама-қаршиликлардан мутлақо холи тарзда ривожланишига илинж туғдирди. Шунинг учун хам биполяр тизимнинг якунланиши арафасида ҳамда ундан кейинги дастлабки босқичда ХМнинг мутлақо янгича хусусиятларини аниқлаштиришга қаратилган назарий ёндашувлар майдонга чиқди. Уларнинг айримлари халқаро миқёсда шов-шувлар келтириб чиқарган. Бундай назарияларнинг бир-иккитасига қисқача тұхталиб ўтамиз:

1989 йили қызғин мунозараларга сабаб бўлган америкалик тадқиқотчи Фрэнсис Фукуяманинг “Тарихнинг тугаши?” номли мақоласи чоп этилди. Унинг моҳияти шундан иборатки, эндилиқда, яъни келажакда гарбона либерал демократияга ҳеч қандай альтернатива (ракобатчи) чиқиши мумкин эмас. Айнан шу “тарихнинг тугаши”га сабаб бўлади. “Тарихнинг тугаши” деганда, Фукуяма мафкуралар қарама-қаршилигининг барҳам топишини назарда тутади. Катта шов-шувларга сабаб бўлган ушбу концепция ва унинг муаллифига кенгроқ тўхталамиз.

Ёсихиро Фрэнсис Фукуяма — миллати япон америкалик файласуф, сиёсий иқтисодчи ва ёзувчи. Стэнфорд университети Демократия, ривожланиш ва ҳуқуқ устуворлиги марказининг катта илмий ҳодими пайтида «Тарихнинг тугаши ва охирги одам» (ингл. *The End of History and the Last Man*) номли биринчи китобини ёзган. Китоб 1992 йили нашрдан чиқкан (Free Press). Ундан олдинроқ эса *The National Interest* журналида Фукуяманинг «Тарихнинг тугаши?» (1989) номли эссеси нашр этилиб, у халқаро миқёсда катта шов-шувларни келтириб чиқарган эди. «Тарихнинг тугаши ва охирги одам» китобида Фукуяма эсследаги ғояқни ривожлантириб, гарбона либерал демократиянинг дунё бўйлаб ёйилиши инсоният ижтимоий-маданий эволюциясининг якуний нуқтасига келингани ҳамда хукуматнинг (бошқарувнинг) якуний, яъни идеал шакли топилганини англатади деган фикри олға суради. Бироқ Фукуяманинг тасавурида “тарихнинг тугаши” тарихий ҳодисалар жараёнининг тўхташини эмас, балки мафкуравий қарама-қаршиликлар ва глобал инқиlobлар даврининг барҳам топишини, шу билан бир қаторда, санъат ва фалсафанинг охирлаганини англатади.

Умуман олганда эса, тарихнинг тугаши ҳақидаги ғоя тарихнинг даврийлиги ҳақидаги антик тушунчаларни инкор этиш маъносида

пайдо бўлган. Насронийликда “тариҳнинг тугаши” деганда Даҳшатли сўрқ бўладиган кун – охирзамон тушунилди. XVIII аср утолик назарияларида идеал жамият дунёдаги барча интеллектуал ва ижтимоий тенгизлика барҳам берилиши ҳамда инсоннинг барча хошишларининг қондирилиши назарда тутилган. Марксизмда “предысториянинг тугаши” деганда, синфларсиз ва давлатсиз коммунистик жамият назарда тутилган. Марксга кўра, “буржуа ижтимоий формацияси билан инсониятнинг предысторияси тугайди”. Тариҳнинг бошланиши ва охири бор жараён сифатида тасаввур қилиш ғоясини Маркс Гегелдан олган бўлиб, у тарих 1806 йили охирига етади деган фикрда бўлган.

Фукуяманинг оппоненти сифатида Самуэль Хантингтон<sup>1</sup> майдонга чиқди. У 1993 йили *цивилизациялар тўқнашуви* тезисини, яъни ғоясини олга сурди. Унда жаҳон ривожланишининг янги босиқичи постбиполяр карама-каршилик даври сифатида тавсифланади. Маъноси: Карл Маркс асосий сиёсий субъектлар деб ҳалқаро *синфларни* ҳисоблаган бўлса, XX асрда яратилган ҲМнинг назариялари давлатни илмий тадқиқотларнинг асосий бирлиги санаган. Хантингтонга кўра, совук урушдан кейин асосий зиддиятлар турли цивилизациялар орасида содир бўлади. Бунда Хантингтон Farb, хитой, япон, ислом, индуистик, православ, лотин америка ва шартли равишда африка тамаддунлари ёки цивилизацияларини назарда тутган.

“Цивилизациялар тўқнашуви ва дунё тизимининг қайта шаклланиши” (*The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order*) совук урушдан кейинги дунёга бағишлиланган тарихий-фалсафий китобдир. Унда кейинги урушлар мамлакатлар ўртасида эмас, балки цивилизациялар орасида бўлади деган тезис ҳимоя қилинади. Ушбу назарияга жамоатчилик эътиборини жалб этган жиҳатлардан бири – бу ислом экстремизми бутун дунё учун энг хатарли таҳдидга айланиши ҳақидаги тезис бўлган эди. Айтиш жоизки, ушбу тушунча Хантингтондан олдин ҳам ишлатилган. 1946 йили Альберт Камю томонидан ва 1990 йили Бернард Льюис томонидан “Корни мусульманской ярости” мақоласида ишлатилган. Ундан-да бурун 1926 йили ушбу избора Базил Мэтьюснинг

<sup>1</sup> Сэмюэл Филипп Хантингтон (в. 2008 и.) — американский социолог и политолог, цивилизацийный этномадианский концепция муаллифи. Бы концепция «Форин аффайерс» журналида 1993 йили ўзлон қилинган, 1996 йили эса китоб шаклида — “Цивилизациялар тўқнашуви ва дунё тизимининг қайта шаклланиши” *The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order* номи остида чоп этилган.

“Навқирон ислом ҳаракатда: цивилизациялар түкнашуви ҳақида тадқиқот” номли китобида (196 б.) учрайди. Хантингтон учун цивилизацияларнинг түкнашуви тарихнинг давом этишини ёки ривожланишини англатади. Унинг фикрича, олдинги даврда, масалан, Farb цивилизацияси доирасида, жаҳон тарихи асосан монархлар, миллатлар ва мағкуралар ўртасидаги кураш билан боғлик бўлган. Бирор “совук уруш” тұлғагач жаҳон сиёсати ривожланишининг янги босқичига ўтди. Унда Farbona бўлмаган цивилизациялар Farb цивилизациялари томонидан эксплуатация қилинадиган реципиентлар мақомидан халос бўлиб, Farb цивилизацияси билан бир қаторда, жаҳон сиёсатини шакллантирувчи ва ҳаракатга келитирувчи қўшимча муҳим субъектсларига айландилар

Америкалик тадқиқотчининг ушбу назарияси постклассик реализм деган ном билан машхур бўлиб кетди. Цивилизациялар түкнашуви назариясининг танқидчилари уни муайян тамаддунлар ичida мавжуд зиддиятлар потенциалини (масалан, исломда – суннийлик ва шиалик ўртасидаги ихтилофлар) назарда тутмасликда айблашади. Бироқ унинг мунозарали масала эканига қарамасдан, 1990 –йилларда у сиёсий доираларда анчагина оммалашган эди. Кейинчалик бироз заифлашди. 11 сентябрь (2001) воқеаларидан кейин ислом фундаментализми ва диний ғояялар билан никобланган терроризмнинг фаоллашгани Хантингтон назариясини яна кун тартибига қайтарди. Энг ёмони 11 сентябрь воқеаларидан таъсиранган жамоатчилик Хантингтон назариясини эндиликда, асосан, ислом цивилизацияси ва Farb дунёси ўртасидаги қарама-қаршилик контекстида талқин кила бошлади. Аммо охирги тўрт-беш йилдан бери бу масала ўзининг долзарблигини бироз йўқота бошлади.

Бугунги кунда дунёдаги демократияларнинг сони ва сифатини хисоб-китоб қилишга бағицланган кўп сонли татбиқий (прагматик) тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бундай фаолият билан шугулланадиган энг машхур тадқиқот марказларидан бири Фридом хаус (“Озодлик уйи”) деб номланади. Унга 1941 йили нацизм мафкурасига қарши кураш мақсадида асос солинган. Бугунги кунда у дунёдаги мавжуд тузумларнинг очиқлиги ва демократик даражасини баҳолайдиган йиллик индекслари орқали барчага яхши маълум.

1973 йилдан, яъни “демократлашувнинг учинчи тўлқини”дан бошлаб, Фридом хаус “Дунёдаги эркинлик” номли тадқиқотни

амалга ошириб келмоқда. Унда турли давлатларнинг очиқлиги ва демократик талабларга мувофиқлиги муайян параметрлар (уларнинг умумий сони 15) бўйича индексация қилинади, яъни баҳоланади. Мазкур параметрларнинг умумлаштирумаси бўйича дунёдаги барча давлатлар учта гурухга бўлинади: “эркин”, “қисман эркин” ва “эркин эмас”. Мисол учун, РФ ФХ индексация бўйича 2004 йилдан бошлаб “эркин эмас”. 2013 йилдан бошлаб унинг рейтинги Руанда, Қатар ва Мавритания билан тенг, масалан, Покистон “қисман эркин” ва ҳоз. Ўзбекистоннинг рейтинги охири 20 йил давомида биринчи марта яхши томонга ўзгарди. Унинг рейтинги ФХ томонидан “эркин эмас мамлакатлардаги оқ кўланка” деб баҳоланмокда.

ФХ нинг 1973 йилдаги индексига кўра, ўша даврда мавжуд бўлган дунёдаги 151 мамлакатнинг рейтинги: 44 (29 фоиз) – “эркин”, 42 (28 фоиз) – “қисман эркин” ва 65 (43 фоизи) “эркин эмас” деб баҳоланганди.

1992 йилда тарихда биринчи марта электорал демократиялар сони дунё давлатларнинг ярмидан кўпини ташкил этди 53 фоиз ёки 192 давлатдан 99 электорал демократик давлат хисобланган. Аммо кейинчалик бу тенденция ўзгариб, 2010 йилда демократияларнинг сони камайган. Кейин яна ижобий томонга ўзарган ва 2013 йилга келиб, дунёдаги 195 давлатдан 122 демократик мамлакатлар каторига киритилган.

Нима учун дунёдаги демократияларнинг сонини билиш муҳим? Чунки демократик ривожланиши назариясига мувофиқ демократиялар ҳеч қачон бир-бирлари билан уруш қилмайдилар. Бошқача айтганда, демократиялар қанча кўпайса ХМдаги барқарорлик шунча ошади деган тушунча устувор.

Демократик дунё назарияси ХМнинг эмпирик йўл билан исботланган ягона йўналиши хисобланади. Бу “Уруш коррелятлари”<sup>1</sup> ёки “Ҳарбий лойиҳа коррелятлари” номли лойиҳанинг самарасидир. Бу лойиҳа 1964 йили сиёsatшунос Ж. Дэвид Сингер томонидан Мичиган университетида бошланган.

<sup>1</sup> Коррелят – бу шундай солиштирма тушунчаки, унинг мазмуни бошка бирон-бир тушунча билан солиштириш орқали аниқлаштирилади. Масалан, масоҳат тушунчаси олинидиган бўлса, унда уст ва остики қисмлар коррелятлар хисобланади. Шунингдек, коррелят бу бир-бири билан боғлиқ жуғуфлик ёки ўзаро боғлиқ занжирининг аъзоси, яъни бир унсуридир. Масалан: агар Иванов ишдан бўшатилса, унда вакансия пайдо бўлади (ўзаро боғлиқликка асосланган солиштирма). Шунга кўра, корреляция (ўрта асрлар лотинчаси. correlatio — ўзаро нисбат, ўзаро солиштириш, ўзаро боғлиқлик). Ўзаро боғлиқлик, икки ёки ундан кўпроқ гап аъзоларини ўзаро солиштиришни англатади.

Мазкур лойиха урушлар ва уларнинг сабаблари бўйича дунёдаги энг асосий маълумотлар базаси ҳисобланниб, унинг муаллифи шу орқали халқаро муносабатлар ривожига қимматли ҳисса қўшган деб ҳисобланади. Шунга мувофик, проф. Сингер ташаббуси билан амалга оширилган лойиха – бу урушлар тарихини илмий ўрганишга бағишлиланган лойихадир. Давлатлар ўртасидаги урушлар ва зиддиятлар ҳақидаги маълумотларни жамълашга таллуқли бўлган мазкур лойиха урушларни келтириб чиқарган сабаблар ҳақидаги тадқиқотлар сонини кескин ошириди.

### **Назорат саволлари:**

1. Совет Иттифоқининг парчаланиши халқаро муносабатлар биполяр тизимининг интиҳосими?
2. Глобаллашувнинг моҳиятини нималар ташкил этади? Ушбу тушунчанинг пайдо бўлиши ва эволюцияси.
3. Трансмиллий тузилмаларнинг халқаро муносабатлар тизимидағи ўрнининг мустаҳкамланиши ва давлатнинг халқаро муносабатлар асосий актори сифатидаги роли масаласи.
4. Либераллашув жараёнлар моҳиятини нима ташкил этади?
5. Миллий давлатлардан юқори тузувчи тузилмалар ва халқаро муносабатлар.
6. “Совуқ уруш”нинг интиҳоси ва халқаро муносабатлар тизими эволюцияси.
7. Дунё ривожланишининг янгича концепциялари: Ф.Фукуяма ва С.Хантингтон қарашлари мисолида.
8. Фридом хаус ташкилоти фаолияти.

### **Адабиётлар:**

- Мангейм Дж.Б., Рич Р.К. Политология: методы исследования/ Пер. с англ. Т.Л.Ветошкиной и др. – М.: Аспект Пресс, 2005.
- Фукуяма Ф. Наше постчеловеческое будущее. – М.: ACT, 2008. – 352 с.
- Хантингтон С. Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности. – М.: ACT, 2004. – 636 с.

## **Олтинчи мавзу: Халқаро муносабатларнинг XX аср иккинчи ярмидаги эволюцияси хусусиятлари**

### **Режа:**

1. Иккинчи жаҳон урушининг асосий натижалари ва янгича халқаро муносабатлар тизими хусусиятлари.
2. Бреттон-Вудд тизими – халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг янги модели сифатида.
3. "Совуқ уруш" шароитида пайдо бўлган концепциялар моҳияти.
4. Халқаро муносабатларда ўзаро боғлиқликнинг кучайиши жараёнлари.

*Таянч сўзлар ва иборалар: супердавлат, НАТО, Варшава шартномаси, ҳарбий-сиёсий блок, биполяр конфронтация, қуролланиш пойгаси, қўшилмаслик ҳаракати, учинчи дунё, Бреттон-Вудд тизими, олтин стандарти, ўзаро боғлиқлик.*

Халқаро муносабатлар учун Иккинчи жаҳон урушининг асосий натижаси Европанинг дунёнинг сиёсий маркази сифатидаги мақоми барҳам топиши ҳамда иккита супердавлатнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топди. Урушнинг интиҳосига келиб, СССР ва АҚШнинг бошқа давлатлардан кескин ўзиб кетиши, яъни ҳарбий, иқтисодий ва мағкуравий масалаларда олдинги позицияларга чиқиб олгани аён бўла бошлади. Бу уларни сверхдержава (бу термин 1944 йил истеъмолга киритилган) мақомидан супердержава мақомигача юксалишига сабаба бўлди. Бу биполяр (икки қутбли) дунё тизимининг шаклланиши учун лозим асосни вужудга келтирди. Бундай тизим НАТО (1949 й.) ва Варшава шартномаси (1955 й.) номлари билан тарихга кирган иккита ҳарбий-сиёсий блокнинг шаклланишидан кейин узил-кесил шаклланди.

Биполяр конфронтация (қарама-қаршилик) доирасида СССР ва АҚШ кучларнинг ўзаро мувозанатини саклаб туришга интилган. Бунда ўзаро муносабатларда ишончнинг йўқлиги ҳамда тарафларнинг бир-биридан кўркуви уларни имкон қадар кўпроқ иттифоқчиларни қидириш ва ўз атрофида бирлаштиришга ундар эди.

Натижада қуролланиш пойгаси бошланиб кетди. Дунё, асосан, икки гурухга бўлинди: капиталистик ва социалистик лагерлар. Аммо бу икки гурухга кирмаган мамлакатлар ҳам бор эдик, улар

қўшилмаслик ҳаракатига асос солдилар ва тарихга “учинчи дунё” номи билан кирдилар (капиталистик ва социалистик дунёлар билан бир қаторда).

Иккинчи жаҳон урушининг яна бир муҳим натижаси нацизм мағкурасининг мағлубияти ҳамда кўплаб авторитар тузумларнинг барҳам топиши бўлди. Бу тарихга “демократлашувнинг иккинчи қисқа тўлқини” деган ном билан киргани феноменни келтириб чиқарди. Мазкур тўлқин Гарбий Германия, Австрия, Италия, Япония, Ж.Кореяда демократик институтларнинг қарор топиши билан бошланиб, бироз кейинроқ Туркия ва Гречия ҳам демократик давлатлар сафига қўшилган хисобланади. Шунингдек, Лотин Америкасида демократлашув жараёнлари кузатила бошланди. Ўз мустақиллигини кўлга киритган кўплаб собиқ мустамлакалар ҳам демократия йўлини танладилар ва ҳиз.

Иккинчи ж.урушидан кейинги дунё тизимининг ўзига хос тарафи 1945 йилда асос солинган *БМТнинг фаолияти* бўлиб, у буюк давлатлар манфаатларини назарда туттган ҳолда умумдунё тизими니 сиёсий тартибга солиш билан шуғуллана бошлади.

Гарб давлатлари ўртасидаги *иқтисодий муносабатларни тартибга* солиш эса 1944 йили асос солинган *Бреттон-Вудд тизими*га мувофиқ амалга оширилиб, унга кўра Реконструкциялаш ва ривожланиш ҳалқаро банки (кейинроқ – Жаҳон банки) ва Ҳалқаро валюта фонди каби ривожланиш институтлари яратилди. 1947 йилда Тарифлар ва савдо бўйича бош шартнома имзоланиб, 1995 йилдан у Умумдунё савдо ташкилоти номи остида фаолият юритмоқда. Мазкур ташкилотнинг фаолияти натижасида жаҳон савдо муносабатларида либераллашувга ҳамда тарифлар билан боғлиқ тўсикларнинг камайишига эришилган. Реконструкциялаш ва ривожланиш ҳалқаро банки аввалбошдан урушдан кейинги Европани қайта тиклашга кўмаклашиш учун яратилган молиявий механизм бўлиб, кейинчалик у ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш миссиясини бажаришга ўтган.

Бреттон-Вудд шартномаси олтин стандартининг янги версиясини яратди ва унинг моҳиятини валюталарнинг белгилаб кўйилган (фиксированные) курсларини белгилаш ташкил этади. Бунда долларнинг қиймати олtinga, бошка валюталарнинг қиймати эса, долларга бозлаб кўйилди. Умуман олганда, Бреттон-Вудд тизими давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилишга асосланган бўлиб, у ички иқтисодий вазифаларнинг глобал молиявий тизимдан

устуворлигини тан олар эди. Бу 1930-йилларда халқаро иқтисодий муносабатларда амал қылган тизимнинг мутлақо акси эди.

Бреттон-Вудд тизимининг яратилиши жараёнида унинг фаолиятида Совет Иттифоқининг иштироки ҳам режалаштирилган. Бунинг учун Халқаро валюта фондида СССРга тегишли миқдордаги овоз квотаси ҳам ажратилиши назарда тутилган эди. Бироқ бу тизимдаги Farb давлатларининг вазни оғирлиги кейинчалик СССРга унинг *амбициялари* (*интилишлари*) даражасидаги имкониятларни қолдирмаслиги кўриниб тургани учун, шунингдек, савдонинг эркинлиги ҳамда Farb капиталининг Шарқий Европага оқиб келиши натижасида бу минтақанинг “бой берилиши” эҳтимолининг кучайтиргани сабабли СССР бу ташкилотга аъзо бўлмаган. Шу сабаблар туфайли Совет Иттифоқи Европани тиклаш тадбирлари доирасида амалга оширилган Американинг Маршал планига мувофиқ тақдим этилган ёрдамдан ҳам воз кечган (1947 й.).

Айтиш лозимки, АҚШ билан иқтисодий мусобақа қилиш учун СССР бениҳоя заиф эди. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқининг ХМдаги иштироки асосан уларни сиёсий тартибга солиш билан боғлиқ БМТ фаолиятидаги иштирок билан чекланди. Бунга СССРнинг БМТ Хавфсизлик кенгашидаги доимий аъзолик ва *veto* ҳуқуқи имкон яратиб берди.

БМТ ташкил топгач, либерализм мактаби ривожланишига янги туртки берилди. 1947 йилдан *International Organization* журнали нашр этила бошланди. 1960-йилларга қадар либерал йўналиш доирасида амадга оширилган тадқиқотларнинг асосий обьекти БМТ, унинг тинчликни таъминлаш билан боғлиқ вазифалари ҳамда коллектив хавфсизлик тизимини яратиш масалалари бўлиб қолди. БМТдан ташқари, тадқиқотчиларнинг эътиборини НАТО, Умумевропа ҳамжамиятлари, Америка давлатлари ташкилоти, Араб давлатлари лигаси каби минтақавий ташкилотлар ҳам жалб этган. Бунда асосий тортишувлар универсализм ва *регионализм* тарафдорлари орасида кечган.

Универсализм тарафдорлари коллектив хавфсизликнинг бўлинмаслиги гоясини олға сурган бўлсалар (БМТ), *регионализм тарафдорлари* бевосита қўшилар тегишли минтақаларга доир муаммоларни яхшироқ тушунишини дастак қилиб, минтақавий ташкилотларнинг самарадорлиги, яъни афзаллигини ёқлар эди.

Шундай қилиб, 1950 йилларнинг интиҳоси-1970-йиллар ибтидосида халқаро интеграциялашув жараёнларига багишланган

тадқиқотларга нисбатан күлланган асосий ёндашувлар юқорида зикр этилган *федерализм ва функционализм* бўлиб, улардан ташқари, яна *неофункционализм ва трансакционализм* деб номланган мактаблар ҳам шаклланди.

Америкалик тадқиқотчи Эрнст Хаас бошчилигидаги *неофункционалистлар* асосий ургуни XMнинг нодавлат акторлари фаолиятига қаратдилар, яъни сиёсатни интеграциялашув жараёнларидан ажратишга ҳаракат қилдилар.

Трансакционализм негизида эса “*хавфсизлик ҳамжамиятлари*” концепцияси ётади. Бу концепция 1950-йилларнинг ибтидоисида Ричард Ван Вагенен томонидан таклиф этилган бўлиб, кейинроқ Карл Дойчнинг “*Сиёсий ҳамжамият. Шимолий Атлантика зонаси*” китобида (1957 й.) ривожлантирилган.

*Хавфсизлик ҳамжамияти* – бу давлатларнинг шундай гурухи, унинг аъзолари ўзаро интеграциялашувнинг шундай даражасига эришадиларки, бунинг натижасида бундай ҳамжамият аъзолари ўзаро урушмайдилар деган ишонч пайдо бўлади. “*Совуқ уруши*” йилларида Дойченинг концепцияси унчалик оммалашмаган бўлса-да, 1990-йиллардан бошлаб, у янги куч билан қайта ривожлана бошлади.

Бу даврда амалга оширилган тадқиқотларнинг ўзига хослиги уларнинг *европацентрик* табиитида ўз ифодасини топди. Яъни интеграциялашув жараёнларининг таҳлили, асосан, Европа ҳамжамиятлари мисолида амалга оширилар, бундай назария дунёнинг бошқа минтақаларига камдан кам татбиқ этилар эди (бошқа минтақалардан мисоллар келтириш мумкин, масалан, ФКАДҲК).

Умуман олганда, халқаро ташкилотлар ва минтақавий интеграциялашув масалаларига бағишлиган тадқиқотларнинг ривожланишига қарамасдан, бу даврда XM назариясида асосий ўринни *реализм ва хавфсизлик муаммолари* эгаллаган эди. Бундай вазиятнинг пайдо бўлиши, биринчи навбатда, ядро куролининг кашф этилиши ва ядро уруши хавфининг реал воқеликка айлангани билан изоҳланади.

Маълумки, 1945 й. АҚШ томонидан бундай қурол биринчи ва ҳозирча охирги марта амалда кўлланди. 1949 йили СССР ҳам яровий давлат мақомини касб этди. Кейинроқ Буюк Британия (1952), Франция (1960) ва ХХР (1964) ҳам шундай статусни кўлга киритдилар. Бунинг натижасида сверхдержавалар ўртасидаги

*статус-кво* ҳолатини сақлаб туриш масаласи биринчи ўринга чиқди.

Лекин ХМ тобора таранглашиб борди. Халқаро муносабатларда юзага чиққан муаммоларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга интилиш кучаяр эди. Куба (Фарб адабиётида – Кариб) инкирози – 1962 йилга кадар иккита сверхдержава ўртасидаги юзага келган муаммоларни ҳал қилишнинг куч игшлатишга асосланган методлари устувор бўлган. Куба инкирози бу масалага муносабатни кескин ўзгартирди. У совет ва америка раҳбарияти сиёсий тафаккурига кучли таъсир кўрсатди. Қарама-қаршилик бевоситалиқдан минтақавий майдонларга кўчди (масалан, Вьетнам, Яқин Шарқ ва бошқалар).

Умуман олганда, 1963 йилдан 1970-йилларнинг бошларига қадар сверхдержавалар асосан ўзаро ҳамкорлик ва халқаро жараёнларни тартибга солишининг сиёсий методларидан фойдаландилар. Улар ХМда «разрядка международной напряженности» – “халқаро муносабатларни юмшатиш” номи билан машҳур бўлиб қолди ва бир қатор битимларни ўз ичига қамраб олди. Уларнинг энг муҳимлари қаторига 1963 йили имзоланган *Атмосфера, космик фазо ва сув остида (учта муҳит)* ядро қуролларини синовдан ўтказишини таъқиҷлаш шартномаси, 1968 йили имзоланган *Ядро қуролларини тарқатмаслик шартномаси*, 1972 йилда СССР ва АҚШ ўртасида имзоланган *Ракетага қарши ҳимояланиш тизимларини чеклаш ҳақидаги шартнома* (ПРО), ўша йилдаги *Стратегик қуролларни чеклаш* (ОСВ-1), 1979 йилдаги ОСВ-2 ларни киритиш мумкин. 1973-1975 йилларда *Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашлари ўтказилади ва ҳоз.*

1970-йилларда ўзаро боғлиқликнинг кучайиши жаҳон сиёсатининг янги акторлари ва янги омилларини келтириб чиқарди.

ХХ асрнинг 70-йилларида сверхдержавалараро муносабатларда нисбатан барқарор вазият вужудга келди, ядро уруши хавфи ортга чекинди ва халқаро ҳамжамият эътибори борган сари носиёсий муаммолар томон оға бошлади. Шу даврда бир қатор воқеалар содир бўлдики, улар ХМ амалиётини анчагина ўзгаририб, уларнинг моҳиятини идрок этишга қаратилган муносабатни ҳам ўзгаририб юборди. 1971 й. АҚШ президенти Ричард Никсон долларни олтинга конвертация қилишдан вақтинча воз кечилишини зълон қилди. Бу амалда Бреттон-Вудд тизимининг барҳам топишини англатар эди.

1973 йилда валюталарнинг ўзгарувчан (плавающие) курслари тизими ўрнатилди. Мутахассисларнинг башоратларига қарамакарши равишда валюталарнинг доимий қайд этилган курсларидан воз кечилиши дунё иктисодиёти ривожланиши суръатларини пасайтирмади. Аксинча уни 1973–1974 ва 1979–1980 йилларда рўй берган нефть инқирозлари келтириб чиқарган янги шароитларга мослашишига ёрдам берди ва иктисодиётнинг ўсишини таъминлади.

1974 йили Португалия ва Грекияда диктатуralарнинг барҳам топиши билан дунёда демократлашувнинг учинчи тўлкини бошланади. 1975 й. генерал Франко вафоти билан Испанияда ҳам диктатура ўз ниҳоясига етди. 1970-йилларнинг интиҳосидан бошлаб, Лотин Америкаси ва Осиё қитъаларида ҳам демократияга ўтиши жараёнлари бошланиб кетди.

1972 йили дунё бўйлаб катта акс-садо келтириб чиқарган Рим клубининг “Ривожланиш чегаралари” номли маърузаси эълон килинди. Унга кўра, мутахассислар амалга оширган ҳисобкитобларга мувофиқ, дунё аҳолисининг кўпайиши суръатлари, атроф-муҳитнинг ифлосланиши тезлиги, озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли ҳамда қайта тикланмайдиган ресурслардан фойдаланиш шу тарзда давом этаверса, 100 йилдан кейин, яъни 21 асрнинг интиҳосига келиб, Ер куррасида ривожланишнинг чегараларига етиб борилади. Бунга йўл кўймаслик учун ривожланиш суръатларини пасайтириш талаб этилади. Зоро, шундагина кейинги авлодларда ривожланиш имконияти бўлади деган гипотеза олға сурилган эди.

*Ўзаро боғлиқлик ҳамда барқарор ривожланиши муаммоларининг идроки 1970-йилларда кучайди:* 1972 й. БМТнинг атроф-муҳит муаммоларига бағишлиган маҳсус конференцияси бўлиб ўтди, 1974 й. бутундунё озик-овқат конференцияси бўлди, 1976 йили БМТнинг сув ресурсларига бағишлиган конференцияси чақирилди, 1982 йили Табиатнинг умумдунё хартияси қабул килинди ва ҳоз. 1970-йилларда содир бўлган нефть инқирозлари инсоният тараққиётини энергетика ресурслари билан таъминлаш муаммоларига қаратилган эътиборни янада кучайтирди.

1987 йили БМТ Атроф-муҳит бўйича умумжаҳон комиссиясининг “Бизнинг умумий истиқболимиз” номли маърузаси эълон килинди. Унда барқарор ривожланиш концепцияси олға сурилади. Унинг моҳиятини келажак авлодларнинг ривожланиш имкониятларига путур етказмасдан, бугунги авлодлар эҳтиёжларини

тұлақонли қондириш йүлларини топиши ва уларни ҳаётта татбиқ этишга қаратылған фаолият ташкил этади.

1970-йилларда Бреттон-Вудд тизимининг барбод бўлиши ҳамда 1973-1974 йиллардаги нефть кризисига жавобан ХМнинг яна бир янги назарияси шаклланади ва у ҳалқаро сиёсий иктиносид (ХСИ) номи билан тарихга киради. Унинг моҳиятини ҳокимият ва моддий бойлик ўртасидаги боғлиқликни ҳалқаро миқёсда ўрганиш ташкил этади. Унинг асослари Р. Гилпин, Р. Кохейн, С. Стрендж ва Дж. Най каби тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқылган. ХСИнинг марказий тушунчаларидан бири глобал ижтимоий неъматлар (бойликлар) бўлиб, унга мувофиқ, бундай неъмат деб уларнинг истеъмоли бошқаларнинг имкониятларини камайтирилишига сабаб бўлмайдиган бойлик тушунилади (мисоллар: куёш энергияси, шамол, денгиз тўлқинлари ва ҳоз.). Бошқача айтганда, бундай неъматлар, бир тарафдан, ҳеч кимники, иккинчи тарафдан барчага тегишилдири. Бундай неъматлар қаторига, шунингдек, ҳалқаро хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитдан фойдаланиш, эркин савдонинг ҳалқаро режимини таъминлаш кабилар киради. Глобал ижтимоий неъматлардан фойдаланиш «безбилетник» (*free-rider*) «куёnlар» муаммосини келтириб чиқарди. ХМ бу атама ижтимоий неъматлардан фойдалангандик қийматини тўлашни истамайдиган давлатларни англатади. Бунга жавобан ХСИ йўналишларидан бирининг доирасида гегемонияга асосланган барқарорлик назарияси ишлаб чиқылди. Унинг моҳиятини глобал ижтимоий неъматлардан фойдаланиш жараёнини бошқариш билан гегемон шуғулланади деган тушунча ташкил этади. Лозим бўлганда, у безбилетник-«куён»ни ижтимоий неъматлардан фойдаланиш шароитларини яратиш билан боғлиқ харажатларнинг тегишли қисмини тўлашга мажбур этиши мумкин (мисол: атроф-муҳитни муҳофаза қилиши билан боғлиқ ҳалқаро шартномалар ва ҳоказо). Биринчи жаҳон урушига кадар бундай гегемон ролини ББ ўйнаган бўлса, ундан кейинги даврда бу роль аста секин АҚШга ўтган (охирги даврдаги ўзгаришлар, Трамп сиёсати, Атроф-муҳит бўйича Париж шартномасининг тарк этилиши ва ҳоказо).

Умуман олганда, Рим клубининг маъruzаси ҳамда 1973 йилдаги нефть кризиси дунёнинг ўзаро боғлиқлиги нечоғлик чуқур ҳассослик касб этаётганини яққол кўрсатиб берди ва бунинг аксадоси сифатида ХМнинг транснационализм (трансмиллийлик) назарияси шаклланди. Унинг вакиллари ўша даврларда ХМда

устувор бўлган реалистик парадигмалар билан баҳс-мунозараларга киришдилар. Реалистик парадигмалар давлатцентрик, яъни марказида давлат турган ёндашувларга асосланган бўлиб, транснационалистлар давлатларнинг ўзаро муносабатлари комплекс табиятга эгалиги, яъни улар нафақат сиёсий масалалар, балки иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олиши, шунингдек, уларнинг ечимини топишга каратилган ҳалқаро амалиётда нохукумат (нодавлат) акторлар, жумладан, трансмиллий акторлар ҳам муҳим рол ўйнашини таъкидлайдилар. Бу таълимотнинг (транснационализмнинг) асосий йўналишлари Жозеф Най ҳамда Роберт Коҳейннинг “Трансмиллий муносабатлар ва жаҳон сиёсати” (1972) ҳамда “Ҳокимият ва ўзаро боғлиқлик: жаҳон сиёсати ўтиши даврида” (1977) китобларида ишлаб чиқилган.

Шу даврга келиб, Жозеф Най ва Роберт Коҳейн XMнинг транснационализм ичидағи неолиберализм назарияси асосларини яратдилар. Уларнинг фикрига кўра, суверен давлатлар XMнинг бош акторлари ролини сақлаб қолаётган бўлсалар-да, уларнинг мақомига XMнинг трансмиллий акторлари (масалан, трансмиллий корпорациялар) тобора кўпроқ таҳдид сола бошлади. Най ва Коҳейннинг хулосасига кўра, дунёдаги турли акторлар ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг шакл ва каналлари кўпаймоқда, бу эса, ўз навбатида, ўзаро комплекс боғлиқликни кучайтироқда. Эътибор беринг, ўзаро боғлиқлик нафақат давлатлараро кўринишда, балки бошқа шаклларда ҳам, масалан, давлатлар-трансмиллий корпорациялараро муҳитда, ўзини тобора яққолроқ кўрсатиб бормоқда.

Ўзаро боғлиқлик, жумладан, куйидагиларда намоён бўлмоқда:

- Давлат ва нодавлат акторлар ўртасидаги муносабатлар кучаймоқда. Бу давлатлараро муносабатлардан ташқари, яна трансмиллий муносабатлар деган феноменин келтириб чиқардиги унда давлатларнинг деярли иштироки кузатилмайди.

- “Юксак” ва “куйи”, яъни ўта муҳим ва оддий сиёсий муаммолар ўртасидаги чегаралар емирилиб бормоқда, бугун кун тартибида биринчи ўринларни фақатгина хавфсизлик масалалари эгаллаб қоломайди.

- Ҳарбий кучнинг XMдаги роли пасаймоқда. XMнинг тинч йўллар билан ривожлантиришга ва иқтисодий юксалишга фақатгина ҳалқаро институтларни ўз ичига қамраб олган ҳамкорликни кенгайтириш йўли билан эришиш мумкин.

Транснационализм йўналишининг гуллаб-яшнаши халқаро ташкилотларни ўрганиш моҳиятининг ўзгаришига олиб келди. Улар энди иккинчи планга ўта бошлади. “Халқаро ташкилот” ва “халқаро институт” деган тушунчалар орасидаги фаркнинг ўзи тобора емирилиб бормоқда. Жозеф Най эса, халқаро институтларни халқаро институтлардан кўра кўпроқ “хукуматларо ва трансмиллий тизимларнинг формал институтлар орқали бирлашган кластери сифатида тавсифлаш”ни таклиф этади.

Бу даврга келиб, халқаро ташкилотларнинг кўпчилик тадқиқотчилари халқаро режисм (кўпроқ “тартиб” маъносига) ларни ўрганишга ўтдилар. Халқаро режим – бу халқаро акторларнинг ўзаро муносабатларида амалга ошиши кутилаётган интилишларни муайян тизимга келтирувчи қоидалар, мезонлар, тамойиллар, процедуralарнинг йигиндисидир (Стефан Краснер). Буни аниқроқ тасаввур этиш учун мисоллар: эркин савдо режими (Умумжахон савдо ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатлар), ядро қуролларини тарқатмаслик режими (5 асосий ядервий давлатларнинг ўзаро муносабатларида ўз ифодасини топади) ва ҳоказо.

Неолибералларнинг изланишларига жавобан 1970-йилларда неореализм назарий йўналиши шаклланган. Америкалик машхур тадқиқотчи Кеннет Уолтцнинг “Халқаро сиёsat назарияси” китобининг пайдо бўлиши ушбу йўналишни бошлаб берган воқеа саналади. Тадқиқотчи томонидан таклиф этилган назария структуравий реализм деб номланади. Муаллифнинг фикрича, айнан XMнинг таркибий тузилмаси, яъни структураси уларнинг табиатини белгилаб беради. Тузилма, яъни структуранинг хусусиятлари унинг анархик табиати, яъни марказий ҳокимиятнинг йўқлиги билан аниқланади ҳамда куч омилининг буюк давлатлар ўртасида тақсимланиши билан белгиланади. Айтиш жоизки, XMнинг структураси давлатларнинг хатти-харакатларини жиловлаб ва белгилаб турадиган бамисоли қолипдир: масалан, XMда биполяр структура устувор бўлгандা, давлатлар мавжуд статус-квони сақлашга харакат қиласи эди, совуқ урушнинг тугаши XMнинг нисбатан бекарорроқ структурасини вужудга келтирди.

Неореалистлар ва неолибераллар орасида “учинчи катта баҳс” деб номланган тортишувлар давом этмоқда. Неореалистлар XMнинг нодавлат акторлари мавжудлигини тан оладилар, аммо уларнинг барчаси давлатлар (acosий акторлар!) ўрнатган тартибиغا

риоя қилишга мажбур деган позицияда турадилар. Уларнинг фикрига кўра, давлатларнинг ўзаро ҳамкорлик йўлига кириши бошқалар улардан кўра кўпроқ манфаатга эга бўлиб қолишини олдини олиш хоҳиши билан изоҳланади. *Неолибераллар* ҳамкорликдан барча бир хилда фойда кўради дейдилар. Неолибералларнинг фикрига кўра, ҳалқаро режимнинг барпо этилиши ХМдаги анархияни бартараф этади. Неореалистлар *Эса*, анархия, нима бўлгандა ҳам, ХМга ўзининг чекловчи таъсирини ўтказиб туради деган ақидада сабит турадилар. Неореалистлар, асосан, ҳавфсизликни таъминлаш муаммолари ва давлатларнинг ҳаётийлигини кафолатлаш билан боғлиқ муаммоларни ўрганадилар. Неолибераллар эса, кўпроқ иқтисодий фаровонлик масалаларига қизиқадилар.

Шу билан баробар, ушбу икки оқим ўртасида умумийликлар ҳам кам эмас. Уларнинг ҳар иккиси бирдек статус-квонинг барбод этилиши ёки унинг бузилиши муаммоларини ўрганадилар (ҳавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари); улар позитивистик позицияларда турадилар, яъни реал воқелик ҳақида объектив шаклда текшириш мумкин билимларга эга бўлиш мумкин деб ҳисоблайдилар ва ҳоказо. Хуллас, неолиберализм ва неореализм ҳозирга қадар ХМнинг энг кенг тарқалган назарияси бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда ҳалқаро ҳамжамиятнинг фикри бир.

ХМнинг турли назарий йўналишлари ва мактабларининг қизгин тарақкий этишига қарамасдан уларнинг биронтаси совуқ урушнинг тинчлик билан тугашини башорат эта олмади. Бундан-да муҳими, 1980-йилларнинг ибтидосида АҚШ ва СССР ўртасидаги муносабатларнинг қайтадан совуши кузатилади: куролланиш билан боғлиқ харажатлар кўпаяди, икки қутб ўртасидаги қарамакаршилик кучаяди. Аммо СССР раҳбарлигига М.С.Горбачев келгач, сверхдержавалар орасидаги муносабатларда бурилиш содир бўлди. 1986 йили Горбачев ilk марта Совет Иттифоқи ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни бир-бирини кўрқитиш ва бир хилдаги хатарлар кўзгуси орқали эмас, балки ўзаро ҳавфсизлик мантиқи орқали кўриб чиқишига ўтишни таклиф килди. Кейинчалик ушбу тезисга асосланган Горбаяевнинг “янгича сиёсий тафаккур” концепцияси шакллантирилди. Унда умуминсоний қадриятлар устуворлиги ва инсониятнинг баҳаётлигини таъминлаши, шунингдек ХМ дейдеологизациялаш гояларини олға сурилди. Мазкур гояларни ҳаётга татбиқ этиш орқали М.Горбачев СССР ва АҚШ ўртасидаги мавжуд статус-квони ҳамда икки супердержаванинг ХМдаги

пешқадам позицияларини сақлаб қолган ҳолда, улар орасидаги қарамакаршиликни ҳамкорликка айлантиришни кўзлаган эди. Бироқ ички муаммолар ва қуролланиш пойгаси натижасида СССРнинг заифлашуви натижасида Горбачев томонидан Фарбга берилган утупкалар бир томонлама бўлиб қолган ва охир-оқибат СССРнинг парчаланишини тезлаштирган деган тушунча мавжуд...

1990 йили Европа учун янги Париж хартиясида совук уруш тугагани расман зълон қилинади. 1991 йили ХМ бўйича назариётчилар ва умуман ҳалқаро ҳамжамият учун кутилмаган тарзда Совет Иттифоқи барҳам топди. Шу билан ХМдаги биполяр қарамақаршилик босқичи якунланиб, ХМ янги даври шаклана бошланди. Лекин унинг барча томонидан зътироф этилган умумий номи ҳанузгача йўқ деса, хато бўлмайди.

#### **Назорат саволлари:**

1. “Қуролланиш пойгаси” тушунчаси қачон пайдо бўлган ва унинг моҳиятини нима ташкил этади?
2. “Учинчи дунё” тушунчасининг шаклланиши.
3. Кўшилмаслик ҳаракатининг моҳияти.
4. БМТни таъсис этишдан кўзланган ақсадлар.
5. БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши.
6. Ҳалқаро муносабатларнинг Бреттон-Вудд тизими моҳияти.
7. Универсиализм ва регионализм концепциялари.
8. “Ҳавфсизлик ҳамжамиятлари” концепцияси.
9. Ўзаро боғлиқликнинг кучайиши ва барқарор ривожланиш муаммолари.
10. Неолиберализм ва неореализм ҳақидаги назарий қарашлар.

#### **Адабиётлар:**

- Мангейм Ҷ.Б., Рич Р.К. Политология: методы исследования/ Пер. с англ. Т.Л. Ветошкиной и др. – М.: Аспект Пресс, 2005.
- Мунтян М.А. Основы теории международных отношений. – М., 2007, 270 с.
- Фукуяма Ф. Наше постчеловеческое будущее. – М.: ACT, 2008. – 352 с.
- Хантингтон С. Кто мы? Вызовы американской национальной идентичности. – М.: ACT, 2004. – 636 с.

**Еттинчи мавзуу. Танқидий фикрлаш, таҳлилий күнікмалар ва экспертиз ғылымдарини әгаллаш халқаро муносабатлар туб мөхияттін идрок этишининг калити сифатида**

**Реже:**

1. Танқид ва танқидий фикрлаш: ўхшаш ва фарқлы жиҳатлар.
2. Танқидий фикрлаш элементлари.
3. Танқидий фикрлаш стратегияси.
4. Таҳлилий тафаккур ва күнікмалар.

**Таянч сүзлар ва иборалар:** танқид, таҳлил, тафаккур, мөхият, иккиланиш, гипотеза, санъат.

Танқидий фикрлаш инглиз тилида сүзлашувчи мамлакатлар ОТМда асосий ўкув фанларидан бири саналади. Уларда талабаларни маттни дикқат билан ўкиш, методик мөхиятли иккиланишларни изҳор этиш (Декарт: в чем логически можно сомневаться), ҳам бирор, ҳам ўзининг заиф ўринларини топиш, тегишли тушунчалар билан ишлаш, ўз фикрларини аник-тиник ва асосланган шаклда баён этишга ўргатишига алоҳида аҳамият қаратилади.

Бундай ўкувнинг муҳим компонентини түгри савол бериш ташкил этади. Инглиз тилли мамлакатларда саволларга биздагидан кўра кўпроқ ўрин ажратилган.

Ушбу соҳанинг таниқли назариётчиларидан бири Карл Поппердир. Унингча, танқидий фикрлаш ҳар қандай мантиқийликнинг асосини ташкил этади. Попперга мувофиқ, билим гипотезаларни олга суриш, уларни асослаш ёки инкор этишсиз мавжуд бўлолмайди. Манба масаласи ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас: асосий масала бироламчи маълумотларга муносабат ва уларни таҳлил қилиш методидадир.

Танқидий фикрлашга оид асосий қўлланмалардан ҳисобланган “Тўгри савол бериш санъати”да муаллифлар ҳар қандай оқил инсон фойдаланидаиган иккита услуб ҳақида ёзилган. Биринчиси, у худди пўрак каби барча маълумотни шимиб олади. Бу йўл оддий бўлиб, ҳаммага керак. Зоро етарли микдордаги маълумотларни жамлаган ҳолдагина атрофимиздаги дунёнинг мөхияттін идрок этиш мумкин.

Аммо бундай йўлдан борган одам кўпинча барча фактларни бутун тафсилотлари билан биргаликда механик тарзда эслаб

қолишига ҳаракакт қиласы. У тегишли мұаллифларнинг фикрларини үз миясида сақлаб қолади, аммо уларни танқидий бақоламайды.

Иккінчи ёндашув худди олтинни ажратиб олиш учун күмни элашга үхшашдир. Бу йүл ўзлаштирилаётган билим билан фаол ҳамкорликни тақозо этади. Бундай услубни ўзлаштирган киши аргументлар факатгина уларни эслаб қолиш учун змас, балки уларнинг кучини синаш учун лозимлигини тушунади.

Танқидий фикрлаш — бу инсоннинг атрофда келаётган маълумотлар ҳамда шахсий фикрини шубға остига қўйиши қобилиятидир. Танқидий фикрлашга ўтиш у ёки бу жамият тараққиётидаги цивилизацион босқичга ўтиш учун лозим шароитларнингшаклланиб бўлганини англатади деган тушунча мавжуд.

Танқидий фикрлашдан (ингл. *critical thinking*) — танқидий мулоҳазалар тизими) тегишли воқеа ва ҳодисаларни таҳлил этиш ва улардан хуносалар чиқариш учун фойдаланилади. Унинг моҳиятини тегишли вазиятларга оид асосланган хуносалар чиқариш ҳамда таҳлилий фаолият орқали кўлга киритилган натижалардан самарали ва адекват фойдаланиш ташкил этади. Умумий қилиб айтганда, танқидий фикрлаш деганда тафаккурнинг оддий тарзидан юксакроқ, яъни пухта ўйланган варианти назарда тутилади.

Тор маънода танқидий фикрлаш «хуносаларнинг тўғри баҳолаш»ни англатади. У, шунингдек, «фикрлаш ҳақидаги фикрлаш» деган маънода ҳам тавсифланади. Танқидий фикрлашнинг яна бир мантикий тавсифига кўра, у — «рефлексив мантикий тафаккур тарзи бўлиб, у нимага ишониш ва қандай йўл тутиш деган масала бўйича тегишли қарорни қабул қилишга қаратилгандир». Более подробное определение — «интеллектуально упорядоченный процесс активного и умелого анализа, концептуализации, применения, синтезирования и/или оценки информации, полученной или порождённой наблюдением, опытом, размышлением или коммуникацией, как ориентир для убеждения и действия».

Тадқиқотчи Ричард Пол 1995 йили танқидий фикрлашни иккита даражасини заиф ва кучли танқидий фикрлашни фарқлашни таклиф этди. Заиф танқидий фикрлаш категорияси, Полга кўра, юксак малакали, лекин худбинлик кайфиятидаги интеллектуалга нисбат беради ва айтадики, бундай одамлар масаланинг ахлоқий тарафларини назар-писанд килмайдилар. Бундай фикрлашга мойил одамларнинг кўпчилиги анчагина юксак билимли кишилар бўлиб,

аммо амалда ўзларининг тор эгоистик интилишларини биринчи ўринга кўядилар. Кучли танқидий фикрлаш соҳиби эса, масаланинг туб моҳиятига етиб борадиган эгоцентрик ёки социоцентрик майллардан йироқ объектив тадқиқотчидир. Бундай танқидий фикрлаш ҳақиқатни билиш йўлидаги барча тўсикларни астойдил енгиги ўтишга қаратилгандир.

Психолог Дайана Халперн (ингл. Diane F. Halpern) танқидий фикрлаш деганда, тадқиқотнинг назорат қилиниши мумкин бўлган ҳамда асосли услубларини назарда тутади. Бундай услублар кўлга киритилиши назарда тутилган натижаларнинг ишончлилигини оширади. Бундай услублардан тегишли масалаларни ҳал этишда, хуросаларни шакллантиришда, муайян вазиятларни баҳолаш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш ва бошقا мантикий ҳолатларда фойдаланилади. Барча бундай ҳолатлар аниқ когнитив масалани ҳал этишга йўналтирилган бўлиши лозим.

Танқидий фикрлаш учун лозим бўлган асосий кўнникмалар каторига кузатувчанлик, талқин этиш қобилияти, таҳлилий қобилият, хуросалар ясаш ҳамда баҳолаш салоҳияти киради. Танқидий фикрлаш мантиқа асосланади. У, шунингдек, интеллектуаликни белгилайдиган кенг миқёсли мезонларни назарада тутади. Уларга аниқлик, ҳақиқатсимонлик, тиниклик, аҳамиятлилик, дунёқарашиб ва адолатлилик каби мезонлар киради. Ижодий тафаккур, муайян қадриятларга мойиллик ҳамда, булардан камроқ даражада, хис-ҳаяжонлар ҳам танқидий фикрлашнинг таркибий қисмларини ташкил этади.

Танқидий фикрлаш, айниқса, тегишли матнларни ўқишда юксак аҳамият қасб этади. Шундан келиб чиқиб, матнларни ўқишда нималарга алоҳида эътибор қаратиш лозим деган масалага кенгрок тўхтalamиз:

**Мақсад.** Ҳар қандай матн, у ёзма бўладими, оғзаки бўладими, бундан қатъи назар, муайн мақсадга эришиш учун тузилади. Шунга кўра, матнларни тузишда белгиланган аниқ мақсаддан четта чиқилишига йўл кўймаслик якуний муваффакиятни кафолатловчи омиллардан биридир. Бундан-да аввал ушбу мақсадга эришишнинг ўзи керакми-йўкми деган саволга жавоб топиш лозим. Яъни бирон ишдан кўзланган натижанинг ўзи муҳимми, унинг учун сарфланган сайд-ҳаракатлар бунга арзидими, деган масалага аниқлик киритиш лозим бўлади.

**Муаммо.** Муаммо деганда, муаллиф томонидан йўл қўйилган хатолар эмас, балки у жавоб бериши лозим бўлган масалалар назарлда тутилади. Бунда аниқ-тиник жавоблари бор масалаларни бошқа ҳар хил талқин этилиши мумкин бўлгандаридан ажратиб олишдан бошлаш лозим бўлади. Бундан ташқари, йирик масалаларни майдароқ бўлакларга бўлиш тавсия этилади. Бу мавхум умумийликка оғиб кетишнинг олдини олади.

**Фаразлар.** Улар муаллифнинг муайян масалаларга оид фаразлари, яъни бўлиши мумкин дея ҳисоблаган масалалардир. Шунинг учун ҳам улар пухта ўйланган бўлиши лозим, зеро акс ҳолда муаллифни нокулай вазиятга солиб қўйиши мумкин. Шунга кўра, бирон матнни ўқир эканмиз, улар билан боғлиқ фаразларимизни ўта қаттиқ мезонларга асосланган ҳолда тузишимиз, уларнинг нечоғлик адолатли экани ҳақида чуқур ўйлашимиз лозим бўлади.

**Нуқтаи назар.** Биз ҳар қандай масалага чекланган шахсий нуқтаи назар кўзгуси орқали муносабатда бўламиз. Бунда мутлақ ҳақиқатга эришишнинг имкони йўқ. Чунки ҳар қандай масалага утрли нуқтаи назарлардан келиб чиқсан ҳолда ёндашиш мумкин. Шунинг учун ҳам мутлақ ҳақиқатга даъвогарлик ўринсиз бўлиб, унга эриши учун лозим ресурслар хеч кимнинг якка тасарруфида бўлиши мумкин эмас.

**Маълумотлар.** Матнда баён этилган ҳар қандай фикр, мулоҳаза, хулоса релевант маълумотлар (фактлар) билан асосланган бўлиши лозим. Масалан, гени ўзгартирилган маҳсулотлар ҳақида гапирилар экан, уларга оид илмий тадқиқотларнинг натижаларига асосланмоқ талаб этилади. Бундай масалада ҳар хил шов-шувлардан фойдаланишга мутлақо йўл қўйилмайди.

**Концепциялар ва ғоялар.** Концепциялар тафаккур механизмлари бўлиб, уларсиз хеч қандай асосли натижага эришиб бўлмайди. Ҳар қандай “реал воқелик” ҳақидаги тафаккур муайян сунъий қолиллар ва тушунчалардан фойдаланишни такозо этади. Муаммо шундан иборатки, бил уларнинг ичидан вазиятга тўғри келадиган версиларни танлаб олишимиз лозим бўлади.

**Хулосалар ва тақиинлар.** Бу сиз таҳлил этган маълумотлардан чиқариб олинадиган “маҳсулот”дир. Эътибор бериш лозим жиҳатлардан бири – сиз фойдаланган маълумотлардан бошқача хулосалар чиқариш ва уларни ўзгача талқин этиш ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам бирон масалани таҳлил этаётганда, унга тегишли маълумотларнинг максимал миқдорини йигишга интилиш зарур.

**Оқибатлар.** Бунда қуидагилар мұхим: агар биз муаллифнинг асосий фикрлари ва хulosаларини қабул қылсақ, оқибати нима бўлади? Улардан қандай ижобий ва салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин? Кўп ҳолларда бир қараашда мантикий кўринган хуласа аслида зиддиятли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Айrim ҳолларда улар абсурд, яъни мутлақо мантиқсиз натижаларга асаб бўлиши мумкин.

Бергран Расселнинг “Мантиқ, материя ва ахлоқнинг фалсафий қомуси” асарида курра заминдаги интеллектуал мухитни бир неча баробар яхшилашга қодир атиги учтагина қоида, агар уларга кўпчилик риоя этса, баён этилган:

Биринчиси, агар муайян масалада эксперталар ҳамфирликка эришсалар, унга зид фикр тўғри ҳисобланishi мумкин эмас.

Иккинчиси, агар улар ҳамфирликка эришолмасалар, эксперт бўлмаганлар ҳеч қандай нуқтаи назарни тўғри деб қабул қилмаслиги лозим.

Учинчиси, агар эксперталар муайян масала бўйича аниқ бир фикрга келиш учун етарли асос йўқ деган фикрга келсалар, оддий одам учун энг яхши йўл бундай масалада ўз фикрини шакллантиришга уринишдан воз кечишидир.

Шубҳа йўқки, эксперталар ҳам хато қилиши мумкин. Шунингдек, барча вазиятлар учун мутлоқ ҳақиқатга асосланган тайёр қолипнинг ўзи йўқ. Ҳаёт кўп ҳолларда одамни нима билан якунланиши номаълум бўлган вазиятларда амал қилишга мажбур қиласди. Одам ҳар доим ҳам донишманд эксперталарнинг фикрига эга бўлиш имкониятига эга эмас. Шунингдек, барча масалаларда эксперталар фикрига суюниш бошқаларнинг интеллектуал фаолиятини чеклаш демакдир, яъни бир ҳовуч хослар омма учун барча масалаларни ҳал қилиб беради деган ақидаги англатади. Шунинг учун ҳам барча учун зарур бўлган танқидий фикрлаш кўнікмаларини ривожлантириш ҳаётий ҳақиқат тақозо этаётган вазиятларнинг ечимини топишнинг энг самарали йўлидир.

Танқидий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам берувчи омилларнинг энг мұхимлари қаторига хортира кучи, ижодий фикрлаш, интуитив сезги ва бошқаларни киритиш мумкин.

### Таҳлилий кўнікмалар

Таҳлилий кўнікма – бу муайян муаммони шакллантириш, концептуаллаптириш ва тегишли маълумотлардан оқилона фойдаланган ҳолда зиддиятли вазиятлар ечимини топиш

қобилятидир. Таҳлилий кўникмалар қаторига қуидаги маҳоратлар ва қобилятларни киритиш мумкин:

- Муаммони таркибий қисмларга бўлиш маҳорати. Кўпчилик бирон-бир муаммо ечимини топиш олдида довдираб қолади (масалан, муайян муаммога багишлиган мақола ёзиш). Таҳлилий кўникмаларга эга одам тегишли муаммони қандай қисмларга бўлишни билади. Бу муаммони сифатли ҳал қилишга ёрдам беради, вақтни тежайди.

- Мъалумотларни йигиш ва баҳолаш маҳорати. Бу кўникма “информацион ҳаводхонлик” деб ҳам номланади. “Мағизни пўчокдан ажратиш” жараёнининг ўзига хослиги. Бу долзарб ва ҳаққоний мъалумотларни тайлай билиш, манбалар билан ишлаш услублари ва асосланган хуносалар чиқариш маҳоратини англатади.

Мъалумотни самарали тарзда тасарруф этиш, яъни ундан тўғри фойдаланиш. Бугунги шиддатли информацион тўлқинлар шароитида кўп сонли мъалумотлар билан ишлаш технологияларини билиш маҳорати талаб қилинади. Таҳкилий кўникмалар айниқса муҳим (масалан, тегишли мавзуга оид мъалумотларни интернетдан кидиришнинг афзал йўллари қайсилар?).

Альтернатив ечимларни излаш. Муваффакиятга элтувчи йўллар спектрининг кенглигини идрок этиш. Ривожланган таҳлилий кўникмалар эгаси тегишли ечимларнинг альтернатив йўлларини яхшироқ билади ва мақсадга тезроқ эришади.

Мураккаб китобларни ўқиш ва қийин мъалумотларни “ҳазм қила олиш” қобиляти. Вақти-вақти билан қийин китобларни ўқиб туриш ва мураккаб мъалумотларни тушунишни машқ қилиб туришни англатади.

Таҳлилий кўникмалардан қуидаги вазиятларда фойдаланилади:

- комплекс табиатли муаммоларни ҳал қилиш учун;
- асосланган қарорларни қабул қилиш учун;
- статистик мъалумотларни умумлаштириш учун;
- эҳтимолий тенденцияларни аниқлаштириш учун;
- муайян жараёнларни тартибга солиш учун;
- тегишли лойиҳаларни самарали тарзда амалга ошириш учун;
- муаммоларни таҳлил ва диагностика қилиш учун;
- мъалумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш учун ва бшк.

Таҳлилий фикрлашни эгаллаш автоматик тарзда танқидий ва ижодий тафаккур кўнікмаларидан фойдаланишини таъминлайди. Нархингиз ошади....

Таҳлилий тафаккур ва кўнікмаларни қандай ривожлантириш мумкин:

Таҳлилий тафаккур иккита асосий жараёнга асослангандир:

- янги билимлар ва маълумотларни излашга қаратилган ижодий жараён;
- маълумотларни таҳлил қилиш, уйғунлаштириш ёки синтезлаш ҳамда якуний хуносаларни шакллантиришга қаратилган формал жараён.

Таҳлилий фикрлаш нима учун керак?

- Асосий нарсани иккинчи даражали нарсадан тез ажратиб олиш учун;
- Мураккаб ҳаётий ва профессионал вазифаларни ҳал этиш учун;
- Содир бўлаётган ҳодисалардаги афзалликлар ва камчиликларни аниқлаш учун;
- Ҳосил қилинган тажрибани таҳлил этиш учун;
- Асосланган хуносалар ва қарорларни шакллантириш учун;
- Реал статистик маълумотларга асосланган қарорларни қабул қилиш учун;
- Ўз фаолиятини реал мақсадларга мувофиқ режалаштириш учун;
- Муайян мақсадга эришиш жараёнини босқичларга тўғри тақсимлаш учун.

Таҳлилий фикрлашни машқ қилиш йўллари:

- Бир ҳафтада камидан бир марта ақлни чархлайдиган машқлар билан шуғулланинг: кроссвордлар, ребуслар, бошқотирмалар, топишмоқлар, ақлий ўйинлар ва хқз.
- Ривожлантирувчи компьютер ўйинлари билан шуғулланинг.
- Янгиликларни мунтазам кузатиб боринг. ТВни кўраётганда ниҳоятда танқидий қабул қилишга интилинг, ҳар бир воқеанинг тубида ётган кўз илғамас мақсадларни топишга ҳаракат қилинг, хуносалар чиқаринг, умумлаштиринг ва хқз.
- Бадий адабиёт ўқинг. Классика билан бир қаторда, детектив ва фантастикани ўқишини канда қилманг.

- Ҳар хил кодлар ва шифрларни ечиш билан шуғулланинг. Уларни интернет ва бошқа манбалардан кўплаб топиш мумкин.
- Пазлларни йигиши билан шуғулланинг, ўзингиз уларни ихтиро қилинг.
- Стол усти ўйинлари билан шуғулланинг. Уларнинг ақлий варианлари....
- Он-лайн ўйинларни ўйнанг... «Эрудит», маълумотларни тез таҳлил қилиш ва хulosаларни шакллантиришни ривожлантиради...

### Ҳар кун:

- Ҳаёт тарзингизни тизимлаштиришга ҳаракат қилинг, атрофда кечётган ҳодисаларга таҳлилий нигоҳ билан қаранг;
- Ҳар бир ишда муайян қонуният борлигини кашф этишга ҳаракат қилинг;
- Ақлни чархлайдиган фойдали одатларни кўпайтиринг, масалан, ўқиши, таққослаш, тегишли масалалар бўйича хulosалар чиқариш ва ҳқз.;
- Китоб ўқиётганда ёки фильм кўраётганда ўзингизни уларнинг қаҳрамонлари ўрнига кўйинг, уларнинг хатти-ҳаракатлари сабабларини аниқлашга, ўзингиз нима қилган бўлар эдингиз - баҳолашга ҳаракат қилинг ва ҳқз.;
- Барча хатти-ҳаракатларингизни танқидий назардан ўтказиб туринг;
- Ўзингизнинг муваффакиятларингиз ва мағлубиятларингизнинг сабабларини таҳлил қилиб юринг;
- Бир нарсани гапиришдан олдин айтадиган гапингиз қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ўйланг;
- Ўзингиз ва ўзгаларнинг хатоларидан сабоқ чиқаришни ўрганинг, келажакда яна хато қилмаслик учун.

### **Экспертлик билимлари**

Эксперт (лот. *expertus* — тажрибали) — шундай мутахассиски, у тегишли тор соҳанинг билимдони, шунинг учун ҳам унинг хulosаси ёки баҳоси алоҳида аҳамиятга эга.

Экспертлик билимлари — мутахассиснинг муайян аниқ йўналиши билан боғлиқ мантиқий асосланган чуқур билимларини англатади. Инглизчаси: *Expert knowledge*.

Эксперт — маълум гонорар эвазига муайян масала бўйича хulosса бериш учун таклиф этилган олий тоифали мутахассис бўлиб,

одатда, у бошқа кишилар ёки мутахассислар томонидан мұхокама қилингандын масаланы назарда тутади.

### **Назорат саволлари:**

1. Танқид нима? Танқидий фикрлаш танқиддан нима билан фарқланади?
2. Танқидий фикрлашни шакллантириш талаблари.
3. Савол ёки илмий муаммони түгри шакллантириш масаласи: Карл Поппер назарияси.
4. Ричард Пол: танқидий фикрлашнинг иккита даражаси.
5. Таҳлилий күнімка нима, у қандай шакллантирилади?
6. Таҳлилий фикрлашни ривожлантириш қоидалари.
7. Эксперт ким, экспертлик билимлари нима?

### **Адабиётлар:**

- Поппер К. Логика исследования (*Logik der Forschung*, в рус. переводе «Логика и рост научного знания»), — 1934.
- Поппер К. Объективное знание: эволюционный подход (*Objective Knowledge: An Evolutionary Approach*), — 1979.
- Поппер К. Реализм и цель науки. — В кн.: Современная философия науки: знание, рациональность, ценности в трудах мыслителей Запада. Хрестоматия. — М., Логос, 1996. — 2-е изд. — 400 с. — с. 92-105.
- Поль Р.У. Критическое мышление: Что необходимо каждому для выживания в быстро меняющемся мире. 1990.
- Paul, Richard W. Critical Thinking: What Every Person Needs to Survive in a Rapidly Changing World. Rohnert Park, CA: Center for Critical Thinking and Moral Critique, Sonoma State Univ., 1990.

## **Саккизинчи мавзу. Халқаро муносабатлар бүйича тадқиқотларни амалга ошириш методологиясига кириш**

### **Режа:**

1. Илмий тадқиқот методлари.
2. Методика ва методология.
3. Когнитив харита.
4. Прогноз.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** метод, методология, методика, алгоритм, эмпирик, назария, модел, модернистик, прогностик.

Метод – бирон воқеликни назарий тадқиқ этиш (ўрганиш) ёки амалда ижро этиш йўлини англатади. Метод – ўрганилаётган предметнинг ички моҳияти идрок этиш йўлидир. Метод муаллифлик табиатига эгадир, яъни у муайян олим ёки олимлар гуруҳи томонидан, шунингдек, илмий ёки амалий мактаблар томонидан яратилади.

Методика – муайян нарсани ўқитиш ёки амалга оширишни ўргатиш методларининг (йўлларининг) йигиндишидир. Методика – бу, одатда, муайян мақсадларга йўналтирилган ишларни амалга ошириш йўлини ифодалайдиган тайёр “рецепт”, алгоритм ёки процедуралар йигиндишидир. Методика методдан унда кўлланадиган услублар ва унинг олдига кўйилган вазифаларнинг аниқлиги билан фарқланади.

Методология – умуман илмий метод ёки муайян фанларга оид методлар ҳақидаги таълимотдир. Методология – муайян предметни илмий ўрганишнинг йўллари, воситалари ва стратегиялари ҳақидаги таълимотдир. Методология амалда – интилаётган мақсадга эришиш учун кўлланадиган дастур (алгоритм), воситалар йигиндиси демакдир.

Билишнинг илмий методлари икки гурухга бўлинади: умумилмий (яъни, барча илмий йўналишларда кўлланадиган) ҳамда маҳсус илмий методлар (яъни, тегишли илмий йўналишлар учун хос илмий тадқиқот методлари).

Мантикий аксиомалар ва қонуниятлар билишнинг барча умумилмий методлари асосини ташкил этади ва улардан муайян йўналишлар бўйича амалга ошириладиган маҳсус тадқиқотларнинг барча бокичларида фойдаланилади. Умумилмий парадигмалар (юононча. парáбенéма, «мисол, модель, намуна») – бу илмий

жамоатчилик ёки унинг кўпчилиги томонидан эътироф этиладиган ва уни бирлаштириб турадиган фундаментал илмий кўрсатмалар, тасаввурлар ва атамаларнинг йигиндисидир. Бундай парадигмалар илм-фан ва ижодий жараённинг давомийлигини таъминлайди.

Умумилмий методлар эмпирик (юононча *empeiria* -тажриба) ва назарий (юононча *theoré* – кўриб чиқаман) методларга бўлинади.

Эмпирик методлар – бу: 1) кузатув, яъни ўрганилаётган объектни пассив мушоҳада килиш (унга аралашмасдан) ҳамда у билан боғлиқ сифатли маълумотларни жамлашдир. 2) ўлчаш ёки кузатувдан ҳосил бўлудиган микдорий натижаларни кўлга киритишдир; 3) эксперимент (тажриба) – ўрганилаётган объектга фаол аралашиш ҳамда бундай аралашувнинг натижасида рўй берадиган ўзгаришларни кузатишдир.

Эксперимент реал ҳамда фаразга асосланган (хаёлий) бўлиши му可信. Хаёлий эксперимент “назарий модел” деб номланади.

Назарий методлар эса, умумлаштириш, таҳлил, синтез ва абстракцияга асосланган тадқиқот методлариидир.

Умумилмий методларнинг эмпирик ва назарий методлари бир-бири билан боғлиқдир. Уларнинг ҳар бирида бошқа методларнинг муайян элементлари ўз ифодасини топгандир.

ХМни ўрганиш учун умумилмий метод ва методикаларнинг кўпчилигидан фойдаланилади. Шу билан бирга, ХМни таҳлил этишнинг ўзининг маҳсус методологик ёндашувлари бор. Улар жаҳон сиёсий жараёнларининг ўз спецификаси борлиги билан боғлиқ бўлиб, улар муайян давлатлар ичida кечеётган жараёнлардан фарқланади. Шунинг учун ҳам уларни ўрганишда маҳсус методларни билиш муҳим.

Жаҳон сиёсати ва ХМни тадқиқ этишда кузатув методи алоҳида ўрин тутади. Биз ҳалқаро воқеаларни воқеаларни аввал кўрамиз, кейин баҳолаймиз. Охирги пайтда ХМ ни кузатишнинг инструментал кузатуви, яъни техник воситалар орқали кузатиш тез ривожланмоқда. Масалан, ҳалқаро ҳаётнинг муҳим муносабатлари-лидерларнинг учрашувлари, ҳалқаро конференциялар, ҳалқаро ташкилотларнинг фаолияти, ҳалқаро конфликтлар, улар бўйича музокалар ва ҳқзларни биз видеотасмалар ёки ТВ орқали кузатамиз.

Кузатувнинг янада кизикроқ кўриниши тегишли воқеаларнинг ичida юрган кишилар томонидан амалга оширилишидир. Бундай кузатувнинг натижаси машхур сиёсатчилар ва дипломатлоарнинг мемуарларида ўз ифодасини топади ва муҳим манбалар қаторини

тўлдиради. Улар ХМ тарихини ўрганишнинг энг муҳим манбаларидан бирини ташкил этади.

Таҳлилий (аналитик) тадқиқотлар, айниқса, дипломатлар томонидан амалга оширилган бўлса, янада фундаментал ва кўпроқ маълумотларни ўзида мужассамлаштирган манбалар гурухини ташкил этади. Масалан, XX асрнинг 70-80-йилларида АҚШ давлат бошқарувидаги муҳим лавозимларда ишлаган Генри Киссинжернинг “Дипломатия” китоби бунга мисолдир.

Тегишли давлатларнинг ташки сиёсати, қабул қилинган карорларнинг асл сабаблари ҳақидаги муҳим маълумотларни ўрганишда хужжатлар муҳим роль ўйнайди. Хужжатларни ўрганиш методи кўпроқ ХМ тарихини ўрганишда муҳим роль ўйнайди, аммо шу оннинг ўзида кечётган жараёнлар ўрганиш бўйича муайян чекловлар туфайли самарали натижада бермайди.

Америкалик тадқиқотчи Е.Азар дунёдаги энг мураккаб ивент-анализлардан бирини амалга оширган. У халқаро конфликтларга оид ярим миллионга яқин маълумотлар банкини яратди. Улар ўттиз йилда кечган ва 135 давлатга таалуқли эди. Ушбу анализ натижасида бир қатор дикқатга сазовор натижалар қўлга киритилган бўлиб, улардан бутун дунёда фойдаланилади.

XX асрнинг 50-60 йилларида ХМни ўрганишнинг янги (модернистик) йўналишлари доирасида бошқа фанларга оид методологик ёндашувдан фойдаланила бошланган. Ана шундай методлардан бири когнитив карталаштириш (хариталаштириш) методи деб номланади. Когнитив хариталаштириш илк бор когнитив психологияда қўлланган бўлиб, у бугунги психологиянинг йўналишларидан бирини ташкил этади. Когнитив психологлар инсоннинг атроф-муҳит ҳақидаги билимлари ва тасаввурларининг шаклланиши жараёнлари билан боғлиқ ўзига хосликларни ва уларнинг динамикасини тадқиқ этиш билан шуғулланадилар. Уларга таянган ҳолда шахснинг турли вазиятларда ўзини қандай тутиши прогнозланади.

Когнитив хариталаштиришнинг негизини инсон онгидаги маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва саклашнинг суратини акс эттирадиган дунёнинг когнитив харитаси, яъни картаси ташкил этади. У инсоннинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақидаги тасаввурларининг фундаментини ташкил этади.

ХМ бўйича когнитив (ақлий, билиш) хариталаштириш – бу сиёсий матнлардаги мулоҳазаларнинг таркибий қисмларини

аниқлаш (масалан, нима нимадан кейин келиб чиқаяпти, бкнинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин ва ҳоз.) ва уларга асосланган ҳолда матн муаллифининг тафаккур тарзи амда унинг тегишли сиёсий вазиятга муносабати ҳақида холосалар чиқариш учун имкон яратади.

#### Когнитив карталаштириш нима беради?

КК у ёки бу карорларнинг қабул қилиниши жараённида сиёсатчилар томонидан эътиборга олинадиган омилларни олдиндан кўриш ва баҳолаш имконини беради.

#### Бундай омиллар кандай аникланади?

Улар матннинг (масалан, нутқнинг) умумий маъносидан келиб чиқиб ёки муайян калит иборалар, масалан, “сиёсат – бу уруш”, “охиригача олиб бориш керак”, “ҳеч кимга қўшилмайдиганлар бўлмайди” ва ҳоказолардан “чиқариб” олинади. Муайян матнни мазкур метод орқали таҳлил этиш орқали унинг муаллифи режалаштираётган тадбирларни прогнозлаш мумкин. ККдан муайян лидернинг тегишли сиёсий муаммо бўйича фикрини, унга бўлган ёндашувини аниклаш мумкин. Бу эса унинг тегишли халқаро муаммоларга оид қарорлари қанақа бўлиши мумкинлигини аниклашга ёрдам беради.

#### Когнитив харита (карта) қандай тузилади?

- Сиёсий лидер томонидан фойдаланилган асосий тушунчалар аникланади;
- Улар орасидаги мантиқий алоқадорлик (причинно-следственная связь);
- Уларнинг аҳамияти кўриб чиқилади ва баҳоланади, шунингдек умуман матн ҳам.

Ушбу тартибда тузилган КК кўшимча таҳлил қилинади ва ундан қўйидаги холосалар чиқарилади: тегишли лидер учун муҳими ташки сиёсатми ёки ички масалаларми? Умуминсоний ахлоқий кадриятлар унинг учун қангчалик муҳим? Аниқ халқаро сиёсий вазиятлар бўйича қарор қабул қилишда умуминсоний ахлоқий кадриятлар нечоғлик аҳамиятли ва ҳоказо.

ХМ бўйича тадқиқотларда фойдаланилдиган яна бир метод моделлаштириш деб номланади. У ҳам аввал бошка (кўпроқ аниқ фанларда) соҳаларда оммалашиб, кейинчалик ХМ тадқиқотларига ҳам кўчган. Бу услуг тегишли объектни уни идрок этиш тарзига асосланган унинг ҳақиқий моҳиятига ўхшаш ва унинг хусусиятларига формал жиҳатдан ўхшаш образини ўрганишга

таянади. Бундай методдан фойдаланиш маҳсус математик билимлар эгаси бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам ундан фойдаланиш кўпчилик учун муаммо.

Моделлаштириш методига бир мисол:

Форрестернинг дунё ривожланиши истиқболлари модели.

1968 й. жамоат арбоби ва бизнесмен Аурелио Печчеи ташаббуси билан Рим клубига асос солинганини биласиз. Унинг асосий вазифаси глобал муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини излаш қилиб белгилангани маълум. Яна бир мақсад кенг омма эътиборини мазкур муаммога жалб этиш эди. Бунинг энг самарали йўли математик формулалардан фойдаланиш экани аён бўлди. Шунга кўра, 1970 йили Рим клуби проф. Дж Форрестерга глобал тараққиёт моделини яратишни таклиф этди. Атиги 4 ҳафтада бундай моделнинг илк кўриниши таклиф этилди (“Дунё-1”). У глобал тараққиёт жараёнларининг кўпол ёки примитив кўринишини имитация килар эди. Кейинчалик у такомиллаштирилган (“Дунё-2”) ва тарихга “Дунё динамикаси – 3” номи билан тарихга кирган.

Моҳияти: У тизимли динамика принципларига асосланган ва иккита асосий таркибий қисмни камраб олади: 1) Концептуллаштириш бўлиб асосий муаммони аниқлаб олишни англатади. Форрестер назарида улар куйидагилар бўлган: аҳолининг юқори суръатлар билан кўпайиши, индустрIALIZация, озиқ-овқат этишмовчилиги, ишлаб чиариш чиқиндиларининг кўпайиши, ресурсларнинг этишмаслиги ёки камлиги. 2) Тенгламаларни тизими. Форрестер модели 114 ўзаро боғланган тенгламаларга асосланган.

Дунё ривожланиши динамикасини тадқиқи этиш бу каби моделларга асосланиши кўпчилик томонидан қўллаб-куватланади. Бироқ улар оддий ва аниқ бўлиши талаб этилади. Форрестер методи улардан бири ҳисобланади. Уларнинг яна бири Медоуз моделидир. Буларнинг иккиси халқаро ҳамжамиятнинг глобал муаммоларга эътиборини кучайтириди. Уларнинг ечимини излаш барчанинг иши эканига ишончни оширди. Инсоният тарихида илк марта тараққиёт йўлининг тўғри ёки хатолигини баҳолаш ҳаётий ҳақиқатга айлангани идроки кучайди.

Аммо ХМ билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда математик ёндашувларга берилиб кетиш ҳар доим ҳам кўзланган мақсадларга элтувчи йўл эмаслигини Farb тадқиқотлари кўрсатди. Бунинг сабаблари: бир томондан, ХМ халқаро жараёнлар ва вазиятларнинг моҳиятини ифодалайдиган хусусиятларни математик тилда

ифодалаш кийин (яъни сифатни миқдор билан ўлчаш), иккинчидан, сиёсатшуносларнинг математик билимларининг заифлиги. Бироқ информацион технологияларнинг тез суръатлар билан ривожланиши бу соҳага ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда, янги имкониятлар пайдо бўлмоқда ... (Бу масаланинг моҳиятини чукурроқ англаш учун “частотный словарь”лар тузиш методикасини мисол қилиб кўрсатиш мумкин). XX асрнинг 60-70-йилларида “Кўчлар мувозанати” ва “Дипломатик ўйин” каби аналитик моделлар яратилган. Ўша пайтда GASSON деб номланадиган информацион-кидирув тизими яроатилган. У дунёдаги 27 халкаро конфликтларга оид маълумотларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, улар ўртасидаги умумийлик ва бошқа хусусиятларни тавсифлашга асосланиб, уларнинг ривожланиш босқичлари учга бўлинган: урушдан олдинги босқич, уруш босқичи ва урушдан кейинги босқич. Ҳар бир босқичда кузатилган бир хил факторлар аниқланган: 1-босқичда 119, 2-босқичда 110 ва 3-босқичда 178 ўхшаш омил аниқланган. Уларни умумлаштирганда 11 категорияга тегишли экани аниқланган. Ҳар бир аниқ ёки локал конфликтда муайян омилларнинг мавжудлиги ёки уларнинг кузатилмагани қандай оқибатларни келтириб чиқаргани аниқланган ва ҳоз. Бундан энди бошланаётган зиддиятлар ва конфликтларнинг олдини олиш йўлларини аниқлашда фойдаланилган. У прогноз демакдир.

#### ХМ тадқиқ этиш методларига яна қуидагилар ҳам киради:

Экспликатив методлар. Муайян ҳолатлар ва омилларнинг тафсилотларини ўрганишга асосланган методлар бўлиб, уларнинг энг кенг тарқалганларин - контент-анализ, ивент-анализ, когнитив карталаштириш- кабиларни биз кўриб чиқдик.

Прогностик методлар. Улар нисбатан оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Биринчиларига қиёсий, яъни бирон мисолга суюнган ҳолда ўрганиш, оддий экстраполяция методи, “Дельфий” (жой номи) методи (Дельфий методи 1950—1960йилларда АҚШда истиқболдаги илмий тадқиқотларнинг уруш методларига кўрсатиши мумкин таъсирини прогнозлаш учун ишлаб чиқилган (RAND корпорацияси томонидан ишлаб чиқилган, Olaf Helmer, Norman Dalkey, и Nicholas Rescher унинг муаллифлари саналади. Дельфий Оракул номидан олинган. Экспертлик баҳолаш усулларидан бири ҳисобланади), сценарийлар тузиш методи ва ҳоз. Иккинчиларига тизимли ўрганиш методи, хронологик сериялар (яъни қайтариқлар),

спектрал таҳдил, компьютер-симулятив методлар ва бошқалар киради.

Карорларни қабул қилиш жараёни таҳлили методи. У ҳалқаро сиёsat тизимли таҳлилининг ўлчовига асослангандир.

Кузатув (мониторинг) дастлабки маълумотларни эмпирик йўл билан кўлга киритишнинг энг оддий методидир. XMда мониторингнинг иккита туридан фойдаланилади: ички мониторинг, яъни тегишли ҳалқаро воқеаларнинг бевосита иштирокчиси (инсайдер) орқали амалга ошириладиган кузатув, иккинчиси, инструментал мониторинг, яъни тегишли воқеа ёки объектнинг билвосита кузатилиши. Бугунги дунёдаги информацион тўлқинларнинг кучайиши инструментал мониторингнинг аҳамиятини бекиёс оширмоқда. Компьютер, интернет, ТВ ва ҳоз.

Тавсифлаш методи воқеа ва жараёнлар кечиши динамикасини сўз (тил) билан тавсифлаш, яъни уларни қайд этиш. Бу муҳим метод, аммо факат унинг ўзи билан чекланиш янги билимларни яратишни таъминламайди. Бундай билимларни яратиш учун тавсиф этилган жараёнларни танқидий таҳдил этишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам XM бўйича тадқикотларда тавсифлаш методидан маълумотларни гуруҳлаштириш, тизимлаштириш ва таснифлаш учун ёрдамчи метод сифатида фойдаланилади.

Қиёслаш методи (компраавистика) ўрганилаётган объект ёки унинг муайян қисмини бошқа обьектлар билан мутаносиблигини аниклашни англатади. Бугунги кунда бу метод кўлаб фанларга чукур сингиб улгарган, жумладан, сиёсий тадқикотларда кенг кўлланади. Шу туфайли қиёсий политиология (компраавистика) деб номланадиган сиёсий тадқикотларнинг яхлит бир тизимиға асос солди. Бу методнинг қиймати унинг операцион имкониятлари билан белгиланади, яъни у кўплаб обьектларни таққослаш имконини беради. Бунда таққосланадиган обьектларнинг сони қанчалик кўп бўлса, олинадиган маълумотнинг сифати ва қиймати шунчалик баланд бўлади. Оддий тавсифлашдан фарқли равища, компаратив метод тадқиқотнинг комплекс методи бўлиб, у кўп кирралик маълумотларга асослангандир. Шунинг учун ҳам унинг тадқикот сифатидаги қиймати бошқа усуллардан баландроқдир. Зоро у ўрганилаётган объект ҳақида янги билимларни олиш имконини беради.

Эксперимент — XM тадқиқотида кам кўлланадиган метод. Аммо уни тўлиқ инкор этиб бўлмайди. Бундай методнинг ахлоқий

тарафлари ва холислиги масаласи анчагина мунозарали эканлигича қолмокда. Бунинг сабаби, биринчидан, эксперимент (тажриба) илмий асосланган билимни ҳосил қилиш жараённинг таркибий қисмини ташкил этади. Иккинчидан, ижтимоий фанларда эксперимент ўтказиш жуда катта мураккабликлар билан боғлиқдир. Зеро ижтимоий жараёнлар ўзгарувчан ҳодиса бўлиб, уларни амалда акс эттиришнинг имкониятлари амалда ўта чеклангандир.

### **Назорат саволлари:**

1. Метод ва методик: умумийлик ва фарқлар.
2. Методология нима?
3. Билишнинг илмий методлари.
4. Умузилмий методлар.
5. Когнитив ҳариталаштириш нима?
6. Моделлаштириш методининг моҳиятини нима ташкил этади?
7. “Глобал тараққиёт моделлари” тушунчаси: Ж.Форестер мероси.
8. Прогностик методнинг моҳияти: Дельфий методи.

### **Адабиётлар:**

- Форестер Дж. *Динамика развития города*. — М.: Прогресс, 1974. — 286 с.
- Форестер Дж. *Мировая динамика*. — М.: ACT, 2003. — 384 с.
- Мунтян М.А. *Основы теории международных отношений*. — М., 2007, 270 с.
- Боришполец К.П. *Методы политических исследований*: Учебное пособие для студентов ВУЗов. — М.: Аспект Пресс, 2005.
- Мангейм Дж.Б., Рич Р.К. *Политология: методы исследования*/Пер. с англ. Т.Л.Ветошкиной и др. — М.: Аспект Пресс, 2005.

## Түккизинч мавзуу. Халқаро муносабатлар бүйича тадқиқотлар йүналишини аниқлаш масаласи

Режа:

1. Халқаро муносабатлар ва жаҳон сиёсати предметларининг ўзаро мутаносибилиги масаласи.
2. ЖС фани халқаро сиёсат қонун(ият)лари тизими сифатида.
3. “Совуқ уруш”дан кейинги даврдаги халқаро муносабатлар мазмунини ўрганишга оид асосий йўналишлар.

*Калим сўзлар ва иборалар: тадқиқот йўналиши, предметлараро нисбат, конструктивизм, идеалистик, реалистик, бихеиваористик, иренология, полемология.*

ХМ ва жаҳон сиёсати деб номланадиган иккита предмет ўргасидаги нисбат масаласи анчагина мунозарали, шунинг учун ҳам доимий равишда муҳокама этилиб келади. Асосан либерал байналмилалчилик гоялари ва қадриятларига жаҳон сиёсати аввалбошда ХМ бүйича тадқиқотларга нисбатан альтернатива тарзида зухур топган эди. Айтиш жоизки, ХМ, ЖСдан фарқли равишда реализм назарияларига асосланган бўлиб, уларга кўра, давлатларнинг халқаро фаолияти асосий мақсадини миллий манфаатлар концепцияси ва уларни рўёбга чиқаришга қаратилган кураш ташкил этади.

Кейинчалик вазият бироз ўзгарди, жумладан, зикр этилган икки йўналиш бир-бирига яқинлашиб борди. Айрим олимлар (А.Вендт) томонидан ишлаб чиқилган “ижтимоий конструктивизм” ёндашувига кўра, халқаро майдондаги асосий акторлар бўлган давлатлар хаотик тарзда фаолият кўрсатмайди, балки муайян мъянода ўзлари истаган халқаро воқеликни яратиш билан шуғулланадилар. Демак, давлатдан юқори турадиган тузилмаларни тузиш давлатлараро муносабатларнинг муҳим компонентларидан бирини ташкил этади. Бундай гоялар ўзининг эмпирик ифодасини ХМ бўйича, жумладан, Европа минтақасидаги интеграция муаммоларига бағишлиланган тадқиқотларда ўз ифодасини топгандир.

Жаҳон сиёсати ўз предметига эга фан сифатида XX асрнинг иккинчи чорагида шакллана бошлаган. Унга қадар давлатлараро муносабатлар ХМ назарияси предмети ҳисобланган. ХМ назарияси эса, мустакил предмет сифатидаги тарихини 1919 йилдан, яъни Буюк

Британиядаги университетлардан бири (Абериствит) таркибиде шу номдаги кафедра очилгандан бошлайди. ХМ назарияси предметлараро билимлар соҳасини ўзида мужассам этган ва тарих, иқтисод, маданият ва хукукни қамраб олгандир. У воқеаларнинг хронологиясига асосланган бўлиб, унинг тараққиётидаги учта муҳим босқич алоҳида ажратиб кўрсатилади:

1. Идеалистик босқич (прогрессив назариялар етакчилик килган) – 1920-1930 йиллар;
2. Реалистик босқич (консерватив назариялар етакчи бўлган) – 1930-1940 йиллар;
3. Бихевиористик (хулқ-авторга асосланган) босқич (ижтимоий-илмий назариялар етакчи бўлган) – 1950-1960 йиллар.

1970 йилларда жаҳон сиёсати деб номланадиган янги фан узил-кесил шаклланди. У ҳам давлатлараро муносабатларни, ҳам жаҳон сиёсий жараёнидаги бошқа субъектларнинг халқаро майдондаги хатти-ҳаракатларини ўрганади (халқаро нодавлат ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар ва ҳоз.).

Идеалистик, реалистик ва бихевиористик методологиялар аста-секин жаҳон сиёсати назариясининг таркибий қисмига айланди. Идеалистик метод илмий йўналиши сифатида аста-секин иренология деб номланадиган илмий ёндашувга айланди (юонча *eirumt* – тинчлик). Унинг зидди бўлган тушунча – *полемология* (юонча *polemos* – уруш) хорижий сиёсатшуносликда урушлар ва конфликтларни ўрганишга ихтисослашган йўналиш сифатини касб этди. Ҳар икки йўналиш бир-бири билан мустаҳкам боғланган масала экани яхши маълум. Шунинг учун ҳам ушбу икки масала Фарбдаги бир қатор илмий тадқиқот институтлари томонидан бир-иккинчиси билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бундай тузилмалар ёки иренологик институтларнинг энг етакчилари қаторига Осло шаҳрида жойлашган Тинчликни ўрганиш халқаро институти (1959 й. Й.Галтунг<sup>1</sup> томонидан асос солинган), Тинчлик масалаларини ўрганиш Стокгольм институти (СИПРИ)<sup>2</sup>, Вена тинчликни ўрганиш

<sup>1</sup> Йохан Винсент Галтунг - норвегияллик социолог, математик ҳамда тинчлик ва конфликтларни ўрганиш хакидаги фаннинг асосчиси ҳисобланади. У 1959 йили Ослода очилган Тинчликни ўрганиш институти асосчиси бўлган ва уни 1970 йилгача бошкарган. 1964 йили “Тинчликни тадқиқ этиш журнали”га асос солган.

<sup>2</sup> Тинчлик муаммоларини ўрганиш Стокгольм институти 1966 йили ташкил этилган. 1969 йилдан ўзининг йиллик нашри бўлган — йиллик журналини нашр этиб келмоқда.

халқаро институти ҳамда АҚШдаги Жаҳон тизими институти (Институт мирового порядка)<sup>1</sup> киритиш мумкин.

Демак, жаҳон сиёсати (у *сиёсатнинг халқаро назарияси деб ҳам номланади*) фанининг предметини қўйидагилар ташкил этади: сиёсий воқеаликнинг глобал контексти, унинг ривожланиши билан боғлик замонавий тенденцияларни аниқлаш ҳамда бугунги дунё тузилмаси хусусиятларини белгиловчи омилларни аниқлаш ҳамда ўрганиш. Ушбу контекстда жаҳон сиёсати турли хилдаги ресурсларга эга бўлган кент қарорлари сиёсий акторлар (ёки субъектлар)нинг ўзаро муносабатлари натижаси ёки йигиндисидир.

Маълумки, бугунги халқаро тизим факат мустақил давлатлардангина иборат эмас. Турли-туман иқтисодий, молиявий, савдо, ҳарбий ва бошқа халқаро тузилмалар ҳам унинг таркибий қисмларини ташкил этади. Бундан ташқари, БМТ, халқаро хукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар ва ҳоказолар ҳам фаолият кўрсатади ва уларнинг барчаси ХМнинг субъектлари саналади.

Шундай қилиб, ХМ иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, дипломатик, хукукий, ҳарбий ва маданий алоқалар ва ҳамкорлик алоқаларининг тизимини ўзида қамраб олган феномен бўлиб, буларнинг барчаси уларнинг тадқикот йўналишларини ташкил этади.

Айтиш жоизки, давлатлар ва халқлар ўртасидаги барча муносабатлар ва алоқалар ҳам сиёсий табиатга эга эмас. Шундан келиб чиқиб айтиладики, жаҳон сиёсати – бу ХМнинг ядроси, яъни ўзак ўқидир. У ХМ субъектларининг (давлатлар, хукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар, иттифоқлар ва хкз.) сиёсий фаолиятини ифода этади. Бундай фаолият, асосан, уруш ва тинчлик масалалари, умумглобал хавфсизликни таъминлаш, атроф мухитни муҳофаза этиш, қашшоқлик ва қолоқликка барҳам бериш, очлик ва касалликларга қарши курашиш каби муаммоларни қамраб олади. Умумлаштириб айтганда, жаҳон сиёсати инсоният ҳамжамиятининг ҳаётийлги ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилгандир. Глобал ва регионал конфликтларнинг олдини олиш ва уларнинг ечимини топиш, дунёда адолатли сиёсий тизимни яратиш ҳам жаҳон сиёсати фани вазифалари қаторига киради, бу унинг тадқиқотлар йўналишлари спектрининг нечоғлик кенглигини англатади. Жаҳон сиёсати дунёнинг барқарорлиги ва тинчлиги ҳамда тенг хукуқли ХМ нинг асосий омилидир.

<sup>1</sup> С.Медловиц томонидан асос солинган.

ЖС фани ичида халқаро сиёсат қонун(ият)лари тизими деган тушунча мавжуд. У ЖС фани олдида турган вазифалардан келиб чыкади. Бундай вазифаларнинг энг муҳимлари қаторига эса давлатлараро ҳамкорликнинг қонун(ият)лари киради. Австралийлик социолог Л.Гумплович (1833-1909) ижтимоий ҳаётнинг асосий омили сифатида мавжудлик ёки барҳаётлик учун курашни белгилаган эди. Ушбу тезисга асосланган ҳойда у халқаро сиёсат қонунлари тизимини шакллантирган. Уларнинг орасидаги энг муҳим қонун бевосита қўшни давлатлар ўртасидаги уларни ажратиб турадиган чегаралар масаласи билан боғлиқ доимий кураш қонуниятидир. Ушбу асосий қонундан у иккинчисини чиқаради: ҳар қандай давлат қўшни давлатнинг кучайиб кетишининг олдини олишга интилиши керак ва сиёсий мувозанатни сақлаб туришни ўзининг ҳаётий вазифаси сифати кўриши лозим. Ва ниҳоят, у учинчи қонунни ҳам шакллантирадики, унинг моҳиятини куйидаги феномен ташкил этади. Ички сиёсат ҳарбий кучни мустаҳкамлашга каратилган бўлиши лозим. Зоро, айнан у орқали давлатнинг барҳаётлигига эришилади.

Кўриб чиқилган масалалардан кўриниб турибдик, ЖС ва ХМ ўртасидаги тематик яқинлашув тобора чукурлашиб бормоқда, уларнинг тадқиқот йўналишларидаги кесишув нуқталари мунтазам равишда кўпайиб бормоқда. Ушбу хусусиятни яхшироқ тушуниб олиш ва аниқроқ тасавур килиш учун бир мисол келтирамиз. У давлат ва нодавлат тузилмаларнинг бугунги конфликтларни бартараф этишдаги ҳамкорлиги билан боғлиқдир. Олдинги пайтларда ХМнинг ушбу иккита субъекти қўпроқ бир-биридан мустақил равишда фаолият кўрсатган ва бунинг натижасида дипломатияда иккита йўналиш шаклланган. Биринчisi, расмий дипломатия ёки дипломатиянинг биринчи йўналиши ва, иккинчisi, норасмий дипломатия ёки дипломатиянинг иккичи йўналиши деб номланади. Бундан фарқли равишда, охиригина пайтларда дипломатиянинг янги бир йўналиши бўлган “мульти йўналишли дипломатия” деган ёндашув тобора оммалашиб бормоқда. Унинг моҳиятини расмий ва норасмий категорияларга мансуб шихслар ёки субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги ташкил этади. Чунки бугунги конфликтлар, уларда иштирок этаётган тарафлар нуқтаи назаридан ўта мураккаб табиат касб этиб бормоқда, шунинг учун ҳам уларни фақатгина давлат ва нодавлат сегментларнинг ҳамкорлигидагина ҳал этиш мумкин. ХМ ва ЖС муаммолари туташув нуқтасида ўзини

намоён этиб бораётган иккинчи гурух муаммолар, давлат ва нодавлат сегментлар орасидаги ҳамкорлик эмас, балки уларнинг орасидаги зиддиятларнинг кучайиб бораётгани билан боғлиқдир. Бунда нималар назарда тутилмоқда? “Гринпис” деган ташкилот бор, унинг фаолияти, жумладан, Франциянинг Янги Зеландия соҳиллари яқинидаги ядрорий синовларига қарши кураши ва бошқа муаммолар билан боғлиқ.

Демак, баён этилганлардан ХМ ва ЖС тадқиқотчилари ўртасидаги муайян зиддиятли муаммолар ҳам мавжудлиги аёнлашади. Уларни икки гурухга бўлиш мумкин. Биринчиси, ушбу иккита – бири иккинчиси билан мустаҳкам боғланган йўналиш вакиллари орасида қизгин масала – бугунги дунёда кечеётган жараёнлар таҳлили билан шуғулланишда нимага кўпроқ ургу бериш лозим деган масала: ХМнинг давлат акторларигами (улар, умуман олганда, ХМнинг асосий актиорлари сифатида тан олинимоқда) ёки мунтазам равишда нуфузи ошиб бораётган нодавлат акторларгами? Иккинчи масала нодавлат акторлар ва уларнинг фаолияти бугунги умумжаҳон вазиятини тубдан ўзгартираётган компонентга айланганми ёки йўкми? Бунга қўшимча равишда шуни айтиш мумкинки, қиёсий сиёsatшунослик фани предмети ҳам ХМ ва ЖС йўналишлари билан тез-тез кесишиб туради. Бундан-да муҳими, айнан зикр этилган учта предметнинг туташув нуктларида бугунги дунёни ҳаракатга келтираётган омиллар билан боғлиқ муаммолар ўзини намоён этмоқдаки, уларни илмий ўрганиш ҳар учала фаннинг, айниқса, ХМ назариясинин долзарб вазифалари қаторига киради.

Бугунги воқелик шундан далолат бермоқдаки, ХМ, ЖС ва қиёсий сиёsatшуносликка оид тадқиқотларнинг алоҳидалиги ёки бир-биридан мутлақо ажратилганлиги деярли амри маҳол масалага айланмоқда. Чунки бундай ёндашувлар бугунги воқеликка тўқри келмай қолмоқда.

Аммо бундан зикр этилганлардан тегишли фанлар ва тадқиқотларда ХМ га оид масалаларни қандай аниқлаш мумкин деган мантикий савол ҳам келиб чиқади. Бу саволга универсал жавобнинг ўзи йўқ.

ХМга оид тадқиқотлар йўналишларини аниқлашда бир қатор омиллар назарда тутилиши талаб этилмоқда. Биринчидан, ҳозирги пайтда илмий муомалага киритилган “поствестфал дунё” тушунчасини. Унинг моҳиятини суверен давлатлар ХМ тизими-нинг асосий акторлари сифатидаги мақомини йўқотгани,

шунингдек, ушбу тизимнинг ўзи фақатгина халқаро-хуқуқий хужжатлар билан тартибга солинмаслиги. ХМда янги акторлар пайдо бўлмоқдаки, уларнинг умумдунё жараёнларига кўрсатаётган таъсири ҳам дискретик<sup>1</sup>, ҳам тизимлаштирувчи бўлиши мумкин (масалан, “Бен Ладен феномени”). Худди шу каби охирги пайт-ларда мунтазам кучайиб бораётган информацион технологиялар ва улардан келиб чиқадиган информацион сетлар тўғрисида гапириш мумкин. Поствестфал дунё тушунчаси қабул қилинадими, йўқми, бундан катъи назар, бугунги ХМни тадқиқ этиш методлари ва методологияси мумтоз, яъни “классик” кўринишлардан янгича “постклассик” ёндашувларга қаратилган трансформацион жараёнларни бошдан кечираётгани факт эканини таъкидлаш лозим.

Илмий тадқиқотлар ва илмий билишнинг замонавий босқичида ХМни сиёсий фанлар тадқиқот лъъектига киритиш қабул қилинган. Аммо ХМ бўйича мавжуд концепцияларнинг (уларнинг умумий сони тахминан юзтани ташкил этади!!!) илдизлари илмий тафаккур ва билишнинг турли соҳаларига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам ХМ тадқиқотчилари оддидаги турган энг долзарб илмий вазифалардан бири ХМнинг умумий назариясини яратиш бўлиб қолмоқда.

### **Назорат саволлари:**

1. Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар илмий йўналишлари: ўзаро нисбат муаммоси.
2. A. Вендтнинг “ижтимоий конструктивизм” концепцияси.
3. Иренология ва полемологиянинг илмий тавсифини баён этинг.
4. Жаҳон сиёсати фанининг предмети.
5. “Поствестфал дунё” тушунчаси моҳиятини очиб беринг.
6. Халқаро муносабатларни тадқиқ этиш методлари ва методологияси: классицизмдан посткаласицизм сари.

### **Адабиётлар:**

- Wendt Alexander. *Quantum Mind and Social Science. Unifying Physical and Social Ontology*. — Cambridge University Press, 2015. — 368 p.

<sup>1</sup> Дискретлик (лат. *discretus* — ажратилган, узилган) — давомийлик ёки узлуксизликка қарама-карши саналадиган хусусият, яъни узурлик.

- Ковальченко И.Д. *Методы исторического исследования*. Глава 4. Методы исторического исследования. - М.: Наука, 1987 - С.138 -194.- <http://www.hist.msu.ru/Science/IDK/research.htm>
- Коломийцев В.Ф. *Методология истории. (От источника к исследованию)* М.: РОССПЭН, 2007. <http://www.hist.asu.ru/faculty/books/kolomeicev.pdf>
- Комплексная междисциплинарная методика РУДН ситуационного анализа международных конфликтов: учебно-методическое пособие/ под ред. Д.А. Дегтерева, В.Г. Джсангириана, В.А. Цвыка. - Москва: РУДН, 2014.
- Хрусталев М.А. *Методика проведения ситуационных анализов. Организация, тематика, оценка результатов / Ситуационные анализы. Выпуск 1. Учебное пособие. МГИМО (У). 2011.* - <http://www.obraforum.ru/pdf/broshura1.pdf>
- Ахременко А.С. *Политический анализ и прогнозирование*. М.: Гардарики, 2006.

## Үнинчи мавзу. Халқаро муносабатларга оид муаммолар бүйича презентациялар тайёрлаш

**Режа:**

1. Microsoft Office Power Point дастури.
2. Power Point гоясининг эволюцияси.
3. Слайдлар ва улардан кўзланган асосий мақсад.

*Таянч сўзлар ва иборалар: презентация, power point, программа, проектор, монитор, мазмун, моҳият, формат, тезис, анимация, эффектлар.*

*Биринчи тезис.* Microsoft Power Point (тўлиқ номи — Microsoft Office Power Point, инглизча power point — ишончли мъаруза) — программаси презентацияларни тайёрлаш ва уларни намойиш этиш учун ишлаб чиқилган. PowerPoint орқали тайёрланган материаллар катта экранда проектор ёки катта экранли (мониторли) телевизор орқали намойиш этиш учун тайёрланади.

*Иккинчи тезис.* Power Pointни яратиш гояси Беркли университетида таълим олган Боб Гаскинс (Bob Gaskins) томонидан олга сурилган. 1984 йили Гаскинс ва Деннис Остин (Dennis Austin) исмли программист биргаликда бу ишни амалга оширишга

киришади. Боб и Деннис саъй-харакатлари билан дастлаб Presenter программаси яратилган. Деннис кейинчалик Том Рудкин (Tom Rudkin) билан ҳамкорликда унинг янада такомиллаштирилган версиясини яратади. Айнан шу версия кейинчалик Боб томонидан Power Point деб номланган.

1987 йили Apple Macintosh учун мўлжалланган Power Point 1.0 истеъмолга киритилган. У оқ-кора форматли бўлган. Кейинчалик, рангли Macintosh компьютерлари пайдо бўлгач, унинг рангли версиялари ишлаб чиқилган. 1987 йили Power Point Microsoft томонидан 14 млн. долларга сотиб олинган. 1990 йили унинг Windows версияси ишлаб чиқилган ва Microsoft Office программаси мажмуасининг таркибига киритилган. Бирор 2001 йилда Office XP программасининг ишлаб чиқилиши билан Power Point алоҳида ҳолда, яъни Office билан боғланмаган ҳолда ҳам сотила бошланган.

*Учинчи тезис.* Power Point кўплаб маротаба танқидга учраган. Танқидчилар, энг аввало, унинг истеъмолчига ўз стилини “тиқишириш”да айблашади. Маълумки, бу стиль ёки услуга материални қисқача тезислар, инглизчасига буллитлар шаклида баён этишини тақозо этади. Улар, одатда, экранда пайдо бўлади ва маърузачи томонидан, кўпинча, ўқиб берилади, шунинг учун ҳам эшитувчинанг эътибори мазмундан кўра кўпроқ шакл билаб банд бўлиб қолади. Power Pointда яратилган презентациялардан фойдаланишга қарши чиққанлар қаторида Йель университети профессори Эдвард Тафти, шунингдек, рус дизайнери Артемий Лебедевлар бор.

*Тўртинчи тезис* Power Point қандай ишлайди деган масала билан боғлиқ. Программани очиб, унинг ичига жойлаштирилган муайян мавзуулар ва шаблонларга дуч келасиз. Мавзу дегани – бу слайднинг макети бўлиб, у бири иккинчисига уйғун ранглар, шрифтлар ва маҳсус эффектлар (сој, акс этиш ва ҳкс)ни қамраб олган.

*Бешинчи тезис.* Маърузачининг фикрларини киритиш. Слайдларни катта ҳажм ёки микдордаги маълумотлар билан ҳаддан зиёд тўлдириш тавсия этилмайди (айрим Farb фильмлари охиридаги титрларни эсланг!).

*Олтинчи тезис.* Презентацияларни тайёрлап бўйича муҳим тавсиялар:

- Слайдлар сонини ҳаддан зиёд ошириб юборманг. Тинглов-чиларнинг диққатини назоратдан чиқармасликнинг йўлларидан

бири слайдлар сонининг минимал миқдорга келтиришдир. Шунда тингловчи кейинги слайд қачон кўрсатилишини сабрсизлик билан кутади. Телесериаллардаги эффектни эсланг!

- Аудитория учун қулай шрифтни танланг. Тингловчилар қаерда ўтирганидан катъи назар бемалол ўқий оладиган ҳажм ва кўринишили шрифтдан фойдаланиш лозим.

- Слайдни соддалаштиринг. Шундай килингки, аудитория слайдни ўқиш билан банд бўлиб қолмасин, балки сизнинг фикрларингизни эшитсин. Шунинг учун ҳар бир маълумотни бир категорга жойлаштириш йўлидан боринг...

- Визуал элементлардан фойдаланинг, улар тақдим этилаётган маълумотларни кўз олдимишга келтиришга ёрдам беради. Расмлар, диаграммалар, графика ва ҳоз. Улар Smart Art элементлари деб номланади. Информатив визуал воситалардан фойдаланинг, аммо слайдларни бачканалаштириб юборманг.

- Визуал элементлар остидаги ёзувлар ниҳоятда кисқа ва лўнда бўлиши лозим. Узун изоҳлар ва ортиқча тафсилотларни матнга киритишидан ўзингизни тийинг.

- Синиқ ранглардан фон сифатида, слайдлар жозибасини ошириш учун фойдаланинг. Аммо фон ёки бошқа элемент асосий мавзунинг ўрнини эгаллаб олмасин. Одатда ёшлар бунга мойилдиirlар. XM оид муаммолар одатда ўта жиддий масала бўлиб, ҳар хил енгил-елпи ёндашувларни қабул қилмайди.

- Бир слайдда битта ғоя билан чекланиш лозим. Одатда бир слайдда битта тезис ва унинг бир неча исботларини қамраб олиш презентациянинг ишончлилиги ва таъсир кучини оширади.

- Матн орфографияси ва грамматикасига эътиборли бўлинг. Зоро, аудитория учун тайёрланган матн сизнинг олимлигингиз кўзгусидир. Эътиборсизлик билан йўл кўйилган биргина хато, бир томондан, сизнинг профессионал малакангизни шубҳа остига кўяди, иккинчидан, тингловчининг диққатини масаладан чалғитиб кўяди.

- Битта слайдда ўттизтадан ортиқ сўз ва бештадан ортиқ пунктни ишлатмасликка харакат килиш лозим. Масалан, слайдда асосий тезисдан кейин бир, икки, уч ва ҳоказо тарзида баён этилган материал келса, у бештадан ортиқни ташкил этмасин.

- *Еттингчи тезис*. Презентациянинг классик таркиби, одатда, куйидагиларни қамраб олади:

- Титул вараги: мавзу, муаллиф, унинг контактлари ҳақидаги маълумотлар.

- Мундарижа: презентациянинг таркибий қисмларини қамраб олган режа.
- Тегишли бўлимнинг номланиши.
- Мавзу бўйича қисқача маълумотлар (3 ва 4 пунктлар бирисирига яқин)
- Резюме ва хулоса қисми
- Ташаккурнома (бу ерда ҳам муаллифнинг контаклари тақорланиши мақсадга мувофиқ).

*Саккизинчи тезис.* Презентация нима деган саволга яна бир карра қайтамиз. Энг оддий жавоб: презентация – бу муаяйн мавзуга бағищланган слайдлар йигиндиси...гина эмас! Слайдларнинг ўзи эса – презентация эмас! Слайдлар тўлақонли маъruzанинг иловаси, унинг осонроқ тушунтириш вазифасини бажарувчи ёрдамчи восита, холос. Презентация слайдларсиз амалга ошмайди. Инглизча *to present* феълининг маънолар қиррасини мушоҳада қилинса, презентациянинг нечоғлик кенг қамровли тушунча эканига амин бўлинади. Аслида, презентация тегишли маъruzанинг қисқартмаси, кенгайтирилган режасидир. Шу маънода у маъruzачига ўз фикрини тартибли баён этишга ёрдам берса, тингловчига маъruzадан кўзланган бош ғоя ва асосий мақсадни осонроқ илғаб олишга кўмаклашади.

Презентация бугунги кунда ўтказилаётган семинарлар. Тренинглар, конференцияларда ишлатиладиган инструментарийнинг энг муҳим элементига айланган. Зеро, дундай тадбирларда, одатда, ўта қиска (10-15 дақиқа) вақт давомида муайян мавзуни тўлиқ очиб бериш талаб этилади. Презентация эса, ушбу мақсадга этишининг энг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Охирги пайтларда презентация тайёрлашнинг дастурий таъминоти кенгайиб бормоқда. Power Pointдан ташқари, презентациялар Impress ва Acrobat дастурлари воситасида ҳам тайёрланмоқда. Лекин бизни қизиқтирадиган асосий масала презентациянинг мазмуни ва унинг таъсир кучидир. Шу билан бир қаторда, презентация тайёрлашнинг техник воситалари тараққиётидаги инқилобий ўзгаришлар ҳақида, албатта, алоҳида тўхталиш лозим. Масалан, 3D-эффектларининг ихтиро этилиши презентация ҳақидаги тушунчанинг моҳиятини тубдан ўзгаририб юборди. Бу эффект орқали инсон муайян объектнинг ҳақиқатга энг яқин кўриниш ва ички таркибий тузилишини бевосита кўриш имкониятига эга бўлмоқда. Бунинг аҳамияти нимада? Айрим

ҳолларда муайян объектлар курилиб бўлгач, уларнинг баъзи қисмлари бузиб ташланиб, бошқача кўринишда қайта курилади... Сабаби хаёлотдаги тасаввур билан ҳакиқат ҳар доим ҳам мувофиқ келавермайди. Ана шундай “алданишлар” 3D технологияси ихтиро этилгач, деярли барҳам топди. Чунки инсон ўзи куришни мўлжаллаётган нарсанинг якуний кўриниши, унинг муайян қисмлари ва ҳоказоларни олдиндан кўриш имкониятига эга бўлди. Бу эффектнинг самараси фақатгина архитектура ёки техник масалалар билан чекланиб қолмайди, албаттa.

*Тўққизинчи тезис:* Фойдаланилаётган ранглар уйғунлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим! Подбор точных цветов существенно влияет на восприятие презентации, достаточно распространенная ошибка – использование несочетаемых цветов. В Интернете достаточно сервисов, которые помогают провести тестирование сочетания цветов. Презентацию нужно насыщать образами, однако если имеются графики, то их необходимо максимально упрощать.

*Ўнинчи тезис:* Номлар (сарлавҳалар)ни такрорлашга йўл кўйманг!

*Ўн биринчи тезис:* Презентацияни безашга ҳаддан зиёд ургу бермаслик. Бундай қилингандা, презентациянинг мазмунига птур етказилиши мумкин. Презентацияда фақатгина баён этилаётган материалнинг моҳияти ўз ифодасини топиши лозим.

#### **Назорат саволлари:**

1. Power Point ғоясининг туғилиши. Боб Гаскінс ва Деннис Остин ҳамкорлиги маҳсули.
2. Слайднинг моҳияти.
3. Презентацион материалларда визуал элементлардан фойдаланиш қоидалари.
4. Слайд матни орфографиясига талаблар.
5. Презентациянинг таркибий тузилиши.
6. Презентацияни “безаш” масалалари.

#### **Адабиётлар:**

- И.Д. Куклина. Создание динамических объектов в программе PowerPoint 2010 (рус.) // Информатика: журнал. — М., 2016. — Март (№ 03 (685)). — С. 18—20.

- Боришполец К. Методы, методика и процедуры прикладного анализа международных отношений //Международные отношения: социологические подходы/ Под ред. П.А. Цыганкова. – М.,1998.
- Введение в прикладной анализ международных ситуаций. Учебник / Под ред. Т.А.Шаклеиной. М.: Аспект Пресс, 2014.
- Косолапов Н.А. Эпистемология и методы анализа / Очерки теории и методологии политического анализа международных отношений // Богатуров А.Д., Косолапов Н.А., Хрусталев М.А. - М.: НОФМО, 2002. 390 с. URL: <http://obraforum.ru/pdf/Essays-bogaturov-chapter3.pdf>

**Ўн биринчи мавзу. Маълумотларнинг глобаллашуви шароитида халқаро муносабатлар эволюциясида ўзини намоён этётган янги тамоиллар**

**Режа:**

1. “Маълумотларнинг глобаллашуви” тушунчасининг моҳияти.
2. Информацион жамиятнинг асосий хусусиятлари.
3. Информацион жамият фазилатлари ва муаммолари.
4. Медиаконцернлар ва уларнинг информацион жамиятдаги ўрни.

**Калим сўзлар ва иборалар: маълумот, глобаллашув, эволюция, технология, киберборлиқ, информацион жамият, ресурслар, экспансия, информацион ресурслар.**

**Маълумотларнинг глобаллашуви:** XX аср охири-XXI бошларида содир бўлган ўзгаришларнинг натижаларидан бири янги типдаги информацион жамиятнинг шаклланиши бўлди. Бу нима дегани?

Унинг асосини компьютер технологиялари ташкил этмоқда. Ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғи – ақлий ишлаб чиқариш. Сиёсий тизим – демократия. Асосий мақсад – вактни қадрлаш. Япон олими Й. Масуде 1983 йили нашр этилган китоби «Информацион жамият – псондустриял жамият сифатида» да ушбу мезонларни асослаб берган.

Америкалик тадкиқотчи О. Тоффлер ўзининг “Хокимиятнинг силжиши” («Сдвиг власти», 1990) китобида айтадики, доиндустрисал босқич асоси, яъни фундаментини куч, индустрисал босқич асосини — пул, бугунги жадал ривожланаётган жамият асосини билим ташкил этади.

Яна бир америкалик олим Д. Белл ўзининг «Информацион жамиятнинг ижтимоий чегаралари» (1980) китобида информацион жамият постиндустриал жамиятнинг барча белгиларини ўзида мужассамлаштирган: хизматлар иктисодиёти, назарий билимларнинг етакчи роли, келажакка йўналтирилганлик, янги интеллектуал технологияларнинг ривожланиши ва ҳоз.

Информацион жамият глобал информацион маконда амал қиласди ёки мавжуд бўлади; одамлар умумдунё информацион ресурслардан фойдаланиш имконига эга бўладилар; табиий ресурслар, меҳнат ва капиталлар бозорига қўшимча равишда ишлаб чиқарши омили табистига эга маълумотлар бозори шаклланиб, ривожланади; ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида инфраструктуранинг роли ошади (телефоникация, транспорт, ташкилий ва ҳоз); миллий ва ҳалқаро қўлламлардаги информацион алмашинувнинг имкониятлари кенгайиши сабабли таълимнинг даражаси юксалади, квалификация, профессионализм ва қобилиятнинг роли ошади ва ҳоз. Ва ниҳоят, создается эффективная система обеспечения прав граждан и социальных институтов на свободное получение, распространение и использование информации как важнейшего условия демократического развития, улучшения взаимодействия населения с органами власти.

Информацион жамиятта қараб ҳаракатланиш — башарият цивилизациясининг келажаги сари ҳаракатланиш демакдир. «Глобал информацион жамиятнинг Окинава Хартияси» моҳиятини айнан шу ташкил этади. У 2000 й. дунёнинг етакчи етти давлати раҳбарлари томонидан имзоланган.

Аслида, глобализация — умумдунё маконининг қадамба-қадам ягона тизимга трансформациялашуви жараёнидир. Бу жараён туфайли нафақат капиталлар, товарлар ва хизматларнинг чекланмаган ҳаракати кафолатланади, балки, шунингдек, фикрлар ва қарашлар ҳамда уларнинг элтувчиларининг эркин ҳаракатланиши ҳам таъминланади.

Охири гийларда “информацион жараёнларнинг глобаллашуви” деган ном билан юритилаётган феноменнинг шаклланиши

кузатилмокда. Маълумотларнинг лаҳзалар ичидаги фойдаланувчига етиб бориши уларни дунёда кечайтган жараёнларнинг гувоҳига айлантирилмоқда. Одамлар беихтиёр бундай жараёнларнинг иштирокчиси бўлиб қолмоқда. Компьютер тизимлари бутун дунёни қамраб олмоқда, бу уларга ҳар қандай ўлкада кечайтган воқеа ва ҳодисалар бўйича инфомрация олиш имкониятини бермоқда.

Электрон ҳисоблаш технологияларининг кенг кўламда ҳаётга татбиқ этилаётгани, глобал миқёсдаги компьютер “тўри”нинг шаклланиши маълумотларни йиғиши, таҳлил этиши ва тарқатишнинг моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. Маълумотларнинг шундай базалари шаклландикӣ, улар дунёдаги таҳдилий жараёнларнинг мазмун-моҳиятига катта таъсир кўрсатмоқда. Бунга АҚШга тегишли Нексис маълумотлар базаси мисол бўла олади. У 8 млндан ортиқ мақола ҳамда 125 газета, журнал ва бошқа манбаларда чоп этилаётган материалларни ўзида мужассам этган бўлиб, юзлаб банклар, тижорат муассасалари ва журналистлар фаолиятининг маълумотлар таъминоти билан шуғулланади. Ундаги журналистик файллар АҚШнинг New York Times, Washington Post, US Today, Россия матбуоти обзори, энг йирик телеграф агентликлари хабарларини ўзида аккумуляция қилиб боради. Ушбу базадаги материаллар микдори ҳар куни таҳминан 40 мингта янги мақолага кўпаяди.

Муаммолар: 1980 йили Шон Макбрайд бошчилигидаги комиссия томонидан “Кўп овоз – яхлит дунё” номли маъруза нашр этилган эди. Унда тақдим этилган иноформацион-коммуникатив харитадан бугунги дунёдаги информацион нотенглик яққол кўриниб туради. Кейинги даврда ўтказилган тадқиқотлар бу соҳдаги нотенглик аста-секин ўтмишга айланиб бораётганини кўрсатмоқда, яъни нисбатан паст ривожланган мамлакатларда ҳам ОАВ, жумладан, газета ва журналлар, радио ва телевидение тобора кўпайиб бормоқда. Аммо ривожланган давлатлар, айниқса, АҚШ бу соҳада дунёдаги барча мамлакатлардан анча илгарилаб кетгани факт. Бундан келиб чиқадиган оқибатларни таҳлил этиш халқаро муносабатлар илмий йўналиши олдидағи долзарб вазифалар қаторига киради.

ЮНЕСКО таъсисчилари томонидан маълумотларнинг сўз ва тасвир орқали эркин тарқатилиши халқлар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим омили деб эълон қилиниши таклиф этилган. Аммо ушбу масала “совуқ уруш” даври учун долзарб эди, чунки у

пайтда бундай қилишнинг имконияти деярли йўқ эди. Шунга кўра 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ЮНЕСКО ОАВ ҳақидаги янги ёндашувларни ишлаб чиқа бошлади. Масалан, 1989 йилнинг нояброда коммуникациялар бўйича янги стратегия бир овоздан қабул қилинди. Унинг моҳиятини маълумотларнинг барча даражалардаги эркин ва тўсиқларсиз ҳаракати ва тарқатилишини таъминлашга эришиш ташкил этади.

1990 йилдан ЮНЕСКОнинг маданият ва коммуникациялар бўлими ўз фаолиятини бошлади. У ривожланаётган мамлакатларга тегишли 42 лойиха бўйича ишларни бошлаб юборган эди. Уларнинг ичидаги журналистларни касбий тайёрлаш, янги демократияларга ёрдам кўрсатиш, газета, журнал ва ОАВнинг бошқа кўринишларини яратишида кўмаклашиш каби масалаларни қамраб олган эди. Айтиш жоизки, бундай лойиҳаларнинг анчагина кисми ахолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган давлатларда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳам ана шундай мамлакатлар қаторига киритилган.

Информацион жараёнларнинг глобаллашуви шароитида ўзини намоён этаётган яна бир янги тамойил ҳалқаро муносабатларга оид лексиконга “информацион экспансия” деган ном билан кириб келди. Унинг моҳиятини муйян миллий информацион маконда бошқа мамлакатларга тегишли информацион механизмларнинг амал қилиши ташкил этади. Ушбу муаммо ҳакида илк маротаба 1960-йилларда гапирила бошланди. Ўшандада нисбатан кичик ва иқтисодий заиф давлатлар ўзларининг йирик ва ривожланган кўшнилари билан боғлик информацион босимни яққол сеза бошлаган эдилар. Ўшандада Канада радиотелекомпанияси томонидан мамлакатда тарқатилаётган маълумот ва хабарларнинг квотасини умумий миқдорнинг 40 фоизи даражасида белгилаш, бир мамлакатдан кириб келаётган информация эса 30 фоиздан ошмаслиги таклифини олга сурган эди.

Ажнабий манбалардан чиқадиган хабар ва маълумотларга илк давларданоқ катта шубҳа билан қаралган ва бу масала ўта сиёсийлаштирилган. Бундай маълумотлар одамлар *тафаккурни назорат қилишига* қаратилган деган ишонч ҳар доим устувор бўлиб келган. Ажнабий манбаларга ишончсизлик урушлар давридан бошлаб давом этиб келмоқда. Зеро, урушлар давомида информацион тўлқинлар ўзига хос қурол вазифасини бажарган. Яъни улар душман ғояларининг тарғиботига хизмат қилган.

Шуни назарда тутиш лозимки, глобаллашув икки томонлама ҳаракат йўлидир. Буни 19 асрнинг охиридан бошланган маълумотларнинг глобаллашувига ҳам татбиқ этиш мумкин. Бу йўлдаги иккинчи мухим қадам XX асрнинг 20-йилларида қўйилди. Шу даврдан бошлаб катта агадларда нашр этиладиган йирик тасвиirlар билан безатилган журналлар чиқа бошлаган. Ундан кейинрок СНН, Евроньюс, BBC World, Ал-Жазира каби медиконцернлар даври бошланди. Бугун эса Интернет “тўри” қамраб олмаган худуднинг ўзи амалда қолмади.

Бугунги дунё информацион харитасида энг нуфузли ўринларни згаллаб турган ОАВ

Мамлакат	Газета	Радио	ТВ	Информ.агентлик
АҚШ	USA Today, Олстрит Жорнал		CNN International	Associated Press
Англия	Файненшел Таймс		BBC World	Reuters
Франция	Монд, Фигаро		Euronews	France Press
Германия			Euronews	
Россия			Russia Today	
Китай	Женминь Жибао			Синь Хуа

Информацион ресурсларнинг тақсимотида, шунингдек, АОI-Time worner, Виаком, Уолт Дисней, Ньюс Корпорейшен, Дженирал Электрик, Бертиман каби йирик медиаконцернлар ҳам алоҳида ўрин тутади.

Медиакорпорациялар қуидагилар билан шуғулланади:

- медиа маҳсулотларни яратиш;
- контент экспорти (янги фильмлар); асосий экспортер – АҚШ.

Контент муайн мафкуравий ва маданий моҳиятни ўзида мужассам этган.

Таъкидлаш лозимки, информацион жараёнларнинг глобаллашуви ичидаги маданий моҳиятни, асосан, евроцентризм феномени ташкил этмоқда. Farb маданиятининг устуворлиги қуидаги асосий оқибатларни келтириб чиқармоқда:

1. Мамлакатларнинг маданий автономияси (мустақиллиги) нинг бузилишига сабаб бўлади. Бу одоб-ахлоқ масаласида, кийиниш маданияти, ҳаёт тарзи каби кўринишларда ўзини намоён этади.

2. Маданий ўзликни шакллантиришга халақит беради.

3. Мутлақ кўпчилик учун аҳамиятсиз бўлган маданий сегментнинг кўзга якқол ташланиб туришига олиб келади ва ҳоз.

“Маданий империализм” асоратидан қутулиш учу глобал миқёсда фаолият юритаётган ОАВ цивилизацияларо мулоқотнинг бардавомлигини таъминлаши, дунёда кечаетган воқеа ва ҳодисаларнинг бир томонлама талқинидан воз кечиши талаб этилади. Кўриниб турганидек, ҳар иккала масала, айниқса, уларнинг иккincinnисини амалга ошириш анчагина мураккаб вазифа. Зоро, глобал ОАВ фаолиятини таъминлаётган кучлар учун улар тегишли концернлар, ҳукуматлар ва бошқа тузилмаларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришнинг воситасидир.

Маълумотларнинг глобаллашуви келтириб чиқараётган яна бир хатарли оқибат ҳалқаро муносабатлар лексиконида *дезинформация* (ёлғон маълумот) деб номланади. Дезинформация муаммоси шу даражада кескин тус олдики, кўпчилик ҳукуматлар унинг олдини олишнинг ҳукукий асосларини мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Масалан, Германия парламенти томонидан қабул қилинган маҳсус қонунга кўра Facebook, YouTube, Twitter ва Google каби сайtlар ёлғон хабарларни (ноқонуний контент) тарқатганлик учун 50 млн еврогача бўлган миқдорда жарима тўлашга мажбури этилиши мумкин. Бундай қонунлар бошқа мамлакатлар, жумладан, Сингапурда ҳам қабул қилинган. АҚШ Конгресси Россиянинг ушбу мамлакатда ўтказилган сайловларга фейк маълумотлар тарқатиш йўли билан эҳтимолий аралашуви иддаоси билан унга қарши кенг миқёсдаги санкциялар эълон қилди. Айтиш жоизки, Ўзбекистон қонунчилигига ҳам ушбу тенденция ўзини тобора якқолроқ намоён этиб бормоқда.

Бу каби чораларни қуидагилар тақозо этмоқда:

Биринчидан, маълумотларни яратиши ва тарқатиш жараёнлари мунтазам равища демократлашиб бормоқда. Бундан ҳар хил фойдаланиш мумкин.

Иккинчидан, маълумотларнинг ижтимоийлашуви кўламлари мисли кўрилмаган даражад кенгайиб бормоқда. Одамлар

маълумотларни бевосита медиа воситалардан олиш ўрнига (харҳолда, улар тегишли мезонларга амал қилишга ҳаракат қиладилар) “кӯча хизмати”дан фойдаланишга мойилроқдирлар. Чунки иккиминчан манба тегишли маълумотни ўз тафаккурига мувофиқ талқин қилиб, уни “безаб” жозибали қилиб тақдим этишга мойил ва ҳаз.

Замонавий информацион ландшафтнинг учинчи элементини автоматлаштириш, яъни аниқ хабарларни тегишли бренд ёки манбадан ажратилиши ташкил этмоқда. Бурунги пайтларда одамлар маълумотларнинг ишончсиз манбаларини нисбатан осон билиб олиш имкониятига эга эдилар. Лекин компьютер технологияларининг мисли кўрилмаган ривожи натижасида ишончли манбани ишончсиздан фарқлаш оддий одам учун тобора қийинлашиб бормоқда.

Тўртинчи элемент – бу маълумотларни яратиш ва тарқатишининг анонимлиги билан боғлик.

Бешинчиси, бугунги информацион муҳит тобора кўпроқ “шахсийлашув” тусини касб этиб бормоқда. Анъянавий ОАВ турларидан фарқли равишда интернет-контент яратувчиларида онлайн тарзда муайян кичик гурухга мўлжалланган маълумотлар яратиш имконияти бор. Бундай маълумот истеъмолчиларининг истакларини ҳисобга олиш имконияти мавжудлиги бундай маълумотларнинг таъсир кучини чандон оширади. Бундан йирик компания ва концернлар кенг фойдаланмоқда. Масалан, Дональд Трампга тегишли бизнес тузилмалар ҳар куни рекламанинг 40-50 хил вариантини синовдан ўтказиши маълум.

Ва, ниҳоят, охириги элемент – бу суверенитет масаласидир. Анъянавий ОАВдан фарқли равишда ижтимоий медиа-платформалар, масалан, Facebook ёки Twitter, ўзини ўзи бошқаради, яъни суверендир. Муайян масалалрда улар ҳатто АҚШ ҳукумати талабларини ҳам бажармайдилар.

#### **Назорат саволлари:**

1. “Маълумотларнинг глобаллашуви” тушунчаси моҳиятини очиб беринг.
2. “Информацион жамият” нимани англатади?

3. “Рақамли иқтисодиёт” түшүнчаси ва глобаллашув жараёнлари.
4. “Рақамли дипломатия”.

#### **Адабиётлар:**

- Тоффлер, Э. Шок будущего = *Future Shock*, 1970. — М.: ACT, 2008. — 560 с.
- Тоффлер, Э. Третья волна = *The Third Wave*, 1980. — М.: ACT, 2010. — 784 с.
- Тоффлер, Э. Метаморфозы власти = *Powershift: Knowledge, Wealth and Violence at the Edge of the 21st Century*, 1990. — М.: ACT, 2004. — 672 с.
- Тоффлер, Э., Тоффлер, Х. Война и антивойна = *War and Anti-War*, 1995. — М.: ACT, 2005. — 416 с.
- Тоффлер, Э., Тоффлер, Х. Революционное богатство = *Revolutionary Wealth*, 2006. — М.: ACT, 2007.
- Зиновьева Е.С. Международное управление интернетом: конфликт и сотрудничество. — М.: МГИМО (У), 2011.
- Зиновьева Е.С. Компании интернет-индустрии как акторы мировых политических процессов//Вестник МГИМО (У), 2013, № 1. — С.43-48.
- Гафнер В.В. Информационная безопасность / В.В. Гафнер — Ростов н/Д: Феникс, 2010. — 324 с.
- Харрис Р. Психология массовых коммуникаций. 4-е международное издание. Санкт-Петербург: «ПРАЙМ-ЕВРОЗНАК», «Издательский дом НЕВА». Москва: «ОЛМА-ПРЕСС», 2002. URL: <http://evartist.narod.ru/text5/01.htm>

## Глоссарий

**Актор** — кўп маъноли атама. Сиёсатшунослиқда актор (лот. *actor* — арбоб) — сиёсат субъекти, шунингдек, актор — дунёда кечётган жараёнларга таъсир кўрсатиши мумкин жаҳон сиёсатининг иштирокчиси. Социологияда актор — амалдаги субъект (индивидуал ёки жамоавий); индивид, ижтимоий гурух, ташкилот, институт, бошқаларга қаратилган ҳаракатларни амалга оширувчи инсонлар уюшмаси. Масалан, давлат сиёсат майдонидаги асосий актор ва жамиятдаги етакчи актор ҳисобланади.

**Ақлий марказлар** — турли мамлакатларда халқаро муносабатларга оид муаммоларни ўрганувчи илмий-таҳлилий марказлар.

**Авансцена** — саҳна тўртбурчагининг олд қисми, сиёсий атама сифатида халқаро жараёнларнинг қизғин муаммоларини ўзида мужассамлаштирган масалалар.

**Алгоритм** — кўзланган мақсадга эришиш учун кўлланадиган дастур, яъни амалий воситалар йигиндиси.

**Барқарор тизим** — муайян тизимнинг ўз таркибини ўзгартирмасдан туриб барқарор амал қилиш салоҳияти. Бундай салоҳият вақт давомида ўзгармас бўлиши лозим.

**Биполяр тизим** — иккита буюк давлат ёки иккита ижтимоий-сиёсий тизимнинг халқаро муносабатлардаги устуворлигига асосланган халқаро тизим.

**Бреттон-Вудд тизими** — (ингл. *Bretton Woods system*) — пул муомаласи ва савдо ҳисоб-китобларини юритишнинг халқаро тизими. 1944 йил 1-22 июлда Бреттон-Вудда (АҚШ) бўлиб ўтган конференцияда ўрнатилган.

**Гаага халқаро суди ва трибунали** — Жиноий ишлар бўйича халқаро суд, жиноий ишлар бўйича биринчи халқаро хукукий орган. Геноцид, ҳарбий жиноятлар, инсонийликка қарши жиноятлар, шунингдек ҳарбий агрессия билан боғлик жиноятларни кўриш учун тузилган. 1998 йили қабул қилинган Рим статути асосида ташкил этилган.

**Гегемонлик** – муайян давлатнинг дунёда ўз хукмронлигини ўрнатишга қаратилган сиёсати, бошқа мамлакатлар ва халқлар устидан хукмронлик қилишга интилиши.

**Гипотеза** – илмий тахмин ёки фараз; аксиомадан фаркли равишда уни исботлаш талаб этилади.

**Глобализация** – умумдунё миқёсидаги иқтисодий, сиёсий, маданий ва диний интеграциялашув ва унификациялашув жараёнлари.

**Гуманитар ҳуқуқ – инсон ҳуқуқлари** – уруш курбонларини ҳимоя қилиш, шунингдек урушни олиб бориш методлари ва воситаларини чеклашга қаратилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва принциплар мажмуаси.

**Демократлашув тўлқинлари** – сиёсий фанлардаги концепция бўлиб, унинг моҳиятини демократлашув жараёнлари тўлқинсимон тарзда кечади деган тушунча ташкил этади. С.Хантингтон томонидан шакллантирилган демократлашув жараёни концепциясига мувофик, ҳозиргача демократлашувнинг учта тўлкини – 1820-1926 йиллар, 1943-1962 йиллар ва 1974-1971 йиллар – кузатилган. Шунингдек, демократлашувдан чекинишлар ҳам содир бўлган.

**Дипломат** – халқаро ҳукукка мувофик муайян давлатнинг манбаатларини ҳимоя қиласиган ёки халқаро ташкилотнинг ваколатлари билан таъминланган расмий шахс. Дипломатнинг асосий функциялари ўз давлати ва унинг фуқаролари манбаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, мальумотларни жамлаш ва давлатлараро мунсабатларни ўрнатиш ва ривожлантиришdir.

**Дискретлик** (*лат. discretus* — ажратилган, узилган) — давомийлик ёки узлуксизликка қарама-қарши саналадиган хусусият, яъни узуқлик.

**“Европа концерти”** – Наполеон урушларидан кейин шаклланган халқаро мунсабатларнинг Вена тизими. Меттерних раислигида 1814-1815 йилларда бўлиб ўтган Вена конгрессида ҳукукий нуқтаи назардан мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, мазкур

конгрессда Усмонийлар давлатидан ташқари Европанинг барча мамлакатлари вакиллари иштирок этган.

**Информацион жамият** – кўпчилик аъзолари маълумотларни ишлаб чиқариш, саклаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шугулланадиган жамият.

**Информацион ресурслар** – информацион тизимларда жойлаштирилган хужжатлар ва уларнинг жамланмалари. Информацион ресурслар ижтимоий-иқтисодий ресурсларнинг турларидан бири бўлиб, улар ишлаб чиқаришнинг фактори сифатида хизмат қиласди.

**Иренология** – юононча *eirounē* – тинчлик масалаларини ўрганишига ихтисослашган илмий йўналиш.

**Киберборлик** – истиорали (метафора) абстракция бўлиб, у виртуал воқеликдан иборат компьютер технологияларидаги “иккинчи дунё”. У ҳам компьютерлар “ичида”, ҳам компьютер тизимлари “ичида” мужассамдир.

**Конфессия** – (лот. confessio – диний эътиқод) – муайян диний таълимот доирасидаги диний эътиқоднинг хусусияти, шунингдек, тегишли диний эътиқодга мансуб кишиларнинг уюшмаси.

**Конфликт** – манфаатлар, мақсадлар, қарашлар билан боғлиқ ижтимоий ҳамкорлик жараёнида пайдо бўладиган зиддиятларни ҳал қилишнинг энг кескин кўриниши. Одатда, у ижтимоий ҳамкорликнинг турли тарафлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар кўринишида намоён бўлиб, кўпинча, қабул қилинган тартиб-коидалар доирасидан чиқиб кетадиган салбий эмоцияларни юзага чиқаради.

**Концепция** – муайян масалага оид бир-бири билан боғланган ҳамда ўзаро мужассам қарашлар мажмуи; муайян воқеа ва ходисаларни тушуниш ва талқин этишнинг аниқ йўли; муайян воқеаларни ёритишда қўлланадиган асосий ёндашув; дунё, табиат ва жамиядаги жараёнларга нисбатан ёндашувнинг муайян тизими.

**Коррелят** – солиширма тушунча бўлиб, унинг мазмуни бошқа бирон-бир тушунча билан солишириш орқали аниқлаштирилади. Масалан, масоҳат (текислик) тушунчаси олинадиган бўлса, унинг

устки ва остки қисмлари коррелятлар ҳисобланади. Шунингдек, коррелят бу бир-бири билан боғлиқ жуфтлик ёки ўзаро боғлиқ занжирнинг бўғини, яъни битта унсуридир. Масалан, агар Эшмат ишдан бўштилса, унда вакансия пайдо бўлади (ўзаро боғлиқликка асосланган солиштирма). Шунга кўра, корреляция (ўрта асрлар лотинчаси. *correlatio* — ўзаро нисбат, ўзаро солиштириш, ўзаро боғлиқлик) гапнинг икки ёки ундан кўпроқ қисмларини ўзаро солиштиришни англатади.

**Кучлар нисбати** – халқаро муносабатларда умумдунё кўламидаги таъсир кучлари марказлари – полюсларининг жойлашувини англатади. Кучлар нисбати турли конфигурацияларда намоён бўлиши мумкин (биполяр, уч полюсли, мультиполляр ва ҳоз.).

**Манфаат** – кўп маъноли тушунча бўлиб, халқаро муносабатлар контекстида муайян мамлакатнинг умуммиллий аҳамиятга молик ҳамда халқаро муносабатлар билан боғлиқ миллий манфаатларини ифодалаш учун кўлланади.

**Метод** – бирон воқеликни назарий тадқик этиш (ўрганиш) ёки амалда ижро этиш йўли, ўрганилаётган предметнинг ички моҳияти идрок этиш услуби.

**Методика** – муайян фанни ўқитиш ёки амалга оширишни ўргатиш методларининг (йўлларининг) йигиндиси, одатда, аниқ мақсадларга йўналтирилган ишларни амалга ошириш йўлини ифодалайдиган тайёр “рецепт”, алгоритм ёки процедуралар йигиндиси.

**Методология** – умуман илмий метод ёки муайян фанларга оид методлар ҳақидаги таълимот, муайян предметни илмий ўрганишнинг йўллари, воситалари ва стратегиялари ҳақидаги таълимот.

**Миллий давлат (nation-state)** – давлатнинг конституциявий-хукуқий шакли бўлиб, у тегишли худудда истиқомат қилувчи миллатнинг ўз-ўзини бошқариш шаклини англатади ва унинг хоҳиш-иродасини ифодалайди.

**Назария** — юонон тилидан: кўриб чиқиш, тадқиқ этиш — муайян гоялар ва принципларни умумлаштирувчи таълимот.

**Ноҳукумат халқаро ташкилот** (ингл.: *Non-governmental international organization*) — муайян худудга боғланмаган халқаро ташкилотларнинг бир тури. У учта талабга жавоб бериси тақозо этилади: биринчиси, уларнинг таркиби ва мақсадлари халқаро табиатга эга; иккинчиси, уларнинг таъсисчилари жисмоний шахс статусига эга; ва, учинчиси, улар фаолиятининг ихтиёрийлиги. Шунингдек, бундай ташкилотларнинг муҳим белгиларидан бири уларнинг нотижорат табиатга эгалигидир.

**Олтин стандарти** — халқаро ҳисоб-китобларнинг тизими бўлиб, унинг асосини олтин нархи билан белгиланадиган бирлик ташкил этади.

**Очиқ жамият** — жамиятнинг демократик шакли, бугунги дунёда мавжуд бўлган қатор жамиятлар (асосан, Ғарб жамиятлари) ва антик даврда амал қилган бальзи жамиятларнинг сифати. Одатда, бу тушунча ёпиқ ёки анъанавий жамият, шунингдек, тоталитар тузумлар шароитидаги жамиятларнинг зиди сифатида қўлланади. Очик жамият концепцияси илк бор файласуф Анри Бергсон томонидан ишлаб чиқилган.

**Парадигма** — муайян концепциялар ёки тафаккур шаблонларининг аниқ мажмуаси бўлиб, жумладан, тадқиқотнинг назарий қисми, методлари, постулатлари ва мезонларини қамраб олади.

**Паритет** — (лот. *paritas* “тengлик”) — икки ёки ундан кўп тарафларнинг ўзаро муносабатларидаги муайян мезонларнинг ўзаро нисбати. Кучларнинг нисбий мувозанати, мақсадларнинг ўзаро мутаносиблиги, тўлов воситаларнинг эквивалентлиги, хукуқ ва мажбуриятларнинг тенглиги ва бошқа маъноларни англишиши мумкин.

**Полемология** — юонча *polemos* — уруш ва конфликтларни ўрганишга ихтисослашган илмий йўналиш.

**Постбиполяр босқич** – халқаро муносабатларнинг икки кутбли давридан кейинги ҳолати, халқаро муносабатларнинг ҳозирги босқичи.

**Постмодерн** – замонавий ижтимоий назариянинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, индустрiali жамиятлар асосларининг емирилиши ибтидосидан бошланган якунланмаган тарихий давр.

**Прогноз** – объектнинг истиқболдаги ҳолати ва унинг содир бўлиши алтернатив муддатлари ҳақидаги илмий асосланган фикрмуюҳаза. Тор маънода тадқиқот объектининг истиқболдаги эҳтимолий ҳолати.

**Референдум** – умуммиллий аҳамиятга молик масалалар бўйича тегишли қарорни қабул қилиш учун ўтказиладиган умуммиллий овоз бериш жараёни.

**Рецессия** – (лот. чекиниш, ортга тисарилиш) – иқтисодиётда, жумладан макроиктисодиётда ишлаб чиқаришнинг мўътадил даражаларда ортга чекиниши ёки иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши.

**Ресурслар** – мақсадли тартибда фойдаланиладиган барча нарсалар.

**Рим статути** – ингл. Rome Statute of the International Criminal Court – Жиноий ишлар бўйича халқаро суд, 1998 йил 17 июлда Римда бўлиб ўтган дипломатик конференцияда қабул қилинган ва 2002 йил 1 июлдан кучга кирган.

**Сиёсий институт** – сиёсий тизимнинг компонентларидан бири. Институт ҳам расмий, ҳам норасмий бўлиши мумкин. Расмий институтлар ўз регламентлари асосида фаолият кўрсатади. Норасмий институтлар эса шахсий алоқалар ва умумий манфаатлар асосида амал киласди.

**Сиёсий фанлар** – сиёсатнинг турли қирраларини ўрганувчи фанлар мажмуаси.

**Совуқ уруш** – сиёсий фанларга оид атама бўлиб, 1946 йилдан 1980-йиллардаги СССР ва АҚШ бошчилигидаги дунё давлатларининг глобал миқёсдаги геосиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва мафкуравий қарама-қаршилиги жараёнини англатади.

**Статус-кво** – сўзма-сўз: олдинги ҳолатни тиклаш, яъни халқаро муносабатлардаги муайян ҳуқуқий ёки сиёсий ҳолатга қайтиш

**Суверенитет** – (фран. Souveraineté) – олий ҳокимият, устуворлик, ҳукмронлик – давлатнинг ташки ишлардаги мустақиллиги ва давлат ҳокимиятининг ички ишлардаги устуворлигини англатади.

**Учинчи дунё** – XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган термин бўлиб, ундан совуқ урушда иштирок этмаган давлатлар гурӯхини белгилаш учун фойдаланилган.

**Умумилмий парадигмалар** (юонча. парáдигмá, «мисол, модель, намуна») – илмий жамоатчилик томонидан зътироф этиладиган ва уни бирлаштириб турадиган фундаментал илмий кўрсатмалар, тасаввурлар ва атамаларнинг йиғиндиси.

**Хавфиззик** – шахс, жамият ва давлат ҳаётий манфаатларининг ички ва ташки хатарлардан ҳимояланганлик ҳолати.

**Халқаро муносабатларни ўрганишнинг идеалистик босқичи** – прогрессив назариялар етакчилик қилган 1920-1930 йиллар.

**Халқаро муносабатларни ўрганишнинг реалистик босқичи** – консерватив назариялар етакчи бўлган 1930-1940 йиллар.

**Халқаро муносабатларни ўрганишнинг бихеиваористик босқичи** – хулқ-атворга асосланган ижтимоий-илмий назариялар етакчи бўлган 1950-1960 йиллар.

**Халқаро ҳуқуқ** – хорижий элементлар ва норматив актлар иштирокидаги ҳуқуқий муносабатларни англашиб, ушбу субъектлар орасидаги муносабатларни тартибга солади.

**Халқаро муносабатларнинг Вестфалия модели** – халқаро муносабатларнинг Европада яратилган Вестфалия битимиға асосланган тизими бўлиб, 1648 йилда якунланган Ўттиз йиллик урушнинг натижаларини расмийлаштирган. Вестфалия модели халқаро муносабатлардаги мақомини аллақачон йўқотган бўлсада, унинг айрим тамойиллари ўз кучини ҳозиргача сақлаб қолган.

**Халқаро ташкилот** – тегишли шартномалар асосида таъсис этилган давлатлараро ёки нодавлат табиатли уюшмалар (масалан, БМТ, ЕХХТ, Ҳьюманрайтс воч ва ҳиз.)

**Экспансия** – алохиди давлат, халқ, маданият ёки биологик турнинг мавжудлиги ёки таъсир ҳудудининг кенгайиши жараёни.

**Эмпирика** – сезиш органлари, жумладан кузатув ёки эксперимент орқали ҳосил қилинган эмпирик маълумотлар.

**Янгича сиёсий тафаккур** – Михаил Горбачев томонидан сабиқ Совет Иттифоқини ислоҳ этиш доирасида олға сурилган доктринанинг номи.

**Куролланиш пойгаси** – икки ёки ундан кўп буюк давлатларнинг куролли кучлар соҳасидаги сиёсий қарама-каршилиги. Бундай қарама-каршилик жараёнида унинг иштирокчилари томонидан кўплаб курол-аслиҳа ишлаб чиқарилади. Бундан кўзланган мақсад ракиб давлат билан паритетта эришиш ёки ундан ўзиди кетишдир.

**Кўшилмаслик ҳаракати** – 1961 йил Белград конференциясида тузилган 120 давлатнинг ҳарбий блокларда иштирок этмаслик тамоилии асосида бошланган халқаро ҳаракат.

## ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

### Асосий адабиётлар:

1. An Introduction to International Relations. Textbook. 3<sup>rd</sup> Edition. Editors: R.Devertak, J.George, S.Percy, 2017.
2. International Relations. Beginners Textbook. Edited by Stephen McGlinchey. 2016.
3. Global Political Economy. 5<sup>th</sup> Edition. 2016.
4. John McCormich. Introduction to Global Studies. 2018.
5. Briend Orend. Introduction to International Studies. Oxford, 2019.
6. Shawn Smallman, Kimberley Brown. Introduction to International and Global Studies. Second Edition. The University of North Carolina Press. 2015.
7. Боришполец К. Методы политических исследований. М.:Аспект-Пресс, 2010.- <http://politics.ellib.org.ua/pages-cat-49.html>
8. Хасанов У. Введение в теорию международных отношений. Ташкент, УМЭД, 2007 – 174 с.
9. Георгиева Н.Г. Историческое источниковедение: теоретические проблемы, учебник для вузов.- М.:Проспект, 2015- 247 с.
10. Зиновьева Е.С. Международное управление интернетом: конфликт и сотрудничество. – М.: МГИМО (У), 2011.
11. Зиновьева Е.С. Компании интернет-индустрии как акторы мировых политических процессов//Вестник МГИМО (У), 2013. № 1.- С.43-48.
12. Ковальченко И.Д. Методы исторического исследования. Глава 4. Методы исторического исследования. - М.: Наука, 1987 - С.138 - 194.- <http://www.hist.msu.ru/Science/IDK/research.htm>
13. Коломийцев В.Ф. Методология истории. (От источника к исследованию) – М.: РОССПЭН, 2007. - <http://www.hist.asu.ru/faculty/books/kolomeicev.pdf>
14. Комплексная междисциплинарная методика РУДН ситуационного анализа международных конфликтов: учебно-методическое пособие/ под ред. Д.А. Дегтерева, В.Г, Джангиряна, В.А, Цвыка.- Москва: РУДН, 2014.
15. Лебедева М. Мировая политика. М.:КноРус, 2013

16. Хрусталев М.А. Методика проведения ситуационных анализов. Организация, тематика, оценка результатов / Ситуационные анализы. Выпуск 1. Учебное пособие. МГИМО (У). 2011. - <http://www.obraforum.ru/pdf/broshura1.pdf>

**Кўшимча адабиётлар:**

17. Арнольд В.Ф. Теория катастроф. – М., 1990.
18. Акимов В.П., Луков В.Б., Паршин П.Б., Сергеев В.М. Карибский кризис: Опыт моделирования. //США: экономика, политика, культура. 1989, № 5.
19. Ахременко А.С. Политический анализ и прогнозирование. – М.: Гардарики, 2006.
20. Богатуров А.Д., Косолапов Н.А., Хрусталев М.А. Очерки теории и политического анализа международных отношений. – М.,2002.
21. Бордюгов Г.А. Этнические конфликты. Опыт создания базы данных межнациональных отношений в России и СНГ. – М.: 1994
22. Боришполец К. Методы, методика и процедуры прикладного анализа международных отношений //Международные отношения: социологические подходы/ Под ред. П.А. Цыганкова. – М.,1998.
23. Валлерстайн И. Анализ мировых систем и ситуация в современном мире. – С.Петербург: Университетская книга, 2001. 416 с.
24. Введение в прикладной анализ международных ситуаций. Учебник / Под ред. Т.А.Шаклеиной. – М.: Аспект Пресс, 2014.– 256 с.
25. Гафнер В.В. Информационная безопасность / В.В. Гафнер – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 324 с.
26. Зиновьева Е.С. Компании интернет-индустрии как акторы мировых политических процессов//Вестник МГИМО (У), 2013, № 1.– С.43-48.
27. Дегтерев Д.А. Политический анализ как прикладная дисциплина: Предметное поле и направление разработки//Полис, 2004.
28. Дегтярев А.А. Методологические подходы и концептуальные модели в интерпретации политических решений // Полис, 2003, № 1,2,3.

29. Косолапов Н.А. Эпистемология и методы анализа / Очерки теории и методологии политического анализа международных отношений // Богатуров А.Д., Косолапов Н.А., Хрусталев М.А. – М.: НОФМО, 2002. 390 с. URL: <http://obraforum.ru/pdf/Essays-bogaturov-chapter3.pdf>
30. Косолапов Н.А. Политика, Экспертиза, общество: узлы взаимозависимости// Pro et Contra. Т.8, № 2, 2003.
31. Крутских С., Кузнецов И., Целикова В., Шилин А., Зиновьева Е.С. Инновационные направления современных международных отношений /Под оюш. Ред.: А. Крутских, А.Бирюков. – М.:Аспект Пресс, 2010.
32. Кун Т. Структура научных исследований. – М.:Прогресс, 1975.
33. Лаппо-Данилевский А.С. Методология истории. – М.: Издательский дом «Территория будущего», 2006. – 622 с.
34. Манаков Н.А. Ваша первая научная работа: методические указания/ Н.А. Манаков, Г.Г. Москальчук. – Оренбург: ОЦДНТТ, 2006. - 33 с. URL:  
[http://www.osu.ru/docs/school/physics/first\\_science\\_work.pdf](http://www.osu.ru/docs/school/physics/first_science_work.pdf)
- Мейдер В.А. Научная статья. Какая она? (методика и методология) // Вестник Волгоградского государственного университета. Серия 6: Университетское образование, №10, 2007. URL:  
<http://cyberleninka.ru/article/n/nauchnaya-staty-a-kakaya-ona-metodika-i-metodologiya>
36. Мунавваров З.И. Узбекистан и арабский мир: перспективы сотрудничества. Ташкент, Фан, 1995.
37. Мунавваров З.И. Арабистон ярим ороли мамлакатлари. Тошкент, Фан, 1994.
38. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология научного исследования. – М.: Либроком. – 280 с. URL:  
<http://www.methodolog.ru/books/mni.pdf>
39. Почепцов Г.Г. Теория коммуникации. – М.,2001. Гл.4
40. Плотинский Ю.М. Моделирование социальных процессов. – М.2001.
41. Теория и методы в социальных науках/Ларсен С. (ред). – М.: 2003.
42. Турунок С.Г. Политический анализ/Политология. Лексикон. (А.Соловьев ред.) – М.: РОССПЕН, 2007.

43. Семенов Б.М. Особенности информационно-аналитической работы государственных структур в области внешней политики. – М.: МГИМО(У), 2003.
44. Саати Т. Математические модели конфликтных ситуаций. – М.1997.
45. Ситуационные анализы. Выпуск 2./ Учебное пособие. МГИМО (У), 2012.
46. Шабров О.Ф. Системный подход и компьютерное моделирование в политологическом исследовании // «ОНС», 1996, 2010.
47. Шестопал Е.Б. Политическая психология. – М.,2002.
48. Шродт Ф.А. Математическое моделирование// Мангейм Д., Оич Р. Политология. Методы исследования. – М.: Весь мир. – 1997.
49. Dunn W/ Public Policy Analysis: An Introduction. Englewood Cliffs. 1994.
50. Тоффлер, Э. Шок будущего = Future Shock, 1970. — М.: ACT, 2008. — 560 с.
51. Тоффлер, Э. Третья волна = The Third Wave, 1980. — М.: ACT, 2010. — 784 с.
52. Тоффлер, Э. Метаморфозы власти = Powershift: Knowledge, Wealth and Violence at the Edge of the 21st Century, 1990. — М.: ACT, 2004. — 672 с.
53. Тоффлер, Э., Тоффлер, Х. Война и антивойна = War and Anti-War, 1995. — М.: ACT, 2005. — 416 с.
54. Тоффлер, Э., Тоффлер, Х. Революционное богатство = Revolutionary Wealth, 2006. — М.: ACT, 2007.
- مقدمة في علم العلاقات الدولية. ايف بن نهار. الناشر: مؤسسة وعي للدراسات PDF وابحاث.
- عباس شومان. العلاقات الدولية في الشريعة الإسلامية. الدار الثقافية للنشر، 55. 56.
- القاهرة، 1998
- أدريس لكريني. العلاقات الدولية: مفاهيم أساسية وقضايا معاصرة. المكتبة 57.
- المغربية، 2019
- شكراني الحسين. بنية ودينامية العلاقات الدولية. الطبعة الأولى، 58. 2018

**Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларацияси**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бөш Ассамблеясининг 217 А  
(III) Резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган

**МУҚАДДИМА**

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-киммат ва уларнинг тенг, ажралмас хуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини эътиборга олиб;

инсон хуқуқларини менсимаслик ва уни поймол этиш инсоният виждони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилишига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқод эркинлигига эга бўладиган ҳамда кўркув ва муҳтожлиқдан ҳоли шароитда яшайдиган дунёни яратиш инсонларнинг эзгу интилишидир деб зълон қилинганигини эътиборга олиб;

инсон охирги чора сифатида зулм ва истибоддога қарши исён кўтаришга мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон хуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилиши зарур эканлигини эътиборга олиб;

халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожланти-ришга кўмаклашиш зарурлигини эътиборга олиб;

Бирлашган Миллатлар халқлари инсоннинг асосий хуқуқларига, шахснинг қадр-кимматига, эркак ва аёлнинг тенг хуқуқлилигига, ўз эътиқодларини Низомда тасдиқлаган-ликлари ҳамда янада кенгроқ эркинлиқда ижтимоий тараққиёт ва турмуш шароитларини яхшилашга кўмаклашишга аҳд қилганликларини эътиборга олиб;

аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон хуқуқлари ва асосий эркинлик-ларини ялпи хурмат қилиш ва унга риоя килишга кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини эътиборга олиб;

мазкур хуқуқлар ва эркинликларнинг характеристини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ адо этилиши учун катта аҳамиятга эга бўлишини эътиборга олиб;

Бош Ассамблея мазкур Инсон хукуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қилас экан, бундан муддао шуки, ҳар бир инсон ва жамиятнинг хар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда тутган ҳолда маърифат ва таълим йўли билан бу хукуқ ва эркинликларнинг хурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийпарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши таъминланишига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги худудларда яшаётган халқлар ўртасида ялписига ва самарали тан олинишига интилишлари зарур.

### **1-МОДДА**

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда хукуқларида эркин ва тенг бўлиб тутғиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак.

### **2-МОДДА**

Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча хукуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки худуднинг сиёсий, хукуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу худуд мустақилми, васими, ўз-ўзини идора қиласидан ёки бошқача тарзда чекланганлигидан қатъи назар бирор бир айрмачилик бўлмаслиги керак.

### **3-МОДДА**

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик хукуқларига эгадир.

### **4-МОДДА**

Ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва кул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади.

## **5-МОДДА**

Ҳеч ким қийнокқа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-құмматни хүрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.

## **6-МОДДА**

Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг хукуқ субъекти сифатида тан олинишига ҳақли.

## **7-МОДДА**

Барча одамлар қонун олдида тенгdir ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш хукуқига эгадир. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундейдиган ҳар қандай гиж-гижлашдан тенг ҳимоя қилиниш хукуқига эгадир.

## **8-МОДДА**

Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий хукуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу хукуқларнинг самарали тикланиши хукуқига эга.

## **9-МОДДА**

Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас.

## **10-МОДДА**

Ҳар бир инсон хукуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноят айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниклаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши хукуқига эга.

## **11-МОДДА**

1. Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аникланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир.

2. Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки ҳалқаро хукуқларга кўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиятсизлиги учун жазога хукм қилиниши мумкин эмас.

Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда кўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

## 12-МОДДА

Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралashiш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидан сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш хукуқига эга.

## 13-МОДДА

1. Ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш хукуқига эга.
2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш хукуқига эга.

## 14-МОДДА

1. Ҳар бир инсон таъқиб туфайли бошқа мамлакатлардан бошпана излаш ва ўша бошпанадан фойдаланиш хукуқига эга.
2. Бу хукуқдан носиёсий жиноят содир этиш учун ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига зид хатти-ҳаракат туфайли таъқиб пайтида фойдаланиш мумкин.

## 15-МОДДА

1. Ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш хукуки бор.
2. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзгартириш хукуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

## 16-МОДДА

1. Балоғат ёшига етган эркаклар ва аёллар ирки, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишга ва оила қуришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтишда, никоҳда турган вақтларида ва уни бекор қилиш вақтида бир хил хукуқдан фойдаланади.
2. Никоҳдан ўтаётган ҳар икки томоннинг эркин ва тўлиқ розилиги асосидагина никоҳ тузилиши мумкин.

3. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақли.

#### 17-МОДДА

1. Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга.
2. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулкидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

#### 18-МОДДА

Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқук ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилишда ва диний расм-руслам ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка ўзи, шунингдек, бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади.

#### 19-МОДДА

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқук ҳеч бир тусксиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатъи назар, излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

#### 20-МОДДА

1. Ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга.
2. Ҳеч ким бирор бир уюшмага киришга мажбур қилиниши мумкин эмас.

#### 21-МОДДА

1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга.
2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг ҳуқуқка эга.
3. Ҳалқ иродаси ҳукumat ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирова даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқукидан, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш

эркинлигини таъминлайдиган бошқа teng қийматли шакллар  
воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

## 22-МОДДА

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-ҳаракатлар  
ҳамда халқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг  
тузилиши, шунингдек, ресурсларига мувофиқ ижтимоий таъминотга  
ва ўзининг қадр-кимматини сақлаш, шахсининг эркин ривожланиши  
учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги  
хукуқини амалга оширишга ҳақли.

## 23-МОДДА

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва  
кулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш  
хукуқига эга.
2. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз teng меҳнат учун teng ҳақ  
олиш хукуқига эга.
3. Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб  
яшашин таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга,  
зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан  
тўлдирилувчи даромад олиш хукуқига эга.
4. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини  
ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш хукуқига эга.

## 24-МОДДА

Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш  
кунини оқилона чеклаш хукуқи ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътили  
олиш хукуқига эга.

## 25-МОДДА

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва  
фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига  
эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва  
зарур ижтимоий хизматта эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик,  
ногиронлик, бевалик, қариллик ёки унга борлик бўлмаган  
шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа  
холларда таъминланиш хукуқига эга.

2. Оналар ва болалик алохидагамхурлик ва ёрдам хукуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатыназар, бирхил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши керак.

## 26-МОДДА

1. Ҳар бир инсон таълим олиш хукуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошлангич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошлангич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва хунар таълими ҳамманинг курби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият доирасида бўлмоғи керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон хукуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний гурухлар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайриҳоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам бериши керак.

3. Кичик ёшдаги болалари учун ота-оналар таълим турини танлашда имтиёзли хукукка эгадир.

## 27-МОДДА

Ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиши хукуқига эга.

## 28-МОДДА

Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган хукуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши хукуқига эгадир.

## 29-МОДДА

1. Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз хукуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг хукуқи ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлок,

жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу хукуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига ҳеч зид бўлмаслиги керак.

### 30-МОДДА

Ушбу Декларациядаги ҳеч бир нарса бирор бир давлат, кишилар гурухи ёки алоҳида шахслар мазкур Декларацияда баён этилган хукуқ ва эркинликларни йўқ, қилишга йўналтирилган фаолият билан шуғуланиши ёки ҳаракат қилиши мумкин деб талқин этилмаслиги керак.

## Илова № 2.

### Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми

Эслатма: Бирлашлан Миллатлар Ташкилотининг Низоми 1945 йил 26 июнда Сан-Францискода Бирлашган Миллатлар Конферентсиасининг Халқаро Ташкилот тузиш бўйича якуний мажлисида имзоланган ва 1945 йилнинг 24 октябрида кучга кирган Халқаро Суд Статути Низомнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Низомнинг 23,27 ва 61-моддаларига тузатишлиар Бош Ассамблея томонидан 1963 йилнинг 31 августида кучга кирган. 1865 йилнинг 20 декабрида Бош Ассамблея қабул килган 109-моддага тузатиш 1968 йилнинг 12 июнида кучга кирди.

Низомнинг 23-моддасига тузатиш Хавфсизлик Кенгаши аъзолари сонини ўн биттадан ўн бештага оширди. Тузатилган 27-модда Хавфсизлик Кенгашининг тартобот масалалари бўйича қарорлари уларга тъоққиз аъзо (илгари - эттига) овоз берган бўлса ва бошқа барча масалалар бўйича эса Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг бешта бир хил овозинин ҳам ҳисобга олгандаги тўққиз овози (илгари - эттига) берилган бўлса, қабул қилинган, деб ҳисобланишинин кўзда тутган.

61-модда тузатиш Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш аъзоларисонинин ўн саккизтадан йигирма эттитага оширди. 1973 йил 24 сентябрда кучга кирган ушбу моддага тузатиш Кенгаш аъзолари сонини йигирма эттитадан эллик тўрттага оширди.

109-модданинг биринчи бандига тузатиш аъзо-давлатларнинг Бош Конферентсия Низомни қайта кўриб чиқиши мақсадида ўтказадиган Бош Конферентсия вақти ва жойи Бош Ассамблея аъзоларининг учдан икки қисми овози билан ва Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг ҳар қандай тўққиз (илгари - этти) овози билан белгиланишини кўзда тутган.

Низомни қайта кўриб чиқиши имкониятларини кўзда тутган 109-модданинг 30банди Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан Бош Ассамблеянинг 1955 йилдаги навбатдаги ўнинчи сессиясида кўриб чиқилган ва унинг дастлабки шаклида: «Хавфсизлик Кенгашининг эттига ҳар қандай аъзоси овози билан» қолдирилган эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми БИЗ,  
БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ХАЛҚЛАРИ,

келажак авлодларни ҳәётимизда икки мартда инсониятга ифодалаб бўлмайдиган ғам-ғосса келтирган уруш кулфатларидан халос этишга ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахснинг қадр-кимматига, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигига ва катта-кичик миллатлар ҳуқуқларининг тенглигига ишончни қайта қарор топтиришга ва шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга хурмат билан қараш ваadolатга риоя қилиш мумкин бўлган шарт-шароитни вужудга келтиришга ва ижтимоий тараққиёт ва кенг озодлик шароитида турмушни ахшилашга ёрдам беришга

### ВА ШУ МАҚСАДДА

сабр-тоқат намоён этиб, яхши қўшилар каби биргаликда, ўзаро тотувлиқда яшашга ва

халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун кучларимизни бирлаштиришга ва

тегишли принцип ва услубларни қабул қилиш билан қуролли кучларнинг умумий манфаатлардан бўлак мақсадлар учун ўйшлатилмаслигини таъминлашга ва

халқаро аппаратдан барча халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам бериш учун фойдаланишга катъий аҳд килиб,

**ЎЗ КУЧ-ГАЙРАТИМИЗНИ ШУ МАҚСАДЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН БИРЛАШТИРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИК.**

Шунга биноан, бизнинг тегишли ҳукуматларимиз Сан-Франтиско шаҳрида тўплланган, ўзларининг ҳакиқий деб топилган ваколарномаларини тақдим этган вакиллари орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг учбу Низомини қабул қилишга розилик бердилар ва шу асосда «Бирлашган Миллатлар» деб номланган халқаро ташкилот таъсис этдилар.

### I БОБ. МАҚСАД ВА ПРИНЦИПЛАР

#### 1-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўзлаган Мақсадлар:

1. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ва шу мақсадда тинчликка таҳдиднинг олдини олиш ва уни бартараф этиш ва тажовуз ҳаракатлари ёки тинчликка раҳа солувчи бошқа ҳаракатларни бостириш учун биргаликда самарали чоралар кўриш ҳамдаadolат ва халқаро ҳуқуқ принципларига асосланган ҳолда тинчлик воситаларидан фойдаланиб, тинчликнинг бузилишига олиб келувчи халқаро низо ёки вазиятларни тинчитиш ёки ҳал этиш;

2. Халқларнинг тенг ҳуқуқлиги ва ўз тақдирини ўзи белгилари принтсибини хурмат килиш асосида миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ҳамда ялпи тинчликни мустахкамлаш учун бошқа тегишли чораларни кўриш;

3. Иқтисодий, ижтомоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда ҳамда инсон ҳуқуқларига ва барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан катъи назар асосий эркинликларига хурматеи рағбатлантириш ва ривожлантиришда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш; ва

4. Шу умумий мақсадлага эришишда миллатлар ҳаракатларини мовофиқлаштириш маркази бўлиш.

## 2-модда

1-моддада кўрсатилган мақсадларга эришиш учун Ташкилот ва унинг Аъзолари қуйидаги принтсиплар асосида иш йиритадилар:

1. Ташкилот ўзининг барча Аъзоларининг суверен тенглиги принтсипига асосланади;

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча Аъзолари ҳаммаларини Ташкилот Аъзолари таркибига мансублиқдан келоб чиқадиган барча ҳуқуқ ва имтиёзлар билан таъминлаш учун ушбу Низом бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини вижданан бажарадилар;

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча Аъзолари халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни таҳдид остига кўймаслик учун ўзларининг халқаро низоларини тинчлик воситалари билан ҳал қиласидилар;

4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча Аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирон-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларинин тиядилар;

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барч Аъзолари унга ушбу Низомга мувофиқ амалга ошираётган барча ҳаракатларида ҳар томонлама ёрдам берадилар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қайси давлатга қарши огоҳлантирувчи ёки мажбуровчи характердаги ҳаракатлар амалга оширилаётган бўлса, бундай давлатга ёрдам кўрсатишдан ўзларини тиядилар;

6. Ташкилот ўзига Аъзо бўлмаган давлатларнинг шу принцисплар асосида ҳаракат қилишларинин таъминлайди, зеро бу халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлиши мумкин;

7. Ушбу Низом Бирлашган Миллатлар ташкилотига ҳар қандай давлатнинг аслида ички ваколатига кирадиган ишларига араласиши учун асло ҳуқук бермайди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аъзоларидан бундай ишларни ушбу Низом доирасида ҳал этишга киритишни талаб этмайди; аммо ушбу принцисп ВИИ бобга асосланиб, мажбурий чоралар қўлланишига дахлдор эмас.

## II БОБ. ТАШКИЛОТ АЪЗОЛАРИ

### 3-модда

Халқаро Ташкилот тузиш юзасидан Сан-Франтсискода бўлган Конферентсиядаги қатнашиб ёки илгарироқ Бирлашган Миллатларнинг 1942 йил 1 январдаги Декларациясини имзолаб, 110-моддага мувофиқ ушбу Низомни имзолаган ва ратификатсия қилган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дастлабки Аъзолари ҳисобланади.

### 4-модда

1. Ушбу Низомда назарда тутилган мажбуриятларни ўз зиммасига оладиган ва, Ташкилотнинг фирича, шу мажбуриятларни оладиган ва бажаришни истайдиган барча тинчликсевар давлатлар Ташкилотга Аъзо бўла оладилар.

2. Ҳар қандай давлатни Ташкилот Аъзолигига қабул қилиш Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ Бош Ассамблея қарори билан амалга оширилади.

### 5-модда

Агар Хавфсизлик Кенгashi Ташкилотнинг бирон-бир Аъзосига қарши огоҳлантирувчи ёки мажбурловчи характердаги чораларни кўрган бўлса, Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ, унинг Ташкилот Аъзоси сифатидаги тегишли ҳуқук ва имтиёзларидан фойдаланишини Хавфсизлик Кенгashi қайта тикилаши мумкин.

### 6-модда

Ташкилотнинг ушбу Низомда кўрсатилган принциспларни муттасил равишда бузиб келган Аъзоси Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига биноан Бош Ассамблея Ташкилотидан чиқарилиши мумкин.

### III БОБ. ОРГАНЛАР

#### 7-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органлари сифатида Баш Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши, Васийлик Кенгаши, Халқаро Суд ва Котибият таъсис этилади.

2. Зарур бўлиб қолганда ушбу Нузомга мувофиқ ёрдамчи органлар таъсис этилиши мумкин.

#### 8-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзининг асосий ва ёрдамчи органларида эркак билан хотин-қизларнинг истаган вазифада ва тенг шароитларда қатнашиш хуқуқини ҳеч ҳам чекламайди.

### IV БОШ АССАМБЛЕЯ ТАРКИБИ

#### 9-модда

1. Баш Ассамблея Ташкилот Аъзоларидан иборат.

2. Ташкилотнинг ҳар бир Аъзоси Баш Ассамблеяда бештадан ортиқ бўлмаган вакилларига эга бўлади.

Вазифа ва ваколатлари

#### 10-модда

Баш Ассамблея ушбу Низом доирасида ёки Низомда кўзда тутилган ҳар қандай органнинг ваколатлари ҳамда вазифаларига таалуқли ҳар қандай масала ёки ишни муҳокама килишга ва 12-моддада кўрсатилган истиснолардан ташқари, шу йўналишдаги ҳар қандай масала ёки иш юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аъзоларига ёки Хавфсизлик Кенгашига ёки Ташкилот Аъзоларига ҳам, Хавфсизлик Кенгашига ҳам тавсиялар беришга вакил қилинади.

#### 11-модда

1. Баш Ассамблея халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишида ҳамкорликнинг умумий принциспларинин, шу жумладан, куролсизланиш ва курол-арофни тартибга солишни белгилаб берувчи принциспларни кўриб чиқишига ва шу қоидалар юзасидан Ташкилот Аъзоларига ёки Хавфсизлик Кенгашига ёки Ташкилот Аъзоларига ҳам, Хавфсизлик Кенгашига ҳам тавсиялар беришга вакил қилинади.

2. Баш Ассамблея халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш юзасидан ўз олдига Ташкилотнинг ҳар қандай Аъзоси ёки Хавфсизлик Кенгаши томонидан ёки Ташкилотта Аъзо

бўлмагандавлат томонидан кўйилган ҳар қандай масаларни 35-модданинг 2-бандига мувофиқ муҳокама килишга ва 12-моддада кўрсатилган истиснолардан ташқари, шундай йўналишдагиҳар қандай масала юзасидан манфаатдор давлат ёки давлатларга ёки Хавфсизлик Кенгашига тавсиялар беришга вакил қилинади. Бош Ассамблея чора кўриш зарур бўлганбудай ҳар қанақа масалани муҳокамагача ёки муҳокамадан сўнг Хавфсизлик Кенгашига оширади.

3. Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашининг эътиборинин ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид қилиши мумкин бўлган вазиятларга жалб эта олади.

4. Бош Ассамблеяning ушбу моддада баён қилинган ваколатлари 10-модданинг умумий маъносини чеклаб қўймаслиги лозим.

#### 12-модда

1. Хавфсизлик Кенгаши бирон низо ёки вазият бўйича ушбу Низомда ўзига юкланған вазифаларни бажараётганида, агар Хавфсизлик кенгашининг ўзи сўрамаса, Бош Ассамблея шу низо ёки вазиятга таалуқли ҳеч қандай тавсия бера олмайди.

2. Бош Котиб Хавфсизлик Кенгашининг розилиги билан Бош Ассамблеяни унинг ҳар бир сессиясида Хавфсизлик Кенгаши муҳокама қилаётган ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш таалуқли барча масалалар юзасидан хабардор қиласи, худди шу тариқа Хавфсизлик кенгаши бундай масалаларни муҳокама қилишни тўхтатган заҳоти дарҳол Бош Ассамблеяни, агар Бош Ассамблея мажлис ўтказлаётган бўлса, Ташкилот Аъзоларини хабардор қиласи.

#### 13-модда

1. Бош Ассамблея: а) Сиёсий соҳадаги ҳалқаро ҳамкорликка кўмаклашиш ва ҳалқаро ҳукуқнинг тобора тараққий этиши ва унинг кодификатсия қилинишинин рағбатлантириш;

б) Иктисадий, ижтимоий, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш соҳалиридаги ҳалқаро ҳамкорликка кўмаклашиш, инсон ҳукуқларини ва барчанинг асосий эркинликларини ирқи, жинси, тили ва динини ажратмаган ҳолда амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида тадқиқотлар уюштиради ва тавсиялар беради.

2. Бош Ассамблеяниң юқорида, 1 б бандда эслатилған масаларга таалуқли бошқа мажбуриятлари, вазифалари ва ваколатлари IX ва X бобларда баён қилинган.

#### 14-модда

Бош Ассамблеяга, 12-моддадаги қоидаларга риоя қилған ҳолда, келиб чиқишидан қатын назар, Ассамблея фикрига күра, миллатлар умумий фаровонлигига ёки ўрталаридағи дўстона муносабатларга рахна солиши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятни, жумладан, ушбу Низомдаги, Бирлашган Миллатларнинг Максад ва Принциплари баён этилган қоидаларни бузиш натижасида юзага келувчи вазиятларниг, тинч йўл билан бартараф этиш чораларини тавсия этиш ваколати берилади.

#### 15-модда

1. Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашининг йиллик ва маҳсус маърузаларини қабул қилиб олади ва кўриб чиқади; бу маърузалар халқаро тинчлик ва хавфсизликни саклаш бўйича Хавфсизлик Кенгashi кўришга аҳд қилған ёки кўрган чоралар тўғрисидаги ҳисоботни ўз ичига олади.

2. Бош Ассамблея Ташкилотнинг бошқа органлари маърузаларини қабул қилиб олади ва кўриб чиқади.

#### 16-модда

Бош Ассамблея халқаро васийлик тизими уозасидан ўзига ХИИ ва ХИИИ боблар асосида юкланган вазифаларни бажаради, бунга стратегик худудлар қаторига киритилмаган худудлар учун васийлик тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш ҳам киради.

#### 17-модда

1. Бош Ассамблея Ташкилотнинг бюджетини кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

2. Ташкилот Аъзолари унинг харажатларини Бош Ассамблея белгилаган тақсимотга мувофиқ тўлайди.

3. Бош Ассамблея 57-моддада эслатилган ихтисослаштирилган муассасалар билан тузилган ҳар қандай молия ва бюджет битимларини кўриб чиқиб, тасдиқлайди ва манфаатдор муассасаларга тавсиялар бериш максадида шундай ихтисослаштирилган муассасаларнинг маъмурий бюджетларини текшириб чиқади.

Овоз бериш

## 18-модда

1. Бош Ассамблеяning ҳар бир Аъзоси битта овозга эга.

2. Бош Ассамблеяning муҳим масалалар бўйича қарорлари Ассамблеяning овоз беришда ҳозир бўлган ва қатнашган аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинади. Бу масалаларга куйидагилар киради: халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга оид тавсиялар, Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган Аъзоларинин сайлаш, Иктиносий ва Ижтимоий Кенгаш Аъзоларини сайлаш, 86-модданинг 1-с бадига мувофиқ Васийлик Кенгаши аъзоларини сайлаш, Бирлашган Миллатлар ташкилотига янги Аъзолар қабул килиш, Ташкилот Аъзоларининг ҳукуқ ва имтиёзларини тўхтатиб туриш, Ташкилотдан унинг Аъзоларини чиқариш, васийлик тизимининг ишлашига таалуқли масалалар ва бюджет масалалари.

3. Бошқа масалаларга таалуқли қарорлар, жумладан, овозларнинг учдан икки қисмидан ибораткўпчилиги билан ҳал қилинадиган масаларнинг кўшимча турларини аниқлаш ҳақидаги қарорлар овоз беришда ҳозир бўлган ва қатнашганларнинг оддий кўпчилиги билан қабул қилинади.

## 19-модда

Ташкилотга аъзолик бадали тўлаш бўйича қарздор бўлган Ташкилот Аъзоси, агар қарзнинг миқдори унинг охирги тўлиқ икки йил учун тўлаши лозим бўлган пул миқдорига баробар ёки ундан ортиқ бўлса, Бош Ассамблеяда овоз бериш ҳукуқидан маҳрум этилади. Аммо Бош Ассамблея Ташкилот Аъзоси аъзолик бадалинин ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ўз вақтида тўлай олмаган, деб топса, бундай Аъзони овоз беришда қатнашишига рухсат бериши мумкин.

## Тартибот

## 20-модда

Бош Ассамблея навбатдаги йиллик сессияларига ва вазият тақозоси билан маҳсус сессияларга тўпланади. Маҳсус сессияларни Бош Котиб Хавфсизлик Кенгашининг ёки Ташкилот Аъзоларидан кўпчилигининг талаби билан чақиради.

## 21-модда

Бош Ассамблея ўзининг тартибот қоидаларини белгилайди. У ҳар бир сессияга ўз Раисини сайлайди.

## 22-модда

Бош Ассамблеяга ўз вазифаларини бажариш учун зарур деб топган ёрдамчи ташкилоткарни таъсис этишига ваколат берилади.

## V БОБ. ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ ТАРКИБИ

### 23-модда

1. Хавфсизлик Кенгаши Ташкилотнинг ўн беш Аъзосидан иборат.Хитой Халқ Республикаси, Франтсия, Совет Сотсиялистик Республикараи Иттифоқи, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Кўшма Қироллиги ва Америка Кўшма Штатлари Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари дири. Бош Ассамблея Ташкилотнинг бошқа аъзосини Хавфсихлик Кенгашининг мувакқат аъзолари сифатида сайлайди, бунда, аввало, Ташкилот Аъзоларининг хакқаро тинчлик ва хавфсизликни саклашда ва Ташкилотнинг бошқа мақсадларига этишишда нечоғлиқатнашганлигига, шунингдек, адолатли жуғрофий тақсимотга алоҳида эътибор беради.

2. Хавфсизлик Кенгашининг мувакқат аъзолари икки йиллик муддатта сайланади. Мувакқат аъзолари сони ўн биттадан ўн бештагача кўпайгач, тўртта кўшимча аъзолардан иккитаси бир йил муддатта сайланади. Хавфсизлик Кенгашининг чиқиб кетаётган аъзоси дарҳол қайта сайланана олмайди.

3. Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта вакилга эга.

Вазифа ва ваколатлари

### 24-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тез ва самарали ҳаракат қилишини таъминлаш учун унинг Аъзолари Хавфсизлик Кенгашига халқаро тинчлик ва хавфсизликни саклаш бўйича асосий маъсулиятни юклайдилар ва Хавфсизлик Кенгаши шу маъсулиятдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажараётганда Ташкилот Аъзолари номидан иш кўришига рози бўладилар.

2. Хавфсизлик Кенгаши ушбу мажбуриятларини бажараётганда Бирлашган Миллатларнинг Мақсад ва Принципларига мовофиқ иш кўради. Шу мажбуриятларни бажариш учун Хавфсизлик Кенгашига берилган муайян ваколатлар ВИ,ВИИ,ВИИИ,ХИИ бобларда баён килинган.

3. Хавфсизлик Кенгаши Бош Ассамблея муҳокамасига йиллик маърузалар ва, заруратга қараб, маҳсус маърузалар тақдим қиласди.

### 25-модда

Ташкилот Аъзолари, ушбу Низомга мувофиқ, Хавфсизлик Кенгашининг қарорларига бўйсунишга ва уларни бажаришга розилик берадилар.

#### 26-мода

Куролланиш иши учун жаҳоннинг одам ва иқтисодиёт захираларини энг кам миқдорда жалб қилган ҳолда ҳалқаро тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш ва саклашга кўмаклашиш мақсадида Хавфсизлик кенгаши Ташкилот Аъзоларига тақдим этиш учун куролланишни тартибга солиш тизимини вужудга келтириш режаларининг 47-моддада кўрсатилган Ҳарбий Штаб қўмитаси ёрдами билан тузилишига жавобгар ҳисобланади.

#### Овоз бериш

#### 27-мода

1. Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир Аъзоси битта овозга эга.
2. Хавфсизлик Кенгашининг тартибот масалалари бўйича қарорлари, агар уларга Кенгашнинг тўққиз аъзоси ёқлабовоз берган бўлса, қабул қилинган, деб ҳисобланади, бунда баҳсада қатнашивчи томон ВИ боб асосида ва 52-модданинг З-банди асосида қарор қабул қилишга овоз беришдан ўзини саклаши керак.

#### Тартибот

#### 28-мода

1. Хавфсизлик Кенгаши узлуксиз ишлай оладиган тарзда тузилади. Бунинг учун Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жойлашган жойда доимо ўз вакилига эга бўлиши керак.

2. Хавфсизлик Кенгаши вақти-вақти билан бўладиган мажлисларга тўпланади, уларда аъзолардан ҳар бири ўз истагига қараб ё ҳукумат аъзосини ёки маҳсус тайинланган бошқа бир вакилини вакил қила олади.

3. Хавфсизлик Кенгаши мажлислари нафақат Ташкилот жойлашган жойда, балки Кенгашнинг фикрича, унинг ишлашига кўпроқ имкон берадиган бошқа ҳар қандай жойда ҳам ўтказилиши мумкин.

#### 29-модда

Хавфсизлик Кенгаши ўз вазифаларини бажариши учун қандай ёрдамчи органларни зарур деб топса, уларни таъсис эта олади.

#### 30-модда

Хавфсизлик Кенгаши ўзининг тартибот қоидаларини, шу жумладан, ўз Раисини сайлаш тартибини белгилайди.

### 31-модда

Ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлмаган ҳар бир аъзоси Хавфсизлик Кенгаши муҳокамасига киритилган ҳар қандай масалани кўриб чиқишига, Хавфсизлик Кенгаши ана шу масалани мазкур Аъзонинг манфаатларига таалукли деб топган ҳар бир ҳолатда, овоз бериш хукуқисиз қатнаша олади.

### 32-модда

Ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгаши аъзолигида турмаган ҳар қандай аъзоси ёки Ташкилотнинг аъзолигида турмаган ҳар қандай давлат, Хавфсизлик Кенгаши кўриб чиқадиган низода қатнашувчи томон бўлса, улар шу низога таалукли муҳокамада овоз бериш хукуқидан фойдаланмай қатнашиш учун таклиф этилади. Хавфсизлик Кенгаши Ташкилот Аъзоси бўлмаган давлатнинг қатнашуви учун қандай шароитни адолатли деб топса, ўшандай шароитни вужудга келтиради.

## VI БОБ. НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИШ

### 33-модда

1. Ҳар қандай низода қатнашубчи томонлар, бу низонинг давом этиши халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг сақланишига таҳдид соладиган бўлса, аввало, низонинг музокаралар юритиш, текшириш, воситачулик, ярашиш, арбитраж, суд йўли билан ҳал этиш ёки минтақавий органлар ё битимларга мурожаат қилиш ёки ўз хошишларига кўра, бошқа тинчлик воситалари билан бартараф қилишга интилишлари лозим.

2. Хавфсизлик Кенгаши, зарур деб топса, томонлардан ораларидаги низони шундай воситалар ёрдамида бартараф қилишини талаб этади.

### 34-модда

Хавфсизлик Кенгаши халқаро ихтилофга сабаб бўлиши ёки низо чиқариши мумкин бўлган ҳар қандай келишмовчилик ёки вазиятни, уларнинг давом этиши халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг сақланишига таҳдид сола олиши эҳтимолини аниқлаш мақсадида, текширишга вакил қилинади.

### 35-модда

1. Ташкилотнинг ҳар бир Аъзоси 34-моддада кўрсатилган тарздаги ҳар қандай низо ёки вазиятни Хавфсизлик Кенгашига ёки Бош Ассамблеяга маълум кила олади.

2. Ташкилот аъзоси бўлмаган давлат хавфсизлик Кенгаши ёки Бош Ассамблеяни ўзи бир томони бўлган ҳар қандай низо тўғрисида, агар у ушбу Низомда кўрсатилган низоларни тинчлик йўли билан бартараф қилиш мажбуриятларини олдиндан ўз зиммасига олса, хабардор қила олади.

3. Бош Ассамблея ўзога ушбу модда асосида маълум қилинган ишларни 11- ва 12-моддалардаги қоидаларга мувофиқ ҳал этади.

### 36-модда

1. Хавфсизлик Кенгаши 33-моддада кўрсатилган тарздаги низонинг ёки шунга ўхшаш вазиятнинг ҳар қандай босқичида уни бартараф этишнинг тегишли тартиби ёки усулини тавсия этишга вакил қилинади.

2. Хавфсизлик Кенгаши шу низони бартараф қилиш учун томонлар тарафидан қабул қилиб бўлинган ҳар қандай тартибни эътиборга олади.

3. Хафвсизлик Кенгашиушбу модда асосида тавсиялар берганда юридик характердаги низолар умумий қоида сифатида, Суд Статути қоидаларига мувофиқ Халқаро Судга оширилиши кераклигини ҳам эътиборга олади.

### 37-модда

1. Агар томонлар 33-моддада кўрсатилган тарздаги низони шу моддада кўрсатилган воситалар билан бартараф қилолмасалар, уни Хавфсизлик Кенгашига оширадилар.

2. Агар Хавфсизлик Кенгаши шу низонинг давом этиши халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг сақланишига ҳақиқатан таҳдид қилиши мумкин, деб ҳисобласа, у 36-модда асосида иш кўрош керакми ёки низони бартараф қилишнинг ўзи маъқул топган шартларни тавсия этиш кераклигини ҳал қиласди.

### 38-модда

Хавфсизлик Кенгаши, агар ҳар қандай низода қатнашувчи барча томонлар илтимос қилсалар, 33-37-моддаларнинг қоидаларига путур этказмасдан томонларга шу низони тинч йўл билан бартараф этиш мақсадида тавсиялар беришга вакил қилинади.

**VII БОБ. ТИНЧЛИККА ТАҲДИД ҚИЛИШ, ТИНЧЛИКНИ БУЗИШ ВА БОСҚИНЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИГА НИСБАТАН КЎРИЛАДИГАН ЧОРАЛАР**

### **39-модда**

Хавфсизлик Кенгаши тинчликка хар қандай таҳдид қилиш, тинчликни ҳар қандай тарзда бузиш ёки босқинчилик ҳаракати мавжудлигини аниқлайди ва тавсиялар беради ёки халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёхуд тиклаш учун 41- ва 42-моддаларга мувофиқ қандай чоралар кўриш кераклигини ҳал қиласди.

### **40-модда**

Хавфсизлик Кенгаши вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик учун тавсиялар бериш ёки 39-моддада кўзда тутилган чораларни кўриш ҳақида қарор қабул қилишдан аввал, манфаатдор томонлардан ўзи вактинча кўрилиши лозим ва маъқул, деб топган чораларнинг бажаралишини талаб этишга вакил қилинади. Бундай вактинча чоралар манфаатдор томонларнинг ҳуқуқларига, даъволарига ёки мавқеига зарар этказмаслиги лозим. Хавфсизлик Кенгаши шу муваққат чораларнинг бажарилмаганлигини тегишлича хисобга олади.

### **41-модда**

Хавфсизлик Кенгаши ўз қарорларини амалга ошириш учун куролли кучлардан фойдаланиш билан алоқадор бўлмаганқандай чоралар кўриш кераклигини ҳал этишга вакил қилинади ва у Ташкилот Аъзоларидан шундай чораларни кўришни талаб қила олади. Бу чораларга иқтисодий муносабатларни, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, телеграф, радио ёки бошқа алоқа воситаларини тўла ёки кисман тўхтатиш, шунингдек, дипломатис муносабатларни узиб кўйиш кириши мумкин.

### **42-модда**

Агар Хавфсизлик Кенгаши 41-моддада кўзда тутилган чораларнинг этарли бўлмаслиги мумкин ёки этарли эмас, деб топса, у ҳаво, денгиз ёки куруқлиқдаги кучлар ёрдамида халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёки тиклаш учун зарур чоралар кўришга вакил қилинади. Бу чораларга Ташкилот Аъзоларининг ҳаво, денгиз ёки куруқлиқдаги кучларнинг намойиши, қамал қилиши ва бошқа амалиётлари кириши мумкин.

### **43-модда**

1. Ташкилотнинг барча аъзолари халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишига ўз ҳиссасини кўшиш учун Хавфсизлик Кенгаши ихтиёрига унунг талаби бўйича ва маҳсус битим ёки битимларга биноан халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун зарур куролли кучлар, ёрдам ва тегишли хизмат воситаларини, шу

жумладан, худудидан ўтиш ҳуқукини бериш мажбуриятини оладилар.

2. Бундай битим ёки битимлар кўшинларнинг сони ва тури, уларнинг тайёргарлик даражаси ва умумий жойлашуви ҳамда хизмат кўрсатиш воситалари ва ёрдам характерини белгилайди.

3. Битим ёки битимлар тузиш тўғрисидаги музокаралар Хавфсизлик Кенгашининг ташаббуси билан мумкин қадар қисқа муддатда олиб борилади. Битим ёки битимлар Хавфсизлик Кенгаши билан Ташкилот Аъзолари ўртасида ёки Хавфсизлик Кенгаши билан Ташкилотнинг бир гурӯҳ Аъзолари ўртасида тузилиб, уларни имзолаган давлатлар томонидан шу давлатларнинг конституцион тартиботига мувофиқ ратификатсия қилиниши керак.

#### 44-модда

Хавфсизлик Кенгаши куч ишлатишга қарор килганида, Кенгаща вакили бўлмаган Ташкилот Аъзосидан 43-модда асосида унинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариш юзасидан қуролли кучлар беришини талаб қилишдан илгари, Ташкилотнинг шу аъзосини, агар у истаса, Хавфсизлик Кенгашининг шу Ташкилот Аъзосининг қуролли кучлари қисмларидан фойдаланиш юзасидан карори қабул қилинишида қатнашишга тақлиф этади.

#### 45-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг шошилинч ҳарбий чоралар кўришига имконият тутдириш мақсадида, Ташкилот аъзолари ўз миллий ҳарбий ҳаво кучлари қисмларини биргаликда ҳалқаро мажбурий чоралар кўриш учун таёргарлик даражасини ҳамда уларнинг биргаликда ҳаракат қилиш режаларини Хавфсизлик Кенгаши Ҳарбий-Штаб кўмитаси ёрдами билан маҳсус битимда ёки 43-моддада эслатилган битимларда кўрсатилган месъёрда белгилайди.

#### 46-модда

Қуролли кучлар ишлатиш режаларини Хавфсизлик Кенгаши Ҳарбий-Штаб кўмитаси ёрдами билан тузади.

#### 47-модда
